



«KAMOLOT»
KUTUBXONASI

Конфуций

Суҳбат ва
мулоҳазалар

孔子
论语



孔子
Конфуций



СУҲБАТ
ВА МУЛОҲАЗАЛАР

论语
Лун Юй


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2014

УЎК: 1(091) (092)

КБК:82.3 (5 Хит)

К 68

Конфуций

Суҳбат ва мулоҳазалар / Конфуций. – Т.:Янги аср авлоди,
2014. - 272 б.

Қадимий ва замонавий хитой тилларидаги **论语** (“Лун Юй”) нашрла-
ридан

Мажид Махмутходжаев

 ва Наргиза Исматуллаева таржимаси

Масъул муҳаррир:
Иброҳим ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди

Тузувчи ва сўзбоши муаллифи:
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

*Китоб Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят
бўлими ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-27-393-1

© Конфуций, «Суҳбат ва мулоҳазалар» (Лун Юй). «Янги аср авло-
ди», 2014 йил. Таржимонлар: М.Махмутходжаев, Н.Исматуллаева.
Тузувчи, сўзбоши ва лойиҳа муаллифи М.Обидов.

主张领会本人之本质思想的导师

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ТАЪЛИМОТЧИСИ

Кунларнинг бирида хитойлик файласуф Конфуций ҳақида ўқиб қолдим. Унинг “Сухбат ва мулоҳазалар” асарида шундай деб ёзилганди: “Ўзингга раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрма”. Аслида бу ғояга илк бор дуч келаётганим йўқ. Муқаддас “Қуръон” ва “Ҳадис”да ҳам шунга яқин ҳикмат такрор ва такрор келади. Аммо айнан бугун, айнан шу ибора менга ўзгача таъсир кўрсатди. Босиб ўтган ҳаёт йўлим кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен шундай яшай олдими? Бу саволга мухтасар ва таскинли жавоб топиш қийин эди. Қалб изтироблари кучайди. У малҳам истарди. Ҳаётий тажрибамдан биламан. Бундай пайтда энг таъсирчан даво – саёҳат. Мен Хитойга, донишманд Конфуций зиёратгоҳлари томон йўл олдим.

Пекиндан тезюарар поездда Шандонг вилояти (ҳозирда 96 миллион аҳолиси бор) маркази Жинан шаҳрига, ундан яна 180 километр қуйидаги Чюйфу (халқ орасида Конгфу деб ҳам аталади) шаҳрига машинада етиб бордим.

Чюйфу унча катта бўлмаса-да (640 минг аҳоли яшайди), қадимий Хитой меъморчилиги асосида қурилган ноёб бинолар сақланиб қолган шаҳарлардан бири эди. Иморатлари асосан икки қаватли, томлари ойсимон шаклдаги сополдан ярим доира ҳолда зеб бериб ёпилган, пешайвонли, ёритгич ўрнига қизил фонуслар осилган, кўчалари тор, тош қопламали Чюйфу тарихий фильмлардаги манзарани эслатади.

Чюйфу дунёга машҳур мутафаккир Конфуцийнинг (асл исми Конг Чю) ватанидир. У эрамыздан аввалги

551 йилда таваллуд топиб 479 йилда 72 ёшида Чюйфуда оламдан ўтган.

Мутафаккир ҳаёти ва ижоди

Конфуций Хитойда Жоу сулоласи ҳукмронлик қилган сиёсий ихтилофлар туфайли халқнинг турмуш шароити ниҳоятда оғирлашган даврда яшаб ижод қилди. Ўша замонларда ҳам зиёлилар мамлакатни истикболга бошловчи амалий таклифлари билан ҳукуматга мурожаат қилганлар. Конфуций уларнинг бири эди.

Хитойнинг қадим замон фикр машъаласини ёққан мутафаккири исми Конг Чю бўлган. Аммо унинг илмдаги устунлик мақомига ишора қилишиб Конг Фу Зи, яъни устоз Конг деб атаганлар. У император Жуо Чэнванг авлодидан, 63 ёшли ҳарбий саркарда Конг Хэ ва унинг 17 ёшли ҳокими Ян Жизайдан оламга келган. Унинг отаси Конг Хэ жасурлиги ва жисмоний кучқудрати билан машҳур ҳарбий зобит бўлган. Конг Хэ биринчи рафиқасидан тўққиз нафар қизи, иккинчи рафиқасидан эса битта касалманд ўғли бўлганлиги сабабли янги тенгсиз никоҳ рўй берган. Конг Хэнинг Ян Жизай билан никоҳи замондошлари томонидан “қоидаларга зид биргалик” деб аталган. Чунки ўша даврда эркакларнинг 63 ёшдан кейин яна оила қуриши мумкин бўлмаган¹.

Конг Чю бир ярим ёшида отасидан етим қолади. Онасини кундошлар сиғдирмагач, зодагон хонадонидан чиқиб кетадилар. Шу тариқа у жуда ёшлигиданоқ қорин тўйдириш учун ишлашга мажбур бўлади.

¹Наргиза Исматуллаева, “Конфуций ҳаёти ва Лун Юй асари”. Тошкент, 2013. Тошкент давлат шарқшунослик институти нашриёти.

Аммо узоқ тунлари онасидан эшитган отасининг жасорати, буюк ишлари ҳақидаги хикоялар унга тинчлик бермайди. Зоти мақомига мослигини тиклаш учун киборлар даражасини эгаллаш йўлида тинмай меҳнат қилади. Аввало, илмини оширади. Қадимги Хитойда давлат хизматиغا кириш учун олти хил санъатни эгаллаш талаб қилинар эди. Булар: маросим тартибларини бажариш, мусикани тушуниш, камондан ўқ ота олиш, от миниш, хаттотлик санъати ва математика. Ундаги ғайрат, сабот, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик зодагонлар томонидан эътиборга тушади. Тез орада Конг Чю дон йиғиш ва тарқатиш масъулларидан бирига айланади. Лекин салтанатдаги амалдорларнинг адолатсизлиги билан чиқиша олмагач, ўзини шогирдларига таълим беришга бағишлайди.

522 йилнинг баҳорида 30 ёшли Конфуций Чюйфу шаҳрида илк хусусий мактабга асос солади. Шу тариқа у Хитой тарихидаги биринчи тажрибали ўқитувчи ҳамда зиёлилар жамиятининг ташкилотчиси бўлган. Конфуций биринчи бўлиб таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ ўқитиш анъанасини бошлаб берган.

Конфуцийнинг 3 мингдан ортиқ шогирди бўлиб, улар орасида 4 таси ишончли шогирд, 10 таси донишманд шогирд, 72 нафари эса иқтидорли ва юксак фазилатли шогирдлар деб аташган.

Конфуций ўзининг инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига асосланган ижтимоий-сиёсий мафкура-сини амалиётга татбиқ этиш мақсадида давлат арбоби мавқеини эгаллашга ҳаракат қилади. У 496 йилда Лу вилоятида биринчи маслаҳатчи лавозимига қабул қилинади ва хизмат тақозоси билан энг яқин

шогирдларини олиб бепоен мамлакат бўйлаб 13 йиллик саёхатга чиқади.

Мутафаккир ҳаётининг сўнгги йилларини Чюйфуда мумтоз кўлёмалар устида ишлаш, таълимотини янада ривожлантириш, муносиб шогирдлар етиштириш билан ўтказди. Конфуций бутун умр “мамлакат жамоатчилик-ники” истаги билан “космополитика” ғоясига интилган, “ўртаҳол фаровонликда ҳаёт кечирувчи” жамиятни амалга оширишни умид қилган. Конфуцийнинг фалсафий қарашлари бу “инсонпарвар инсонларни севгай”, таълим-тарбияга оид ғояси “таълим олиш барча учун бир” қабилардир.

Конфуций ўз номи билан аталувчи таълимот қолдирди. Умрини шу таълимот асосида яшади. Ўша замондаёқ унинг таълимоти халқ ва императорлар томонидан ҳаёт тарзи, қондаси сифатида қабул қилинди. Қабилла бошлиқлари, юрт эгалари чексиз ҳурмат кўрсатиб ҳаёт чоғида унинг ҳузурига таъзимга келдилар, ўлгандан сўнг эса хилхонаси зиёратгоҳга айланди.

Сонг сулоласи давлатига асос солинган даврда Жао Пу исмли вазир бўлган экан. Ўзгалар уни императорга мамлакатни бошқаришда ёрдам бериш қобилиятига эга инсон деб мақтар, уни асар, шеърларни кўп ўқиган, илмли ва истеъдодли деб ҳисоблашар экан. Лекин кишилар унинг уйига кирганларида, китоб жавонида биргина “Лун Юй” (“Сухбат ва мулоҳазалар”) асари турганлигини кўрибдилар, бундан ташқари у китоб фақат ярмигача ўқилган экан. Шу туфайли вазирни “яримта “Лун Юй” давлатни бошқаряпти” деб атаган эканлар.

Конфуцийнинг мафқураси, таълимотининг таъсири ва нуфузи нафақат Хитой ва жануби-шарқий Осиёда,

балки бошқа мамлакатларда ҳам яққол сезилади. У Исо Масих, Будда, Сукрот билан бир қаторда дунёнинг тўртта буюк “донишманди” дея васф этилган. АҚШда нашр этилган “Миллий йиллик маълумотнома”ларнинг бирида Конфуций жаҳоннинг ўн нафар етакчи йирик мутафаккирлари қаторига киритилиб, дунё жамоатчилигининг эътиборини тортади. Жумладан, 1988 йилда Халқаро Нобель мукофотининг Париждаги йиғилиши мурожаатномасида шундай дейилган: “Инсоният XXI асрда яшаб қолишни истаса, 25 аср илгари яшаб ижод этган Конфуцийнинг донишмандлигидан яхши хабардор бўлмоғи даркор”².

Конфуций ҳаёти даврида кўп китоблар ёзган, таҳрир қилган, деган маълумотлар келтиради, олимлар. Замонлар оша етиб келган “Чун Чю” (“Баҳор ва Куз”) китоби унинг қаламига мансуб деб ҳисоблайдилар. “Шижинг” (“Шеърлар китоби”) эса унинг таҳриридан ўтганлигига далил келтирилади. Дунё халқлари орасида унинг номини машҳур қилиб келаётган “Лун Юй” (“Сухбат ва мулоҳазалар”) китобини эса Конфуцийнинг шогирдлари устоз ўлиmidан сўнг сабоқ чоғи эшитганларини тўплаб битиб бунёд этганлар. Ҳозирда сақланиб қолган “Лун Юй” 20 бўлим, 492 банддан иборат бўлиб, улардан Конфуций ва унинг шогирду замондошлари билан ўтказган сухбати 444 бандни ташкил этади. 48 банд эса Конфуций шогирдларининг ўзаро сухбатларидан ташкил топган. Бу китоб XVII асрда лотин, сўнгра инглиз, француз тилларига таржима қилинган.

² Наргиза Исмагуллаева, “Конфуций ҳаёти ва Лун Юй асари”. Тошкент, 2013. Тошкент давлат шарқшунослик институти нашриёти.

Ҳозирда дунёнинг кўплаб халқлари тилида ҳам чоп этилган.

“Лун Юй” асари ниҳоятда бой мазмун-моҳиятга эга. Унинг аксарият қисми инсониятнинг ижтимоий ҳаёти масалаларини камраб олган бўлиб, Хитой халқининг руҳий табиати ва ахлоқий хатти-ҳаракатларига катта таъсир кўрсатган. Асар 2 минг йилдан ортиқ вақт хитойликларнинг бошланғич таълимда ўқиб ўзлаштиришлари шарт бўлган китоб ҳисобланган. 1919 йилдаги “4 май” ҳаракатидан сўнг “Лун Юй” феодал маданият тимсоли сифатида таъқиқланган китоблар қаторига киритилган³.

1978 йилдан бошлаб Хитойда Конфуций ижоди, таълимотини янада яқиндан ўрганишга киришилди. Чунки Конфуций таълимотининг икки минг йилдан ортиқ давр мобайнида кўрсатган таъсири нафақат бу мамлакатдаги сиёсат ва маданиятда акс этган, балки миллат тафаккурининг муҳим таркибий қисми ҳам ҳисобланади.

Конфуций таълимоти

Конфуций таълимоти ибодатга дахлдор эмас. У одамзот ҳаёт тарзини ўзининг дунёқараши билан мезонлашга ҳаракат қилган. “Ўзинга раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрма” шиори Конфуций ғояларининг марказида туради. Пок инсонда беш хислат бўлиши, у умрини шу тамойил асосида яшаши керак, деб уқтиради мутафаккир.

³ Наргиза Исмагуллаева, “Конфуций ҳаёти ва Лун Юй асари”. Тошкент, 2013. Тошкент давлат шарқшунослик институти нашриёти.

Биринчи қоида – одамларга мухаббат, меҳрибонлик, инсонпарварлик. Буни у одамда одамийликнинг бошланиши, деб таърифлайди. Инсон ўзининг ахлоқий бурчини англамай туриб, ўзини англай олмайди, дейди у. Инсон ўзини ўзидан топади, деган қоидани таклиф этади. Бу нарса инсонни ҳайвондан фарқлайдиган, разолат, жаҳолатга қарши тура оладиган фазилатдир, дея уқтиради. Конфуций таълимотидаги биринчи қоиданинг рамзи деб **Дарахт**ни танлайди.

Иккинчи қоида – ҳақиқат, адолат. Инсон яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариши лозим. Ҳақ сўз, ҳақ амал ҳамиша ғолиб. У инсонга қатъийлик бахш этади, худбинликка қарши туради, дейди файласуф. “Оқил одам адолат излайди, пасткаш эса манфаат”, дейди Конфуций. Адолат рамзи деб **Темир**га ишора беради.

Учинчи қоида – удум, одат, анъанага содиқлик. Масалан, ота-онага хурмат кўрсатиш. Бунда Конфуций жамият бирлиги, ўзаро ҳамжихатлик ва хурмат-эътиборни, халқона урф-одатга қатъий риоя этилишини, ижтимоий ҳимояни назарда тутган. **Олов** ҳаммага баробар иссиқлик ва ёруғлик таратади, дея уни рамз сифатида белгилаган.

Тўртинчи қоида – соғлом фикр, донолик, оқиллик, ўз хатти-ҳаракати оқибатларини олдиндан кўра билиш, ўзига четдан қараш ва баҳо бера олиш. Унга кўра инсон ўз фазилатларини меъёрлаштиради, қайсарлигини жиловлайди, ақлсизликка қарши тура олади. Барча нарсани поклаш қудратига эга **Сув** унинг рамзи, дейди.

Бешинчи қоида – самимият, пок ният, хур фикр, саҳийлик ва виждонлилик. Инсон худбинликни четлай

олади, дейди Конфуций ва саховатли **Ер**ни шундай фазилатлар рамзи, деб таърифлайди.

Чюйфуда Конфуций номи билан боғлиқ учта зиёратгоҳ бор. Булар Конгмяо – Конфуцийга таъзим саройи, Конфуций ва унинг авлоди яшаган Конгфу мавзеси ҳамда Конфуций дафн этилган Конглин кабристонидир.

Конгмяо

Бу ерга келган минглаб сайёҳ ва зиёратчилар шаҳар қалъаси бош дарвозасидан ўтгач, дастлаб Конгмяо ибодатхонаси мажмуасига йўл оладилар. Конгмяо 9 та сарой, 466 та алоҳида иморатлардан иборат. Мармар тошдан безалган 54 та арк дарвозалардан бирин-кетин ўтиб мажмуа тўрида жойлашган таъзим саройига борасиз. Уни Дачэн Дян дуолар ижобат саройи деб ҳам атайдилар. Эни 34, узунлиги 54 метрли, тўғри тўртбурчак шаклда қизил ғишт ҳамда қизил темир дарахтдан (уни Хитойда Бай Шу деб атайдилар) баланд ва кўркам қилиб қурилган. Тарихчиларнинг ёзишича, Дачэн Дян саройи эрамиздан аввалги 478 йилда, Конфуций вафотидан бир йил ўтиб қурилган. Сарой ўртасида Конфуцийнинг яхлит дарахтдан ясалган улкан ҳайкали қўйилган. Сарой олд майдончасида эса икки метр баландликда тош супа бор. Бу ерга таъзимга келган император ва амалдорлар шу тошсупада жонлиқ қурбонлик қилганлар. Конгмяо тарихида Хитойнинг 11 императори ўн тўққиз бор пойтахтни қолдириб Чюйфуга, Дачэн Дян саройига Конфуций руҳига таъзим қилгани келганлар.

Зиёратчилар дастлаб оловдонда гиёҳ баргларини ивитиб эшилган чамаси 40–50 сантиметр узунликдаги тутатқини чўғлатиб оладилар ва махсус шамдонга

Ўрнатиб, ҳайкал қаршисида чап қўл кафтига ўнг қўлни муштлаб босадилар ва таъзим бажо келтирадилар. Сўнгра пастроқ супачага тиз чўкиб икки қўл кафтларини бир-бирига босиб бош эгганча Конфуций рухидан мадад сўрайдилар.

Мажмуа таркибида Конфуций умрининг сўнги йиллари шогирдларига таълим берган дарсхона, китобхона, мўъжизакор қудуқ ва бошқа иморатлар сақланиб қолган.

Конгфу

Конфуций туғилиб ўсган, умрининг охиригача яшаган уй, кўча ҳамон аслича сақланиб қолган. У қазо қилгач, император фармонига кўра бу мавзеда фақат унинг ўғил зурриётлари, яъни ўғил фарзанд, ўғил набира ва ҳ.к. улардан оламга келган фақат ўғил авлодлар яшаш ҳукукига эга бўлганлар. Турли замонда мутафаккир авлодлари бири-бирига туташ иморатлар, саройлар қурганлар. Конфуцийга бўлган чексиз эҳтиром туфайли Буюк Хитойнинг учта императори ўз қизлари – мамлакат маликаларини унинг авлодлари бўлган невара, чевара, эварасига хотинликка берганлар.

Конгфунинг тор кўчаларидан бирида оддий ва камтарона, чоғроқ ҳовли бор. Бу Конфуцийнинг уйи. Фалакнинг гардишини қарангки, у яшаган замондан салкам йигирма олти аср ўтиб менга шу хонадон дарвозасидан остона ҳатлаб кириш насиб этди. Тош ва ғиштдан пастқамгина анъанавий усулда қурилган икки хона олди айвонли ҳовли. Мен уй жиҳозлари, айвон шифтлари, ҳовли деворларидан ғайритабиий нимадир ахтараман. Лекин тополмайман. Ҳаммаси оддий. Хўш, унда миллат устози, буюк мутафаккирга

нима илохий рух берган? Оддийлик, тўғрилиқ, адолат, меҳрибонлик, садоқат абадий ҳақиқат эканини қандай қилиб, қайси куч таъсирида англаган ва шу мезонлар асосида халқчил таълимотни яратган? Ахир у пайғамбар бўлмаган. Демак, илм истаган, ҳаёт сабоқларидан ҳикмат топган.

Конгфудаги ҳовлилардан бирида мўъжизавий дарахт ўсади. Бу ҳовли Конфуцийнинг XIX асрда яшаган 74-авлодига тегишли экан. Дарахт илдизидан 6 та новда ўсиб чиқиб бугун улкан танага айланган. Қизиғи шундаки, ўртадаги тана – Хуайшу ва уни қуршаб турган қолган 5 та тана – Пайшу дарахтига тегишлидир. Лекин улар бир илдиздан озикланиб ўсяпти. Бу мўъжизани Конфуций таълимотидаги “Инсоннинг ранги, эътиқоди турлича бўлиши мумкин, лекин яхшиликнинг илдизи биттадир”, деган ҳикматиға қиёслайдилар.

Конгфуда икки ярим минг йил давомида Конфуцийнинг 77 авлоди 1935 йилга қадар яшади.

Конглин

Тор кўчалар, қадимий бинолар шаҳар четидаги дарахтзор боғга туташган. Аслида уни кичикрок ўрмонга қиёслаш мумкин. Чунки бу ерда ёши минг йилдан ошган дарахтларнинг ўзи 20 мингтадан зиёд экан. Ва яна юз мингта юз йиллик темир дарахтлари бўлган 200 гектарли Конглинни боғ деб аташ ўринли бўлармикан.

Конглин – дунёдаги энг қадимий қабристон. Бу ерга эрамиздан аввалги 479 йилда илк бор Конфуций дафн этилган. Шундан сўнг унинг минглаб авлодлари, империя зодагонлари шу қабристондан абадий кўним топди. Ҳозир Конглинда юз мингдан зиёд қабр, 3600

та улкан қабртошлари, 200 та ҳайкал, 5000 дан зиёд тошбитиклар мавжуд.

Конглининг биринчи дарвозаси тош пештоқига Конфуцийнинг ҳикматли сўзлари ўйиб ёзилган: “Инсон ўлади, лекин уни ўн минг йиллардан сўнг ҳам танийдилар. Авлодлари юрагидан.”

Қабристон атрофи ишлов берилмаган мрамртош қопланган каттагина анҳор билан ўралган. Асосий дарвозадан киргач, кенглиги 8 метрлар чамаси икки четига ғоят нафис нақшлар ишланган тошлардан тўсиқ қўйилган кўприкдан ўтасиз. Кўприк текис эмас, арксимон бўлиб, ярми – энг тик жойигача зиналардан иборат, иккинчи ярми, пастга тушиш эса текис қилиб ишланган. Бу шунчаки меъморий безак эмас, балки инсон умрига қиёс. Зиналардан маълум манзилга кўтарилгач, бир кун пастга қараб, абадият қаърига кетасиз, деган маънога ишора.

Шу кўприк қурилганига ҳам икки минг йил бўлибди. Эзулик – мангулик, деганига шу кўприк шоҳид. Ундан миллионлар қатори отларини ташқарида қолдириб 11 та Хитой императорлари ҳам қадам босиб ўтган. Миллат устозига ҳурмат бажо келтириб, шоҳона кийимларини шу кўприк ёнидаги мўъжаз ховлида алмаштириб эл-улус қатори кийиниб, сўнг қабр томон йўлга тушганлар.

Зиёратгоҳгача 4 та мухташам дарвозалардан ўтиб бориш зарур. Дарвозалар икки қат: ички ва ташқи. Ташқи, очилиб ёпиладиган ва кулфладиган дарвозадан киргач, ўртада тўсиқ учун қўйилган ички дарвозага дуч келасиз. Унинг ёнидан айланиб ўтилади. Сўнгги, тўртинчи дарвозага бориладиган йўлак ёнига тошдан ясалган 2 та шер ва 2 та аждаҳо ҳайкаллари қўйилган.

Ривоятга кўра, бу ерга ёмон ниятли одам келса кўрикчи аждаҳолар оғзидан олов сочар экан. Яна икки кўрикчи – “яхшилик руҳи” ҳайкали орасидан ўтиб асосий зиёратгоҳ Конфуций қабри ёнига борасиз. Унга кўзим тушиши билан вужудимни ғайритабиий ҳаяжон чулғаб олди. Қабр диаметри 12, баландлиги эса 6 метрли тепаликдан иборат эди. Олимларнинг қайд этишича, ўша даврда энг юксак мартабали амалдоргагина (юрт эгаси, император) вафот этгач, шундай қабр тепалиги бунёд этганлар. Конфуций эса ақл-заковати билан мамлакатда шундай даража топган эди.

Қабр тепалиги пойига иккита битик тоши кўйилган. Уларнинг бирига 1244 йил санаси муҳрланган. Тошга “Етук мутафаккир қабри” деб ёзилган. Иккинчи битик тош 1443 йилга мансуб эди.

Қабр тепалиги, қабртошлари анвойи хид таратаётган янги узилган гулларга кўмилган. Зиёратчилар бу ерда ҳам чап кафтларига ўнг муштларини босиб саломлашгач, кафтларини жуфтлаб илтижоли тилакларини тилга олардилар. Қишнинг изғиринли, совуқ кунлари бўлса-да одамлар оқими гўё ҳеч тугамайдигандек эди.

Мен четроқдаги бир тош супада ҳаёл суриб ўтириб қолдим. Мени бу зот зиёратгоҳига нима етаклади? Дарахт, Темир, Олов, Сув, Ер. Булардаги уйғунликни, абадиятни англай олдими? Конфуций дейди: “Сен ўзингни ўзингдан изла”. Мен бу ғояларга, унинг ижодкорига сиғингани келмадим. Зеро, Конфуций таълимоти дин эмас. У ўзликни идрок билан топиш, кашф этиш, ҳаёт ва инсониятнинг ҳақиқат қонунларини англашга даъват этган, холос.

Конфуций ҳаёти, унинг таълимоти ва “Лун Юй” (“Сухбатлар ва мулоҳазалар”) асари ҳақида дунёнинг етук олимлари қалам тебратган, тадқиқ қилганлар. Қадимий ва замонавий хитой тилидан чоп этилган нашрларни ўзбек тилига тўлиқ таржима қилдириб, ушбу мўъжаз китобни тузишдан ожизона муддаомиз илм, маърифат, зиёга чанқоқ ўқувчига йигирма беш асрдан буён инсониятга ақл чироқларидан бирини тутиб келаётган буюк мутафаккир сиймосини яқинроқ таништиришдир.

穆罕默德江·阿比多夫
Муҳаммадҷон Обидов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
Тошкент – Пекин – Чойфу.
2014 й., январ

学而第一

I. Билим олар экан...

(1)子曰：“学而时习之，不亦悦乎？有朋自远方来，不亦乐乎？人不知而不愠，不亦君子乎？”

Устоз⁴ деди: “Билим олар экан, олинган билимни такрорлаб туриш фойдали эмасми? Жуда олисдан келган маслакдошингнинг дийдорини кўриш кувонарли ходиса эмасми? Бири сени тушунмаса-ю сен буни кўнглингга олмасанг, бу олижаноблик эмасми?”

(2) 有子曰：“其为人也孝悌而好犯上者，鲜矣。不好犯上而好作乱者，未之有也。君子务本，本立而道生。孝悌也者，其为仁之本与？”

Йоузи⁵ деди: “Ота-онасининг хурматини жойига кўядиган ва оға-иниларининг сўзларига кулоқ соладиган, аммо мансабдор шахсларга пичинг қилишни ёқтирадиган одамларни кам учратамиз. Юқори мансабли кишиларга пичинг қилишни хушламайдиган, лекин исён кўтаришни ёқтирадиган киши эса умуман йўқ. Олижаноб инсон асосий вазифалар сари интилади. Асос ўрнатилгач эса мамлакатни идора этишнинг инсонпарварлик тамойиллари вужудга келади. Ота-онани эҳтиром айлаш, оға-иниларнинг сўзларига кулоқ солиш – инсонпарварликнинг тамалидир!”

⁴ “Лун Юй”да келтирилган 子 zǐ иероглифи Конфуций шахсини билдиради. Асар унинг шогирдлари томонидан тузилгани учун хорижий тилларга, одатда, “устоз” деб ўгирилади.

⁵ Йоузи (有子 Youzi) – Конфуцийнинг 72 нафар иктидорли шогирдларидан бири. Шарифи Йоу (有You), исми Руо (若Ruо). Баъзи манбаларда Йоузининг Конфуцийдан 13 ёш кичиклиги, баъзиларида эса 33 ёш кичик эканлиги таъкидланади.

(3) 子曰：“巧言令色，鲜矣仁。”

Устоз деди: “Сўзамоллик билан ўзини меҳрибон қилиб кўрсатувчи кишиларда инсонпарварлик оз бўлади”.

(4) 曾子曰：“吾日三省乎吾身。为人谋而不忠乎？与朋友交而不信乎？传不习乎？”

Зэнгзи⁶ деди: “Мен ҳар куни ўзим ҳақимда чуқур мулоҳаза юритаман. Ўзгаларга хизмат қилар экан, бутун кучим ва жону дилимни бермадимми? Дўстларим билан муносабатда самимий бўлмадимми? Устозим берган билимларни такропламадимми?”

(5) 子曰：“道千乘之国，敬事而信，节用而爱人，使民以时。”

Устоз деди: “Минг нафар жанговар араваларга эга ҳокимлик⁷ни бошқаришда ҳокимлик ишларига жиддий эътибор қаратиб бажармоқ ва ишонч-эътимодга таянмоқ, маблағни тежамкорлик билан сарфламоқ, халқни дала ишлари мавсумидан бўш вақтда ишлатмоқ даркор”.

⁶ Зэнгзи (曾子 Zengzi) (м.а. 505—432 й.й.) – Лу ҳокимлигидан бўлмиш Конфуцийнинг тўрт нафар саҳиҳ шогирдларидан бири. Шарифи (曾 Zeng) Зэнг, исми Шэн (參 Shen). У зодагонлар наслидан бўлмаса-да, ўзининг интилишлари, билими натижасида Учэнг (武城 Wucheng) шаҳри маркази унвонига эга бўлган.

⁷ Қирол Жоу У (м.а. 1027—1024 й.й.) ўзининг оксуяк қариндошлари ва амалдорларига ер-мулк улашган. Уларнинг ҳар бирининг мингтадан жанговор араваси бўлиши керак бўлганки, бу ўлканинг куч-қудратини белгилаган.

(6) 子曰：“弟子入则孝，出则悌，谨而信，泛爱众而亲仁，行有余力，则以学文。”

Устоз деди: “Ёшлар ўз уйида ота-онасини, ака-укаларини сўзсиз эъозлаши, остона хатлаб кўчага чиққач эса ёру дўст ва катталарнинг хурмат-иззатини жойига кўйиши, ишга масъулият, синчковлик билан эҳтиёткорона ёндашмоғи, берган сўзида қатъий турмоғи, халқини чексиз севмоғи ҳамда инсонпарвар кишиларга яқинлашмоғи даркор. Буларни амалга оширгач, яна қуввати қолса, уни китоблардаги билимларни эгаллашга сарф этиши мумкин”.

(7) 子夏曰：“贤贤易色，事父母，能竭其力。事君，能致其身。与朋友交，言而有信。虽曰未学，吾必谓之学矣。”

Зися⁸ деди: “Агар бирор кимса аёл гўзаллигини писанд қилмай фозилликни афзал билса, ота-она хизматига бор кучини бағишласа, ҳукмдор хизмати учун ҳатто ширин жонини ҳам аямаса, дўстлари билан муносабатда сўзларида самимият бўлса, гарчи бундай киши қадимий санъат асарларини ўқиб ўзлаштирмаган бўлса-да, мен уни барча билимларни ўзлаштирган ҳисоблар эдим”.

(8) 子曰：“君子不重则不威，学则不固。主忠信，无友不如己者，过则勿惮改。”

Устоз деди: “Инсон олижаноб бўла туриб ўзини жиддий тутмаса, унинг обрўси бўлмайди, ўрганган билимлари эса заиф бўлади. У самимийлик ва ишончни устун билиб, ахлоқан ўзидан паст кишилар

⁸ Зися (子夏 Zixia) (м.а. 507–?) – Конфуцийнинг Вэй ҳокимлигидан бўлмиш шогирди. Шарифи Бу (卜Bu), исми Шанг (商 Shang).

билан дўст тутинмаслиги даркор. Хатоликка йўл қўйса, уни тўғрилашдан кўркмаслиги керак”.

(9) 曾子曰：“慎终追远，民德归厚矣。”

Зэнги деди: “Ота-онани дафн этиш маросимлари ҳушёрлик билан адо этилса, ўтмишда ўтган аждодлар хотирлаб турилса, бундай халқнинг одоб-ахлоқи янада мустаҳкамланади”.

(10) 子禽问于子贡曰：“夫子至于是邦也，必闻其政。

求之与？抑与之与？”子贡曰：“夫子温良恭俭让以得之。夫子求之也，其诸异乎人之求之与？”

Зичин⁹ Зигонг¹⁰дан сўради: “Устоз бирон бир ҳокимликка келиши билан доим шу ҳокимликнинг бошқарув ишлари ҳақида хабардор бўлади. Бундай маълумотни унинг ўзи сўраб-суриштириб билиб оладими ёки бошқаларнинг ўзи унга келиб маълумот берадими?” Зигонг жавоб берди: “Устознинг хуш муомаласи, бошқаларга хайрихоҳлиги ва эҳтироми, ҳушёр ва ён берувчан муносабати ўзгаларни бор маълумотни унга беихтиёр етказишга ундайди. Устознинг савол бериш услуби бошқаларнинг сўраш услубидан фарқ қилса керак-да?”

⁹ Зичин (子禽 Ziqin) – Шарифи Чэн (陈 Chen), исми Канг (亢 Kang). Жэн Сюаннинг изоҳига кўра, у Конфуцийнинг шогирди бўлган. Лекин “Шижи” асарига айтилишича, у Конфуцийнинг шогирди эмас.

¹⁰ Зигонг (子贡 Zigong) (м.а. 520—?) – Конфуцийнинг Вэй ҳокимлигидан бўлмиш шогирди. Шарифи Дуанму (端木 Duanmu), исми Ци (赐 Ci).

(11) 子曰：“父在，观其志。父没，观其行。

三年无改于父之道，可谓孝矣。”

Устоз деди: “Ота ҳаётлик чоғида унинг хоҳиш-иродасига қаралса, у вафот этгач унинг амалларига риоя қилинса, ота ўрнатган тартиблар узок давр ўзгартирилмаса, буни фарзандлик эҳтироми дея баҳолаш мумкин”.

(12) 有子曰：“礼之用，和为贵。先王之道斯为美。

小大由之，有所不行。知和而和，不以礼节之，

亦不可行也。”

Йоузи деди: “Маросим тартиблари уларнинг уйғунликка келтириш хусусияти билан қимматлидир. Қадимги ҳукмдорлар қўллаган мамлакатни бошқариш услубининг ажойиб кирраси ҳам айнан шу тамойилга асосланган. Лекин масала хоҳ кичик, хоҳ йирик бўлсин, фақат мазкур тамойилга таяниб ҳал этилса, баъзида ҳамма ишни кўнгилдагидек амалга ошириб бўлмайди. Чунки фақат уйғунликнинг қимматини билиб ёппасига уйғунлаштирилса-ю, у нарса ахлоқ қоидалари билан чегараланмаса, ҳаётга татбиқ этилмай қолади”.

(13) 有子曰：“信近于义，言可复也。恭近于礼，

远耻辱也。因不失其亲，亦可宗也。”

Йоузи деди: “Сўздаги самимийлик адолатга мувофиқ келса, бундай сўзни гапириш мумкин. Ҳаракатдаги эҳтиром ахлоқ қоидаларига мувофиқ келса, шундагина шармандалиқдан йироқ бўлиш мумкин. Суянадиган яқин инсонларинг ишончли бўлса, уларга таяниш мумкин”.

(14) 子曰：“君子食无求饱，居无求安。

敏于事而慎于言，就有道而正焉。可谓好学也已。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон еб-ичганда тўйишни, макон истаганида кулайликни кўзламаслиги керак. Меҳнатда чакқон ва уддабурон, сўзлаганда хушёр бўлиши даркор. Ахлокли кишилардан ибрат олиб, ўзининг камчиликларини тузатиш яхши таълим олганликдан дарак беради”.

(15) 子贡曰：“贫而无谄，富而无骄。何如？”子曰：

“可也。未若贫而乐，富而好礼者也。”子贡曰：“诗云：如切如磋，如琢如磨。其斯之谓与？”子曰：“赐也，始可与言诗已矣。告诸往而知来者。”

Зигонг деди: “Қашшоқ бўла туриб хушомад қилмаслик, бадавлат бўла туриб кеккаймасликка қандай қарайсиз?”

Устоз жавоб берди: “Қашшоқ бўлиб ахлоқийликка қувониш, бадавлат бўлиб маросим тартибларини яхши билиш бундан-да яхшироқ.” Зигонг деди: “Шижинг”¹¹ (“Шеърлар тўплами”)да “Фил суягини аввал кесадилар ва яна ишлов берадилар. Нефритни қирралайдилар ва яна силликлайдилар” дейилган. Шу маънода сўзлаган бўлсангиз керак-а? Устоз деди: “Эй, Ци! Сен билан энди “Шижинг” борасида мунозара қилишни бошла-сак бўлади. Сен менинг айтиб ўтган гапимдан мен хали сўзламаган маънони фаҳмлаб олибсан”.

¹¹ “Шеърлар тўплами” (《诗经》 Shijing) – Тахминларга кўра асар шакли м.а. X–VI асрларда шаклланган. М.а. VI–V асрларда Конфуций томонидан тўпланган. Бу энг дастлабки шеърин тўплам бўлиб, 305 та асарни ўз ичига олган. Тўплам уч қатга қисмдан иборат: “国风” Guofeng (“Шоҳликлар урфлари”), 雅” Ya (“Қасидалар”) ва “颂” Song (Мадҳиялар).

(16) 子曰：“不患人之不己知，患不知人也。”

Устоз деди: “Ўзгаларнинг сени билмасликларидан ташвишланма, балки ўзинг кишиларни билмаслигиндан қайғур”.

为政第二

II. Мамлакатни бошқариш

(1) 子曰：“为政以德，譬如北辰，居其所，而众星共之。”

Устоз деди: “Ҳукмдор мамлакатни ахлоқий фазилатга таяниб бошқарса, у худди Қутб юлдузи сингари муайян бир жойда туриб, юлдузлар қуршовида бўлади”.

(2) 子曰：“诗三百篇，一言以蔽之，曰：“思无邪。”

Устоз деди: “Шижинг”да жамланган уч юзта шеърни бир жумла билан ифодаласак, “Уларда ҳеч қандай зарарли фикрлар йўк”.

(3) 子曰：“导之以政，齐之以德，民免而无耻。导之以德，齐之以礼，有耻且格。”

Устоз деди: “Халқ маъмурий буйруқбозлик билан бошқарилса, унинг хатти-ҳаракатлари исканжалар ёрдамида тартибга солинса, оддий халқ мажбуран ўзини жинойт содир этишдан тийиб туради, лекин жинойтнинг иснодлигини англаб етмайди. Халқ мурувват ва ишонтириш йўли билан бошқарилса ва ахлоқ қоидалари, адолатга асосан бошқарилса, бундай халқ эгри иш қилиш иснодлигини тушунади. Шунингдек, ўз хатоларини ўзи тўғрилай олади”.

(4) 子曰：“吾十有五而志于学，三十而立，四十而不惑，五十而知天命，六十而耳顺，七十而从心所欲不逾矩。”

Устоз деди: “Мен 15 ёшимда билим олишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. 30 ёшимда оёқда мустақил тура олдим. 40 ёшимда турли масалалар моҳиятини тушуниб, йўлимни йўқотиб қўймадим. 50 ёшимда Осмон менга тақдиримни инъом этганлигини англадим. 60 ёшимда ҳақиқатни ёлғондан ажрата оладиган бўлдим. 70 ёшимда қонун-қоидалар чегарасидан чиқмаган ҳолда юрагимнинг амрига бўйсунга бошладим”.

(5) 孟懿子问孝。子曰：“无违。”樊迟御，子告之曰：“孟孙问孝于我，我对曰无违。”樊迟曰：“何谓也？”子曰：“生，事之以礼，死，葬之以礼，祭之以礼。”

Мэнг Изи¹² фарзандлик эҳтироми нималигини сўради. Устоз: “Ахлоқ қоидаларини бузмасликдир”, – деб жавоб берди. Фан Чи¹³ устозга арава олиб келганида устоз унга деди: “Мэнг Сун мендан фарзандлик эҳтироми нималигини сўради. Мен унга “Ахлоқ қоидаларини бузмаслик”, деб жавоб қайтардим”. Фан Чи бунинг маъносини сўради. Устоз деди: “Ота-она тириклик чоғида ахлоқ-одобга мувофиқ уларга хизмат қил. Ота-она вафот этгач, маросим тартибларига кўра дафн эт, уларга қурбонлик келтир!”

¹² Мэнг Изи (孟懿子 Meng Yizi) (м.а. 531–481) – Конфуцийнинг Лу хоқимлигида оқсуяклар оиласидан бўлмиш шогирди.

¹³ Фан Чи (樊迟 Fan Chi) (м.а. 505–?) – Конфуцийнинг шогирди. У устозидан кўп маротаба деҳқончилик тўғрисида сўрагани учун Конфуций уни 小人 xiaoren “ҳақир одам” деб атайди.

(6) 孟武伯问孝。子曰：“父母，唯其疾之忧。”

Мэнг Убо¹⁴ фарзандлик эхтироми моҳиятини сўради. Устоз деди: “Ота-онанинг, айниқса, бетобликларидан қайғуриб, уларга ғамхўрлик қилиш керак”.

(7) 子游问孝。子曰：“今之孝者，是谓能养，至于犬马，皆能有养，不敬，何以别乎？”

Зийоу¹⁵ фарзандлик эхтироми ҳақида сўради. Устоз деди: “Ҳозирда фарзандлик эхтиромини фақат ота-онани боқиш деб ҳисоблайдилар. Ит ва отлар ҳам боқилади-ку. Агарда фарзанднинг қалбида ота-онага нисбатан меҳр туйғуси бўлмаса, унда ота-онани боқиш билан ит ва отларни боқиш ўртасида нима фарқ қолади?”

(8) 子夏问孝。子曰：“色难。有事，弟子服其劳，有酒食，先生馔，曾是以为孝乎？”

Зися фарзандлик эхтироми ҳақида сўради. Устоз деди: “Энг қийини ота-онага чехрани очик кўрсатиш. Ота-она муҳтож бўлиб қолса, улар учун меҳнат қилиш, аввало, уларни едириб-ичириш... Булар фарзандларнинг ота-онага эхтироми ҳисобланадими?”

¹⁴ Мэнг Убо (孟武伯 Meng Wubo) – Мэнг Изининг ўғли, Конфуцийнинг шогирди. Исми Жи (儀Zhi).

¹⁵ Зийоу (子游 Ziyou) – Конфуцийнинг У ҳокимлигидан бўлмиш шогирди. Шарифи Ян (言 Yan), исми Ян (偃 Yan). Конфуцийдан 45 ёш кичик.

(9) 子曰：“吾与回言终日，不违如愚，退而省其私，亦足以发。回也不愚。”

Устоз деди: “Мен куни бўйи Ян Хуй¹⁶га сабоқ бераман. У эса ўзини аҳмоқдек тутиб, менга ҳеч қачон қарши фикр билдирмайди. У кетгач эса унинг мулоҳазалари ҳақида ўйлаб кўрсам, Ян Хуйнинг фикрини ривожлантириш мумкин экан. У асло аҳмоқ эмас.”

(10) 子曰：“视其所以，观其所由，察其所安，人焉叟哉！人焉叟哉！”

Устоз деди: “Кишини билиш учун унинг сўз ва амал-ларига боқсанг, унинг юрадиган йўлларини кузатиб турсанг, унинг кўнглида нималарни тутиб юрганлигини ўрганиб кўрсанг, бундай одам қаяққа ҳам қочиб қутуларди! Қаяққа ҳам яширина оларди!”

(11) 子曰：“温故而知新，可以为师矣。”

Устоз деди: “Қимки илгари олинган билимни такрорлаб, ундан янги таассурот, янги фикр ола билса, у муаллим бўлиши мумкиндир”.

(12) 子曰：“君子不器。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон идиш ёки буюм эмас”. (Олижаноб инсон идиш ёки буюм сингари фақат битта вазифа, битта қобилиятга эга эмас.)

¹⁶ Ян Хуй (颜回 Yan Hui) ёки Ян Юан (颜渊 Yan Yuan) (м.а. 521–481) – Лу ҳокимлигидан бўлиб, Конфуцийнинг тўрт нафар ишончли шогирдларининг етакчиси бўлган.

(13) 子贡问君子。子曰：“先行其言而后从之。”

Зигонг олижаноб инсон ҳақида сўради. Устоз деди: “Олижаноб инсон дилида ўйлаганини аввал бажаради, сўнггина айтади”.

(14) 子曰：“君子周而不比，小人比而不周。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон кишилар билан бирла-шади, лекин ўзаро тил бириктирмайди. Ҳақир одам эса ўзаро тил бириктиради-ю, бирлаша олмайди”.

(15) 子曰：“学而不思则罔，思而不学则殆。”

Устоз деди: “Фақат билим олиб, лекин мулоҳаза юритмаслик бу янглишишдир. Мулоҳаза юритиб, лекин билим олмаслик эса хатарлидир”.

(16) 子曰：“攻乎异端，斯害也已。”

Устоз деди: “Бидъатчининг таълимотини ўрганиш – фалокатдир”.

(17) 子曰：“由，诲汝知之乎！知之为知之，不知为不知，是知也。”

Устоз деди: “Йоу¹⁷, сенга билимнинг ҳақиқатини ўргатай! Биладиганингни билдим деб ҳисобла, билмаганингни билмадим деб бил. Бу – дониш-мандликдир”.

¹⁷ Зилу (子路 Zilu) (м.а. 542–480 й.й.) – Лу ҳокимлигидан бўлиб, Конфуцийнинг тўрт нафар ишончли шогирдларидан биридир. Шарифи Жонг (仲 Zhong), исми Йоу (由 You).

(18) 子张学干禄。子曰：“多闻阙疑，慎言其余，则寡尤。多见阙殆，慎行其余，则寡悔。言寡尤，行寡悔，禄在其中矣。”

Зижанг¹⁸ Устоздан амалдорлик мансабига талабгорлик ҳақида сўради. Устоз деди: “Турли хил фикрларни кўпроқ тингла. Шубҳа уйғотган масалаларни четга суриб, қолган арзигуликлари борасида ўз фикрларингни эҳтиёткорлик билан баён эт. Шундагина хатога кам йўл кўясан. Турли хил ишларни кўпроқ кўриб чиқ. Ишончинг комил бўлмаганини четга суриб тур, қолган арзигуликларини эса эҳтиёткорлик билан бажар. Шундагина афсус-надоматлар оз бўлади. Сўзлаганда хатолигинг, иш бажарганда надо-матинг оз бўлса, амалдорлик мансабини эгаллашинг мумкин”.

(19) 哀公问曰：“何为则民服？”孔子对曰：

“举直错诸枉，则民服；举枉错诸直，则民不服。”

Ҳоким Лу Ай¹⁹ сўради: “Қай йўл билан халқни итоат эттириш мумкин?” Устоз жавоб берди: “Хизматга адолатли кишилар танланиб, виждонсиз кишилар четга суриб қўйилса, халқ итоат этади. Хизматга виждонсиз кишилар танланиб, адолатли инсонлар четга суриб қўйилса, халқ ҳокимиятга бўйсунмайди”.

¹⁸ Зижанг (子张 Zizhang) (м.а. 503–?) – Чэн ҳокимлигидан бўлиб, Конфуцийнинг 72 нафар шогирдларидан биридир. Шарифи Жуансун (顓孙 Zhuansun), исми Ши (师 Shi).

¹⁹ Ҳоким Лу Ай (鲁哀公 Lu Ai gong) – м.а. 494–466 йилларда Лу ҳокимлигида ҳукмронлик қилган.

(20) 季康子问：“使民敬忠以劝，如之何？”子曰：“临之以庄则敬，孝慈则忠，举善而教不能则劝。”

Жи Кангзи²⁰ сўради: “Халқ эҳтиромли, садоқатли ва тиришқоқ бўлиши учун нима қилиш керак?” Устоз жавоб берди: “Сиз халқингизга нисбатан қаттиққўл бўлсангиз, халқ сизни ҳурмат қилади. Сиз ўз ота-онангизга эҳтиромли ва халқингизга мурувватли бўлсангиз, халқ сизга садоқатли бўлади. Сиз фозил инсонларни тавсия этсангиз ҳамда қобилияти суст кишиларга таълим берсангиз, халқингиз тиришқоқ бўлади”.

(21) 或谓孔子曰：“子奚不为政？”子曰：“书云：孝乎！惟孝友于兄弟，施于有政。是亦为政。奚其为为政！”

Устоздан сўрадилар: “Нима учун сиз давлатни идора этиш ишлари билан шуғулланмайсиз?” Устоз шундай жавоб берди: “Шужинг” (“Тарихнома”)²¹ да шундай дейилган: “Фарзандлик эҳтиромини ифода-лашда ота-онани ҳурмат айла, оға-инилар билан дўстона муносабатда бўл”. Буни амалга ошириш эса бошқарувдир. Шундай экан, давлат идораси билан шуғулланиш не даркор?”

²⁰ Жи Кангзи (季康子 Ji Kangzi) – Ҳоким Лу Ай даврида энг қудратли шахс бўлган.

²¹ “Тарихнома” (“书经” Shujing) – м.а. VI–V асрларда Конфуций томонидан тузилган ва таҳрир қилинган. Асардаги тарихий материаллар тахминан м.а. XXIV асрдан то м.а. VIII асрга қадар даврни ўз ичига олиб, ривоят, қисса, афсона, уларнинг тарихий версиялари, тарихий воқеалар, амалдорларга ҳукмдорнинг мурожаатномалари, ташкилий фармойишлари ва панд-насиҳатлари тўплами ҳисобланади.

(22) 子曰：“人而无信，不知其可也。大车无倪，小车无机，其何以行之哉！”

Устоз деди: “Кишида эътимод бўлмаслиги асло мумкин эмас. Бу худди омовчи бириктиргичсиз, арава филдираксиз бўлмагани сингаридир. Улар қандай ҳаракатлана олади?”

(23) 子张问：“十世可知也？”子曰：“殷因与夏礼，所损益，可知也。周因于殷礼，所损益，可知也。其或继周者，虽百世，可知也。”

Зижанг сўради: “Уч юз йилдан кейинги маросим (расм-русумлар) тизимини қандай бўлишини олдиндан билиш мумкинми?” Устоз деди: “Ин сулоласи²²нинг Ся сулоласи²³дан мерос қилиб олган маросимлар тизимида нималарни қисқартиргани ёки кўпайтиргани маълум. Жоу сулоласининг Ин сулоласидан мерос қилиб олган маросимлар тизимида нималар бекор қилингани ёки қўшилгани ҳам маълум. Гарчи уч минг йилдан кейин бўлса ҳам, келажакда Жоу сулоласидан мерос қилиб оладиган ҳар қандай сулоланинг маросимлар тизимини уларнинг ўхшаш жиҳатларига кўра билиш мумкин”.

²² Ин сулоласи (殷朝 Yinchao) яна Шанг сулоласи (商朝 Shangchao) ҳам деб номланиб, икки даврга бўлинган: Илк Шанг сулоласи эрамыздан аввал 1600–1300 йилларда, Сўнгги Шанг сулоласи эрамыздан аввал 1300–1046 йиллари ҳукмронлик қилган.

²³ Ся сулоласи (夏朝 Xiachao) ҳукмронлик қилган даври эрамыздан аввал тахминан 2070–1600 йилларни ўз ичига олади.

(24) 子曰：“非其鬼而祭之，谄也。见义不为，无勇也。”

Устоз деди: “Қурбонлик келтириш шарт бўлмаган рухларга қурбонлик қилишинг – лаганбардорликдир. Бурчни адо этиш пайти келганда қўлни қовуштириб туришинг – номардликдир”.

八佾第三

III. Саккиз қаторли мусиқа-ракс гуруҳи

(1) 孔子谓季氏：“八佾舞于庭，是可忍也，孰不可忍也！”

Устоз Жи Сун Ши²⁴ ҳақида сўзлаб деди: “У ўзининг саройида 64 раққос билан саккиз қаторли рақс²⁵ ни ижро этади, ахир бу қўполлик-ку! Бундан ҳам ортиқ қўполлик бўладими?”

(2) 三家者以《雍》彻。子曰：“相维辟公，天子穆穆。奚取于三家之堂！”

Мэнг Сун Ши, Шу Сун Ши, Жи Сун Ши²⁶ оиласи “Тинч”²⁷ мадҳиясини куйладилар. Шунда Устоз дейди:

²⁴ Жи Сун Ши (季孙氏 Ju Sun Shi) ёки Жи Пингзи (Ji Pingzi) – Лу ҳокимлигидаги амалдор.

²⁵ 佾 yì “қатор” маъносини бериб, қадимда бир қатор саккизта кишидан иборат бўлган. 八佾 ba yì (саккиз қаторлик) эса ўз ўрнида 64 та раққос дегани бўлади. “周礼” Zhou li – “Жоу маросим тартиблари”га кўра, фақат Жоу ҳукмдоригина 8 қатордан иборат рақс гуруҳидан фойдаланиши мумкин бўлган. Ҳокимга 6 қаторликдан, амалдорга эса 4 қаторликдан фойдаланишга руҳсат этилган.

²⁶ Мэнг Сун Ши, Шу Сун Ши, Жи Сун Ши – Лу ҳокимлиги ҳокимиятни қўлга олган уч қавмга тегишли амалдорлар.

²⁷ “Тинч” (“雍” Yong) “Шижинг”даги “Жоу мадҳиялари” бўлимининг номи. Қадимда қурбонлик маросими тугагач, қурбонлик анжомларини

“Ҳоким – қурбонлик маросимининг кўмаклашувчиси-дир, Ҳукмдор эса тантанавор сукунат ичра маросим бошқарар.

Уч амалдор оиласининг ибодатхонасида бундай мазмун-даги мисраларнинг қўлланиши мумкинми?”

(3) 子曰：“人而不仁，如礼何？人而不仁，如乐何？”

Устоз деди: “Киши инсонсевар қалб соҳиби бўлма-са, у ахлоқ қондаларини назарга илармиди? Кишида инсонсевар қалб бўлмаса, у музикани англармиди?”

(4) 林放问礼之本。子曰：“大哉问！礼，与其奢也，宁俭，与其易也，宁戚。”

Лин Фанг²⁸ маросимнинг моҳияти нимадалигини сўради. Устоз шундай жавоб берди: “Саволинг жуда мазмунли. Агар одатий маросим ҳақида сўз юритсак, уни дабдабали қилгандан кўра тежамкорлик билан амалга оширган маъқул. Дафн маросими ҳақида сўзласак, маросимни миридан сиригача адо этгандан кўра чин дилдан қайғурган афзал”.

(5) 子曰：“夷狄之有君，不如诸夏之无也。”

Устоз деди: “Агар **и** ва **ди**²⁹ ёввойи халқларнинг ўз ҳукмдорлари бўлса ҳам, лекин ҳукмдорига эга бўлмаган хитой ерларига бас кела олмайдилар.”

олиб қўйишда айтиладиган кўшиқ. “Тинч” мадҳияси Жоу ҳукмдори аждодлари ибодатхонасида ижро этилган.

²⁸ Лин Фанг (林放 Lin Fang) – Лу ҳокимлигидан бўлмиш ахлоқ қондаларини яхши тушунган инсон.

²⁹ Қадимда Хитойдаги кам сонли миллатларга нисбатан қўлланилган номлаш. И (夷 yí) шарқдаги кам сонли миллатларни, ди (狄 dì) шимолдаги кам сонли миллатларни англатади.

(6)季氏旅于泰山。子谓冉有曰：“汝弗能救与？”对曰：“不能。”子曰：“呜呼！曾谓泰山，不若林放乎！”

Жи Сун Ши Тайшан тоғига курбонлик келтириш учун жўнаб кетаётганида, Устоз Ран Йоу³⁰ га деди: “Сен уни бу фикридан қайтара олмайсанми?” Ран Йоу деди: “Қайтара олмайман”. Устоз деди: “Эҳ! Нахотки, Тайшан рухи маросим тартибларини Лин Фангдан ёмон билади, деб бўлса³¹”.

(7)子曰：“君子无所争。必也射乎！揖让而升，下而饮，其争也君子。”

Устоз деди: “Олижаноб инсоннинг ҳеч ким билан баҳслашадиган иши бўлмайди. Агар бўлса ҳам, бу камон отиш мусобақасидир. Мусобақа пайтида у аввал таъзим қилиб майдонга тушади. Мусобақа тугагач эса таъзим қилиб майдондан чиқади ва шароб ичади. Фақат шу – олижаноб инсоннинг курашидир”.

(8)子夏问曰：“‘巧笑倩兮，美目盼兮。’何谓也？”子曰：“绘事后素。”曰：“礼后乎？”子曰：“起予者商也，始可以言诗已矣。”

Зия Устоздан сўради:

“Мафтункор табассум гўзал нақадар,
Шахло шу кўзлар чакноқ нақадар,
Хуснга хусн кўшилар, магар,
Табийий юзга сал берилса ранг гар”.

³⁰ Ран Йоу (冉有 Ran You) (м.а. 522—?) – Конфуцийнинг шогирди. Шарифи Ран (冉 Ran), исми Чию (求 Qiu). Ўша даврда Жи кавмининг шахсий амалдори бўлган.

³¹ Қадим Хитойда Тайшан рухига курбонлик келтиришни фақат императорлар амалга оширишган. Ундан мавқеи паст кишиларда Тайшан рухига курбонлик келтириш ҳуқуқи бўлмаган. Жи Ши эса Лу ҳокимлигининг зодагон амалдори эди, холос. У бундай ҳаракати билан маросим тартибларини бузаётган ҳисобланарди.

Мазкур шеърый мисранинг маъноси нимада?” Устоз жавоб берди: “Бу аввал оддий мато, сўнгра эса унга тушириладиган тасвирдир”. Зися деди: “Ундай бўлса, ахлоқ коидалари инсонпарварликдан сўнг юзага келар экан-да?” Устоз деди: “Шанг, сен менда тасаввур уйғота оладиган ягона инсонсан. Энди сен билан бирга “Шижинг”ни таҳлил қилсак бўлади”.

(9)子曰：“夏礼吾能言之，杞不足征也。
殷礼吾能言之，宋不足征也。文献不足故也。足，
则吾能征之矣。”

Устоз деди: “Ся сулоласининг маросим тартиблари ҳақида сўзлаб бера оламан. Лекин унинг авлоди бўлмиш Чи ҳокимлиги³² ҳақида гапириш учун исбот-далиллар етарли эмас. Ин сулоласининг маросим тартиблари тўғрисида сўзлаб бера оламан. Лекин унинг авлоди бўлмиш Сонг ҳокимлиги³³ ҳақида гапиришим учун исбот-далил етарли эмас. Буларнинг бари тарихий ҳужжатларнинг ҳамда Ся ва Ин сулолаларининг маросим тартиблари билан таниш бўлган донишмандларнинг етишмаслиги оқибатидир. Агар етарли бўлганда эди, мен шу далилларга таяниб гапира олган бўлардим”.

³² Чи ҳокимлиги (杞国 Qigu) – Жоу сулоласи давридаги қадимий ҳокимлик бўлиб, ҳозирги Хэнан вилояти ҳудудида жойлашган бўлган.

³³ Сонг ҳокимлиги (宋国 Songguo) – Жоу сулоласи даврида Ин сулоласи хонадонига тегишли ер-мулк ҳисобланган. Ҳозирги Хэнан вилоятида жойлашган бўлган.

(10) 子曰：“禘，自既灌而往者，吾不欲观之矣。”

Устоз деди: “Ди³⁴ қурбонлик келтириш маросимини биринчи шароб куйилишиданок томоша қилгим келмай қолди”.

(11) 或问禘之说。子曰：“不知也。

知其说者之于天下也，其如示诸斯乎？”指其掌。

Устоздан Ди қурбонлик келтириш маросими ҳақида сўрадилар. Устоз: “Мен билмайман. Мазкур маросим моҳиятини билгучи учун Дунё ишларини бошқаришда худди бирор нарсани, – кафтини кўрсатиб, – мана бу ерга қўйишдек осон кечади”, – дея жавоб берди.

(12) 祭如在，祭神如神在。子曰：“吾不与祭，如不祭。”

Устоз аждодларга қурбонлик келтираётган пайтида аждодлари тирикдай, рухларга қурбонлик келтираётган чоғида рухлар ҳақиқатда унинг қаршисида тургандай туйиларди. Устоз деди: “Агар мен шахсан қурбонлик маросимида иштирок эта олмай, ўрнимга бошқа бировни илтимос қилсам, бу мен учун қурбонлик маросими ўтказилмагандай гап”.

(13) 王孙贾问曰：“与其媚于奥，宁媚于灶也。何谓也？”

子曰：“不然。获罪于天，无所祷也。”

Ванг Сунжя³⁵ сўради: “Ички хоналарнинг рухларига мулозамат қилгандан кўра, ўчоқ руҳига хушомад қилган афзал, дейишади. Бу не демак?” Устоз деди:

³⁴ Ди (禘dì) – қадимда фақат императоргина ўтказиши мумкин бўлган аждодлар шарафига келтирилган ниҳоятда дабдабали қурбонлик маросими.

³⁵ Ванг Сунжя (王孙贾 Wang Sunjia) – Вэй князи Вэй Лингнинг амалдори.

“Бундай эмас. Кимки Осмонни ранжитса, у ўзга ҳеч ерга сиғина олмай қолади”.

(14) 子曰：“周监于二代。郁郁乎文哉，吾从周。”

Устоз деди: “Жоу сулоласининг маросим тартиблари тизими икки сулола – Ся ва Шангдан намуна олган. Нақадар мазмунли, нақадар ранго-ранг! Мен Жоу сулоласи тизимига амал қиламан”.

(15) 子入太庙，每事问。或曰：“孰谓邹人之子知礼乎？入太庙，每事问。”子闻之曰：“是礼也。”

Устоз император аждодлари ибодатхонасига кирганида кўрган ҳар бир нарсасини бошқалардан сўраб-суриштирарди. Бир кимса деди: “Ким айтди Зоуларнинг фарзанди ахлоқ коидасини англайди деб? У император аждодлари ибодатхонасига кириши билан ҳар нарсани сўрайверади.” Устоз бу гапни эшитиб деди: “Айнан шу ахлоқ коидаси-да!”

(16) 子曰：“射不主皮，为力不同科，古之道也。”

Устоз деди: “Камон отиш мусобақасининг моҳияти ўқнинг албатта нишонга тегишида эмас. Чунки кишиларнинг кучлари тенг эмас. Бу қадимдан амал қилиниб келаётган қонуният”.

(17) 子贡欲去告朔之饩羊。子曰：“赐也，尔爱其羊，我爱其礼。”

Ҳар ойнинг биринчи кундаги аждодлар ибодатхонасида қўйни қурбонликка келтириш одатини Зигонг олиб ташлаш фикри билан чиқди. Шунда Устоз деди: “Ўй! Сен қўй ҳақида қайғурасан. Мен эса шу маросим тартиби ҳақида ғамхўрлик қиламан”.

(18) 子曰：“事君尽礼，人以为谄也。”

Устоз деди: “Мен ҳукмдорга буткул Жоу сулоласининг ахлоқ қоидаларига биноан хизмат қиламан. Кишилар эса буни хушомадгўйликка йўйишади”.

(19) 定公问：“君使臣，臣事君，如之何？”孔子对曰：“君使臣以礼，臣事君以忠。”

Ҳоким Лу Динг³⁶ сўради: “Ҳукмдор амалдорлардан фойдаланишда, амалдорлар эса ҳукмдорга хизмат қилишда қандай бўлишлари керак?” Устоз деди: “Ҳукмдор амалдорлардан ахлоқ қоидаларига мувофиқ фойдаланиши, амалдорлар эса ҳукмдорга садоқатга таяниб хизмат қилмоқликлари даркор”.

(20) 子曰：“美睢，乐而不淫，哀而不伤。”

Устоз деди: “Қафасдаги қумри”³⁷ кўшиғи қувноқ, аммо баднамо эмас, ғамгин, аммо инсонга азоб бермас.”

(21) 哀公问社于宰我。宰我对曰：“夏后氏以松，殷人以柏，周人以栗。曰：‘使民战栗。’”子闻之曰：“成事不说，遂事不谏，既往不咎。”

Ҳоким Лу Ай Зай Во³⁸ дан ер-гупроқ руҳи шарафига ишланган меҳробга қандай дарахт ўтказилишини сўради. Зай Во жавоб берди: “Ся сулоласи даврида қарағай дарахти, Ин сулоласи даврида сарв дарахти, Жоу сулоласи даврида каштан дарахти экилган. Каштан дарахтини экишнинг маъноси – оддий халқни

³⁶ Ҳоким Лу Динг (魯定公 Lu Ding gong) – м.а. 509–495 йилларда Лу хоқимлигида ҳукмронлик қилган.

³⁷ “Шижинг” даги биринчи қўшиқ.

³⁸ Зай Во (宰我 Zai Wo) – Конфуцийнинг шогирди. Шарифи Зай (宰 Zai), исми Юй (予 Yu).

кўрқувда ушлаб туриш бўлган”. Устоз бу гапларни эшитиб шундай деди: “Қилинган ишни қайта кўтарма. Бажариб бўлинган ишни қайтаришга уринма. Ўтиб кетган ишнинг тагини суриштириб ўтирма”.

(22) 子曰：“管仲之器小哉！”或曰：“管仲俭乎？”曰：“管氏有三归，官事不摄。焉得俭？”“然则管仲知礼乎？”曰：“邦君树塞门，管氏亦树塞门。邦君为两君之好，有反坫，管氏亦有反坫。管氏而知礼，孰不知礼？”

Устоз деди: “Гуан Жонг³⁹нинг қобилияти ва ахлоқий сифатлари ўта суст бўлган-да!” Сўрадилар: “Гуан Жонг тежамкормиди?” Устоз деди: “Унинг кўплаб ўлка ғазналарида жамғармалари бўлган. Унинг қўл остидаги амалдорларнинг бари қўшимча лавозимда эмас, балки асосий вазифада ишлаганлар. Шундай экан, уни қандай қилиб тежамкор бўлган дея оламиз?” Сўрадилар: “Ундай бўлса, Гуан Жонг ахлоқ қоидаларини тушунганми?” Устоз деди: “Хукмдор дарвозага ёғоч панжара ўрнатса, Гуан Жонг ҳам ўз дарвозасига ёғоч панжара ўрнатган. Хукмдор бошқа ҳокимлик хукмдорлари билан ўтказадиган учрашув залида бўш қадахларни қўядиган жиҳоз ўрнатса, Гуан Жонг ҳам шундай жиҳоз ўрнатган. Агар ахлоқ қоидаларини Гуан Жонг билади десак, буни яна бошқа ким ҳам билмасди?”

³⁹ Гуан Жонг (管仲 Guan Zhong) – Чи ҳокимлигидан бўлиб, Чунчию даврининг йирик давлат арбоби бўлган. У ҳоким Чи Хуаннинг ҳокимларнинг етакчиси бўлишида қўмаклашган. У м.а. 645 йили вафот этган. Шарифи Гуан (管 Guan), исми Иу (夷吾 Yiwu).

(23) 子语鲁太师乐，曰：“乐其可知也。始作，翁如也。从之，纯如也，徽如也，绎如也。以成。”

Устоз Лу ҳокимлигининг мусикашунослар бошлиғига мусика ижро этишнинг йўл-йўриқлари, қоидалари борасида сўзлаб, шундай деди: “Мусика ижро этиш қонуниятини тушуниш мумкин. Мусика бошланаётган пайтда турли мусика асбобларининг садолари бирлашиб, у жонланади. Кейин мусика тобора очила бориб садолар янада уйғунлашади ва ноталар аниқравшан ижро этилади. Бу узлуксиз давом этиб, сўнг яқунланади”.

(24) 仪封人请见，曰：“君子之至于斯也，吾未尝不得见也。”从者见之。出曰：“二三子，何患于丧乎？天下无道也久矣，天将以夫子为木铎。”

И ҳудудининг чегара хизмати бошлиғи Устоз билан учрашишни ўтиниб сўраб, шундай деди: “Мен айнан шу ерга барча олижаноб кишиларнинг қадам ранжида қилганларини кўрганман”. Шогирдлар уни Устознинг олдига бошлаб бордилар. Қайтиб чикқач, у шогирдларга деди: “Сизлар нима учун мансабингиздан айрилганингизга қайғурасизлар? Дунёда ҳақ йўлнинг йўқолганига кўп бўлган. Осмон сизнинг Устозингизни донишманд сифатида ерга жарчи – кўнғироқ этиб тайин этгусидир”.

(25) 子谓韶：“尽美矣，又尽善也。”谓武：“尽美矣，未尽善也。”

Устоз “Баҳорий” мусика ҳақида сўзлаганида: “Бадийлиги жуда ҳам маромида, шаклу мазмуни ҳам жуда уйғун”, – деди. “Жанговар” мусикаси тўғрисида сўзлаганида: “Бадийлиги жуда чиройли, лекин мазмуни бирмунча оксайди”, – деди.

(26) 子曰：“居上不宽，为礼不敬，临丧不哀。吾何以观之哉！”

Устоз: “Юқори лавозимни эгаллаб туриб, куйидагиларга бағри кенг ва олиҳиммат, маросим чоғида жиддий ва эҳтиромли бўлмасалар, мотам маросимида ғам чекмасалар, мен бундай ҳолатга қандай қараб тура оламан?” – деб қайғурди.

里仁第四

IV. Инсонпарварлик муҳитида яшаш

(1) 子曰：“里仁为美。择不处仁，焉得知！”

Устоз деди: “Инсоний муносабатлар ҳукмрон жойдагина истиқомат қилиш яхши. Яшамоқ учун маскан танланар экан, инсоний муносабатлар бор ерни танламаслик ақлдан бўлармикан?”

(2) 子曰：“不仁者，不可以久处约，不可以长处乐。仁者安仁，知者利仁。”

Устоз деди: “Инсонпарварлик фазилатига эга бўлмаган киши узоқ вақт қашшоқликда ҳам, фаровонликда ҳам яшай олмайди. Инсонпарвар кишига инсонпарварлик ҳузур бағишлайди. Ақлли одамга инсонпарварлик фойда олиб келади”.

(3) 子曰：“唯仁者能好人，能恶人。”

Устоз деди: “Инсонийлик фазилатига эга бўлган кишигина тўғри йўлдан бориб, инсонларни сева олади, тўғри тўғри йўлдан бориб, одамларни ёмон кўра олади”.

(4) 子曰：“苟志于仁矣，无恶也。”

Устоз деди: “Кимки чин дилдан инсонпарварликка интилса, у ҳеч қачон ёмон ишлар қилмайди”.

(5) 子曰：“富与贵，是人之所欲也，不以其道得之，不处也。贫与贱，是人这所恶也，不以其道得之，不去也。君子去仁，恶乎成名？君子无终食之间违仁，造次必于是，颠沛必于是。”

Устоз деди: “Бойлик ва мансаб – барча инсонларнинг эришиш истаган орзусидир. Лекин буларга нопок йўл билан эришилса, ҳузур бахш этмайди. Қашшоқлик ва паст табақадан бўлмоқлик кишилар нафратланадиган тушунчадир. Лекин нотўғри йўл билан бундан қутулишга уринилса, бундан асло яхшилик чиқмайди.

Олижаноб киши, агарда, инсонпарварлик фазилатини тарк этса, уни олижаноб инсон деб атаса бўладими? Олижаноб инсон тамадди қилаётганида ҳам инсонпарварликка орқа ўгирмайди. У ниҳоятда тигиз сонияда ҳам, инсонпарварликка таяниб иш юритади. Жаҳон кезиб саргардонликда юрганида ҳам инсонпарварликка амал қилади”.

(6) 子曰：“我未见好仁者，恶不仁者。

好仁者无以尚之，恶不仁者其为仁矣，不使不仁者加乎其身。有能一日用力于仁矣乎，我未见力不足者。

盖有之矣，我未之见也。”

Устоз деди: “Мен ҳечам инсонпарварлик фазилатини севувчи кишиларни кўрмаганман. Шафқатсизликдан нафратланувчи кишиларни ҳам кўрмаганман. Инсонпарварликни севувчилар бунинг олий фазилат деб билдилар. Шафқатсизликдан нафратланувчи кишиларнинг инсонпарварликка амал қилиши – инсон-

парвар бўлмаган кишиларнинг ўзларига таъсир этмасликлари учундир. Бутун кун давомида ким ўзининг бор куч-қувватини инсонпарварликни амалга оширишга сарфлай олади? Мен бунга куч-қуввати етмайдиган кишиларни учратмаганман. Дунёда бундай кимсалар бордир, лекин мен ҳали учратмаганман”.

(7) 子曰：“人之过也，各于其党。观过，斯知仁矣！”

Устоз деди: “Инсонларнинг қилган хатолари улар мансуб бўлган ижтимоий тоифаларга боғлиқдир. Шунинг учун бир кишининг хатосини кузатсак, у қайси тоифадаги одамлигини билиб олишимиз мумкин”.

(8) 子曰：“朝闻道，夕死可矣。”

Устоз деди: “Тонгда ҳақ йўлни англаб етсак, тунга яқин ҳеч афсус қилмасдан бу дунёдан кўз юмиш мумкин”.

(9) 子曰：“士志于道，而耻恶衣恶食者，未足与议也。”

Устоз деди: “Зиёли одам ҳақ йўлни англашга интиلسа-ю, эски-гускиларни кийиш, одми озуқалар билан овқатла-нишдан номус қилса, бундайлар билан ҳақ йўл тўғрисида суҳбатлашишнинг фойдаси йўқ”.

10) 子曰：“君子之于天下也，无适也，无莫也，义之与比。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон дунёвий ишларни бир-биридан ажратиб бажармайди, балки бурчга кўра иш қилади.”

(11) 子曰：“君子怀德，小人怀土。君子怀刑，小人怀惠。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон ахлоқни соғинади, ҳақир одам эса она юртини кўмсайди. Олижаноб инсон қонун ва интизомни ўйлайди, ҳақир одам эса хайр-саховатни кўзлайди”.

(12) 子曰：“放于利而行，多怨。”

Устоз деди: “Қимки ўз шахсий манфаати йўлида ҳаракат қилса, ўзгаларнинг катта нафратига учрайди”.

(13) 子曰：“能以礼让为国乎，何有。不能以礼让为国，如礼何？”

Устоз деди: “Мамлакат мурасчилик қоидаларига мувофиқ бошқара олинса, ҳокимлик масалаларини ечишда қийинчиликлар бўлиши мумкинми? Мамлакат мурасчилик қоидалари асосида бошқарилмаса, унда ахлоқ қоидаларини қандай амалга ошириш мумкин?”

(14) 子曰：“不患无位，患所以立。不患莫己知，求为可知也。”

Устоз деди: “Мансабинг йўқлигидан қайғурма, балки оёқда мустаҳкам тура олиш қобилиятинг йўқлигидан қайғур. Ўзгалар сени билмасликларидан қайғурма, балки кишилар сени билишларига арзийдиган қобилиятли инсон бўлишга ҳаракат қил”.

(15) 子曰：“参乎，吾道一以贯之。”曾子曰：“唯。”
子曰：“何谓也？”曾子曰：“夫子之道，忠恕而已矣。”

Устоз деди: “Шэн! Менинг таълимотимни биргина асос ғоя билан бириктириш мумкин”. Зэнги: “Ҳақиқатда шундай”, – деди. Устоз кетгач бошқа шогирд-

лар Зэнгзидан сўрадилар: “Устознинг бу гапида не маъно бор?” Зэнгзи жавоб берди: “Устознинг асос гоёси – хукмдорга садоқат ва халққа ғамхўрлик”.

(16) 子曰：“君子喻于义，小人喻于利。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон энг юксак бурч нима эканлигини, ҳақир одам эса фақат майда-чуйда манфаатларни билади”.

(17) 子曰：“见贤思齐焉，见不贤而内自省也。”

Устоз деди: “Фозил инсонни кўрганда ундан намуна олишни ўйла, фазилатсиз кишини кўрганда ундаги кам-чиликлар сенда ҳам борми ё йўқлиги ҳақида мулоҳаза қил”.

(18) 子曰：“事父母几谏，见志不从，又敬不违，劳而不怨。”

Устоз деди: “Ўз ота-онангга хизмат қил, уларнинг ноҳақликларини кўрсанг, уларга муомала билан тушунтир. Ота-онанг тингласа-да, кўнглида буни маъқулламаётганини сезсанг, бари бир уларни ҳурмат қил, асло қарши чиқма. Улардан хафа бўлсанг бўл, лекин шикоят қилма”.

(19) 子曰：“父母在，不远游，游必有方。”

Устоз деди: “Ота-онанг тириклик чоғида уйингдан узоқ кетма, агар кетишинг лозим бўлса, аниқ бир борадиган масканинг бўлсин”.

(20) 子曰：“三年无改于父之道，可谓孝矣。”

Устоз деди: “Отанинг ўрнатган тартиблари уч йил давомида ўзгартирилмаса, буни фарзандлик эҳтироми дейиш мумкин”.

(21) 子曰：“父母之年，不可不知也。一则以喜，一则以惧。”

Устоз деди: “Ота-онанинг ёшини билмаслик мумкин эмас. Буни бир томондан уларнинг умри узоклигига қувониш учун, бошқа томондан уларнинг кексалигидан хавотирланиш учун билиш даркор”.

(22) 子曰：“古者言之不出，耻恭之不逮也。”

Устоз деди: “Қадимгилар оғиздан сўз чиқишига хушёр бўлганлар. Чунки улар айтилганни бажара олмасликдан номус қилганлар”.

(23) 子曰：“以约失之者鲜矣。”

Устоз деди: “Ахлоқ қоидалари билан ўзини тутишни билиб, хатоликка йўл қўядиган кишилар жуда оз”.

(24) 子曰：“君子欲讷于言而敏于行。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон сўзлаганида эҳтиёткор, ҳаракатларида эпчил бўлиши керак”.

(25) 子曰：“德不孤，必有邻。”

Устоз деди: “Юксак ахлоқли инсон асло ёлғиз бўлмайди. Унинг албатта ўз яқинлари бўлади”.

(26) 子游曰：“事君数，斯辱矣。朋友数，斯疏矣。”

Зийоу деди: “Хукмдор хизматида эзмалик иснодга олиб келади. Дўстлар билан муносабатдаги ошиқча эзмалик бегоналашишга олиб келади”.

公冶长第五 V. Гонгйэ Чанг

(1) 子谓公冶长：“可妻也。虽在縲继之中，非其罪也。”以其子妻之。

Устоз Гонгйэ Чанг⁴⁰ хақида шундай деди: “Унга қиз берса бўлади. Гарчи у камокда ўтириб чикқан бўлсада, айбдор эмас эди”. Шундай қилиб, Устоз Гонгйэ Чангга ўз қизини турмушга берди.

(2) 子谓南容：“邦有道，不废，邦无道，免于刑戮。”以其兄之子妻之。

Устоз Нан Ронг⁴¹ хақида шундай деди: “Мамлакат сиёсати ҳақ йўлдалигида у доим мансабда бўлди. Мамлакат сиёсати ҳақ йўлдан четлашганида ҳам у жазога йўликмади”. Шундай қилиб, Устоз Нан Ронгга акасининг қизини турмушга берди.

(3) 子谓子贱：“君子哉若人。鲁无君子者，斯焉取斯。”

Устоз Зижиян⁴² хақида шундай деди: “Бу киши олижаноб инсонлардандир! Лу ҳокимлигида агар олижаноб инсонлар бўлмаганида, у қайдан ҳам бундай комилликка етакловчи фазилатларни ўрганган бўларди?”

⁴⁰ Гонгйэ Чанг (公冶张 Gongye Chang) – Чи ҳокимлигидан бўлмиш Конфуцийнинг шогирди.

⁴¹ Нан Ронг (南容 Nan Rong) – Конфуцийнинг шогирди. Шарифи Нангонг (南宮 Nangong), исми Куо (适 Kuo).

⁴² Зижиян (子贱 Zijian) (м.а. 521–?) – Конфуцийнинг Лу ҳокимлигидан бўлмиш шогирди. Шарифи Фу (宓 Fu), исми Бучи (不齐 Buqi).

(4) 子贡问曰：“赐也何如？”子曰：“汝器也。”曰：“何器也？”曰：“瑚也。”

Зигонг сўради: “Мен қандай одамман?” Устоз деди: “Сен бир буюмдексан”. Зигонг: “Қандай буюм”, – деб сўради. Устоз: “Император аждодлари ибодатхонасида ишлатилувчи тарик бошоқлари солинган курбонлик идиши”, – жавоб берди.

(5) 或曰：“雍也仁而不佞。”子曰：“焉用佞。御人以口给，屡憎于人，不知其仁。焉用佞？”

Демишлар: “Жонг Гонг⁴³ инсонпарвар-ку, лекин сўзга чечан эмас-да”. Устоз деди: “Сўзамоллик не зарур экан? Кимки тили узунлик ва сафсатабозлик билан ўзгаларга терс гапирса, у кишилар нафратига дучор бўлади. Ёонгда инсонпарварлик фазилати бор ёки йўқлигини билмайману, лекин унга сўзамоллик нима учун керак?”

(6) 子使漆雕开仕。对曰：“吾斯之未能信。”子说。

Устоз Чидяо Кай⁴⁴ни амалдорликка хизматга киришга чорлаганида Чидяо Кай шундай жавоб берди: “Амалдор бўлишимга ҳали ўзимнинг ҳам ишончим комил эмас”. Устоз бу жавобдан қониқди.

(7) 子曰：“道不行，乘桴浮于海，从我者其由与！”子路闻之喜。子曰：“由也好勇过我，无所取材。”

Устоз деди: “Агар менинг ғояларимни ҳаётга татбиқ этиб бўлмаса, ёғоч солга ўтириб чет мамла-

⁴³ Жонг Гонг (仲弓 Zhong Gong) (м.а. 522–?) – Лу ҳокимлигидан бўлиб, Конфуцийнинг ўн нафар донишманд шогирдларидан бири. Шарифи Ран (冉 Ran), исми Ёонг (雍 Yong).

⁴⁴ Чидяо Кай (漆雕开 Qidiao Kai) (м.а. 540–?) – Конфуцийнинг шогирди.

катларга жўнайман. Менинг ортимдан боргучи фақат Жонг Йоу бўлса керак!” Зилу буни эшитиб жуда кувонди. Устоз деди: “Жонг Йоу жасоратда мендан ўтади, лекин бошқа арзигулик қобилияти йўк”.

(8) 孟武伯问：“子路仁乎？”子曰：“不知也。”又问。
子曰：“由也，千乘之国，可使治其赋也。不知其仁也。”
“求也何如？”子曰：“求也，千室之邑，百乘之家，可使为之宰也。不知其仁也。”“赤也何如？”子曰：
“赤也，束带立于朝，可使与宾客言也。不知其仁也。”

Мэнг Убо сўради: “Зилу инсонпарварми?” Устоз: “Билмайман”, – деб жавоб берди. У яна сўради. Устоз унга яна шундай жавоб қилди: “Жонг Йоуми, унга мингта ҳарбий от-уловга эга бир ҳокимликда ҳарбий ишларни бошқаришни ишониш мумкин. Лекин унда инсонпарварлик фазилати бор ёки йўқлигини билмайман”. Мэнг Убо сўради: “Ран Чию қандай одам?” Устоз деди: “Ран Чиюми, уни мингта аҳоли яшайдиган бир ноҳияга бошлиқ қилиб тайинлаш мумкин. Юз нафар сарбози бор қасабага тўраликка сайлаб қўйиш мумкин. Лекин унда инсонпарварлик фазилати борми ё йўқ, мен билмайман”. Мэнг Убо сўради: “Гонгси Чи⁴⁵ қандай одам?” Устоз жавоб берди: “Гонгси Чими, уни маросимга мос кийинтириб, саройда меҳмонларни кутиб олишга қўйиш мумкин. Лекин унда инсонпарварлик фазилати борми ё йўқ, мен билмайман”.

⁴⁵ Гонгси Чи (公西赤 Gongxi Chi) ёки Зихуа (子华 Zihua) (м.а. 509–?) – Конфуцийнинг шогирди.

(9) 子谓子贡曰：“汝与回也孰愈？”对曰：“赐也何敢望回。回也闻一以知十，赐也闻一以知二。”子曰：“弗如也。吾与汝弗如也。”

Устоз Зигонгдан сўради: “Сен ва Ян Хуйни таққослаганда қай биринг кучлироқ?” Зигонг шундай жавоб берди: “Мен қандай қилиб Ян Хуй билан баҳслашишга журъат қилай? Ян Хуй бир нарсани эшитса, ўнта хулоса чиқаради. Мен битта нарсани эшитсам, иккита хулосани келтира оламан, холос”. Устоз деди: “Ҳақиқатан ҳам, сен унга тенг эмассан”.

(10) 宰予昼寝，子曰：“朽木，不可雕也，粪土之墙，不可圻也。于予与何诛？”子曰：“始吾于人也，听其言而信其行，今吾于人也，听其言而观其行。于予与改是。”

Зай Во кундузлари ухлар эди. Шунда Устоз деди: “Чириган тахтани йўниб бўлмас, эски деворни оқлаб бўлмас. Зай Водек одамнинг яна нимасини айбситамиз? Авваллари мен кишиларнинг сўзини эшитиб уларнинг амалига ишонардим. Ҳозир эса кишиларнинг сўзини эшитиб, яна уларнинг амалларини ҳам кузатаман. Мен одамларга бўлган муносабатимни Зай Во туфайли ўзгартирдим”.

(11) 子曰：“吾未见刚者。”或对曰：“申枨。”子曰：“枨也欲。焉得刚！”

Устоз деди: “Мен қатъиятли инсонни учратмаганман.” Кимдир жавоб берди: “Шэн Чэнг⁴⁶ шундай одам”. Устоз деди: “Шэн Чэнгнинг истаклари ниҳоятда кўп. У қандай қилиб қатъиятли бўла оларди?”

⁴⁶ Шэн Чэнг (申枨 Shen Cheng) – Конфуцийнинг шогирди.

(12) 子贡曰：“我不欲人之加诸我也，吾亦欲无加诸人。”
子曰：“赐也，非尔所及也。”

Зигонг деди: “Мен ўзгаларнинг елкамга иш юклаб қўйишларини истамайман. Ўзим ҳам бошқаларга иш орттиришни хохламайман”. Устоз деди: “Ўй, сен бунга ҳали эриша олмайсан”.

(13) 子贡曰：“夫子之文章，可得而闻也，
夫子之言性与天道，不可得而闻也。”

Зигонг деди: “Устоз маъруза қилганда адабий қўлланмалардаги билимларни эшитишимиз мумкин. Аммо Устознинг инсон табиати ва табиат қонунлари тўғрисидаги мулоҳазаларини эшита олмаймиз”.

(14) 子路有闻，未之能行，唯恐有闻。

Зилу эшитганини бажариб улгурмаса, яна янги бир нарсани эшитишдан ҳадиксираб турарди.

(15) 子贡问曰：“孔文子何以谓之文也？”子曰：
“敏而好学，不耻下问，是以谓之文也。”

Зигонг сўради: “Не сабабдан Конг Вэнзи⁴⁷га вафотидан кейин “Маърифатпарвар” деган исм берилган?” Устоз жавоб берди: “У жуда доно бўлган ва билим олишни ёқтирган. Лавозими қуйи кишидан ҳам маслаҳат сўрашни уят деб билмаган. Шунинг учун унга “Маърифатпарвар” исми берилган”.

⁴⁷ Конг Вэнзи (孔文子) – Вэй ҳокимлигидан бўлмиш йирик амалдор. Унинг Юй (圉 Yu) исми вафотидан сўнг Вэн (文 Wen) исмига алмаштирилган.

(16) 子谓子产：“有君子之道四焉。其行己也恭，其事上也敬，其养民也惠，其使民也义。”

Устоз Зичан⁴⁸ ҳақида шундай деди: “Унда олижаноб инсоннинг тўрт фазилати бор: ҳаракатларига жиддий; ҳукмдор хизматида эҳтиромли; халқни тарбиялашда меҳр-мурувватли; халқни итоат эттиришда адолатли”.

(17) 子曰：“晏平仲善与人交，久而敬之。”

Устоз деди: “Ян Пингжонг⁴⁹ кишилар билан дўстлашишга жуда маҳоратли бўлган. Муносабатлар қанчалик узайса, кишилар уни тобора кўп ҳурмат қилганлар”.

(18) 子曰：“臧文仲居蔡，山节藻悦，何如其知也。”

Устоз деди: “Занг Вэнжонг⁵⁰нинг қимматбаҳо тошбақаси жойлашган оилавий ибодатхонанинг устунқошилари тоғ шаклидаги нақшлар билан, тўсиндаги устунчалар эса сув ўтлари суратлари билан безатилган. Занг Вэнжонгни энди қандай қилиб ақлли деб ҳисоблаш мумкин?”

⁴⁸ Зичан (子产 Zichan) – Чунчию даврида Жэн ҳокимлигидан бўлмиш фозил амалдор, машхур сиёсатдон ва дипломат бўлган. Шарифи Гонгсун (公孙 Gongsun), исми Чяо (侨 Qiao).

⁴⁹ Ян Пингжонг (晏平仲 Yan Pingzhong) – Чунчию даврининг Чи ҳокимлигидан бўлмиш фозил амалдори. Шарифи Ян (晏 Yan), исми Инг (婴 Ying), Пинг (平 Ping) унинг вафотидан кейинги исми.

⁵⁰ Занг Вэнжонг (臧文仲 Zang Wenzhong) – Лу ҳокимлиги амалдори. Шарифи Зангсун (臧孙 Zangsun), исми Чэн (辰 Chen). У Жоу сулоласи маросим тартибларини ҳурмат қилмаганлиги учун Конфуцийнинг танқидига учраган.

(19) 子张问曰：“令尹子文三仕为令尹，无喜色。三已之，无愠色。旧令尹之政，必以告新令尹。何如？”子曰：“忠矣！”曰：“仁矣乎？”子曰：“未知。焉得仁？”“崔子弑齐君，陈文子有马十乘，弃而违之。至于他邦，则曰：‘犹吾大夫崔子也。’违之，至一邦，则又曰：‘犹吾大夫崔子也。’违之。何如？”子曰：“清矣。”曰：“仁矣乎？”曰：“未知。焉得仁？”

Зижанг сўради: “Чу ҳокимлигининг лингйин⁵¹и Зивэн⁵² кўп маротаба лингйин лавозимида хизмат қилиб ҳеч қувонмаган, кўп маротаба лавозимидан олинганда ҳам ҳеч кимдан нафратланмаган. Ҳар сафар лавозимидан кетганида ўзининг аввалги лингйинлик чоғидаги барча бошқарув ишларини, албатта, янги тайинланган лингйинга маълум қилган. Зивэн қандай одам деб биласиз?” Устоз деди: “Мамлакатига садоқатли одам”. Зижанг сўради: “Инсонпарвар деса бўладими?” Устоз деди: “У инсонпарвар ҳисобланадими ёки йўқми, билмайман”. Зижанг деди: “Чи ҳокимлигининг амалдори Цуйзи⁵³ ҳоким Чи Жуанг⁵⁴нинг жонига қасд қилган. Чэн Вэнзи⁵⁵нинг қирқта от-улови бор эди. У улардан кечиб Чи ҳокимлигини тарк этган. Бошқа ҳокимликка бориб: “Бу ҳокимликнинг ҳокими бизнинг Цуйзи билан бир

⁵¹ Лингйин (令尹 linyin) – Чу ҳокимлигида лавозим номи. Бош вазир лавозимида тўғри келади.

⁵² Зивэн (子文 Ziwen) – Чу ҳокимлигининг машҳур фозил амалдорларидан бўлган. Шарифи Доу (斗 Dou), исми Гувуту (穀于菟 Guwutu).

⁵³ Цуй Зи (崔子 Cuizi) – Чи ҳокимлигидаги амалдор. Исми Жу (杵 Zhu).

⁵⁴ Ҳоким Чи Жуанг (齐庄公 Qi Zhuanggong) – Чи ҳокимлигида м.а. 553–548 йиллари ҳукмдорлик тахтида ўтирган.

⁵⁵ Чэн Вэнзи (陈文子 Chen Wenzhi) – Чи ҳокимлигидаги амалдор. Исми Сюйу (须无 Xuwu).

қолипдан экан”, – деб у ерни ҳам тарк этган. Яна бир бошқа ҳокимликка етиб келгач, у: “Бу ернинг ҳоқими бизнинг Цуйзи билан бир қолипдан экан”, – деб у ерни ҳам тарк этган. Чэн Вэнзи энди қандай одам ҳисобланади?” Устоз деди: “Беғубор инсон ҳисобланади”. Зижанг яна сўради: “Инсонпарвар деса бўладими?” Устоз деди: “У инсонпарвар ҳисобланадими ёки йўқми, билмайман.”

(20) 季文子三思而后行。子闻之，曰：“再，斯可矣！”

Жи Вэнзи⁵⁶ ҳар бир ишни уч (кўп) маротаба фикрлаб кўриб, сўнг ҳаракат қиларди. Устоз буни эшитиб деди: “Икки марта ўйлаб кўрилса, шунинг ўзи етарли”.

(21) 子曰：“宁武子，邦有道，则知，邦无道，则愚。其知可及也，其愚不可及也。”

Устоз деди: “Нинг Узи⁵⁷ мамлакат ҳақ йўлдан юрган пайтида унинг донолиги юзага чиқар, мамлакат ҳақ йўлдан четлаганида эса унинг аҳмоқлиги намоён бўларди. Унинг донолигига бас келиб бўлади, лекин аҳмоқлигига ҳеч ким бас келолмайди”.

(22) 子在陈曰：“归与，归与！吾党之小子狂简，斐然成章，不知所以裁之。”

Устоз Чэн ҳокимлигида шундай деди: “Қайтиб кетаман! Қайтиб кетаман! Ватанимдаги шогирдларимнинг мақсадлари юксак, лекин ҳаётий тажрибалари оз.

⁵⁶ Жи Вэнзи (季文子 Ji Wenzhi) – Лу ҳокимлигидаги амалдор. Шарифи Жисун (季孙 Jisun), исми Сингфу (行父 Xingfu). У Лу Вэн, Лу Хэнг, Лу Чэнг, Лу Нанг ҳокимлари ҳукмронлиги даврида узоқ хизмат қилган.

⁵⁷ Нинг Узи (宁武子 Ning Wuzi) – Вэй ҳокимлигидаги амалдор. Шарифи Нинг (宁 Ning), исми Юй (俞 Yu).

Адабиётга қобилиятлари ўта юкори даражада бўлса-да, улар ўзларини қай тарзда чегаралашни билмайдилар”.

(23) 子曰：“伯夷叔齐，不念旧恶，怨是用希。”

Устоз деди: “Бо И ва Шу Чи⁵⁸ эски душманликни эсламас эди. Шунинг учун кишиларнинг уларга бўлган нафрати оз эди”.

(24) 子曰：“孰谓微生高直？或乞醯焉，乞诸其邻而与之。”

Устоз деди: “Ким айтди Вэйшэнг Гао⁵⁹ ҳақгўй деб? Ундан кимдир сирка сўраб келганида, у (ўзида йўқлигини айтишдан уялиб) сиркани кўшнисидан сўраб олиб берган”.

(25) 子曰：“巧言令色，足恭，左丘明耻之，丘亦耻之。匿怨而友其人，左丘明耻之，丘亦耻之。”

Устоз деди: “Сўзамоллик билан ўзини меҳрибон этиб кўрсатиш, меъёрдан ортиқ эҳтиромни Зуочию Минг иснод⁶⁰ деб билган. Мен ҳам буни иснод деб

⁵⁸ Бо И (伯夷 Bo Yi) ва Шу Чи (叔齐 Shu Qi) – Ин сулоласи даври Гужу (孤竹 Guzhu) ҳукмдорининг ўғиллари бўлиб, улар оталарининг вафотидан сўнг ҳукмдор бўлишни истамай, кирол Жоу Вэннинг олдига кочадилар. Кирол Жоу У кирол Ин Жоуга қарши ҳарбий қўшин тортганида, улар буни амалдорнинг ҳукмдор жонига қасд қилиши деб ҳисоблаб, от-араваларни тўхтатиб бу йўлдан қайтардилар. Жоу сулоласи Шанг сулоласини кулатиб Хитойни бирлаштиргач, икки ака-ука Жоуларнинг овқатини ейишни иснод билиб Шоюянг тоғига чиқиб кетадилар. Улар у ерда таркидунё қилиб, очликдан ҳалок бўладилар.

⁵⁹ Вэйшэнг Гао (微生高 Weisheng Gao) – Лу ҳокимлигидан бўлиб, ўша давр кишилари уни энг ҳақгўй инсон деб ҳисоблаганлар.

⁶⁰ Зуочию Минг (左丘明 Zuoqiu Ming) – Лу ҳокимлиги тарихчиси, “Жаноб Зуонинг шарҳлари” (“左传” Zuozhuan) ва “Ҳокимликлар ҳақида хикоялар” (“国语” Guoyu) асарлари муаллифи.

биламан. Бировга нисбатан дилида нафрат тугиб туриб, ўзини дўстдай кўрсатишни Зуочию Минг иснод деб билган. Мен ҳам буни иснод деб биламан”.

(26) 颜渊季路侍，子曰：“盍各言尔志？”子路曰：“愿车马，衣轻裘，与朋友共，敝之而无憾。”颜渊曰：“愿无伐善，无施劳。”子路曰：“愿闻子之志。”子曰：“老者安之，朋友信之，少者怀之。”

Ян Юан ва Зилу Устознинг қошида турган эди. Устоз деди: “Ҳар қайсингиз ўз истакларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз бўладими?” Зилу деди: “Мен ўзимнинг от-аравам, кийимларим, мўйнали либосимдан дўстларим ҳам фойдаланишларини истайман. Бузилиб, йиртилиб қолса ҳам асло қайғурмайман”. Ян Юан деди: “Мен ўзимнинг яхши хислатларимни мактамасликни, хизматларимни овоза қилмасликни истайман”. Зилу деди: “Энди эса Устознинг истакларини эшитишни хоҳлардик”. Устоз деди: “Менинг истагим кексаларни осойишталикка етказиш, дўстлар ишончини қозониш, ёшларга ғамхўрлик қилишдир”.

(27) 子曰：“已矣乎！吾未见能见其过而内自讼者也。”

Устоз деди: “На илож! Ўзининг хатосини кўра олиб, дилида ўзини айблаган кишини ҳеч учратмадим”.

(28) 子曰：“十室之邑，必有忠信如丘者焉，不如丘之好学也。”

Устоз деди: “Ўнтагина оила яшайдиган кичик овулда ҳам мен сингари ватанига садоқатли ва самимий инсонларнинг бўлиши муқаррар. Лекин улар илмга бўлган муҳаббат борасида менга тенглаша олмайдилар”.

雍也第六 VI. Мана Ран Йонга

(1) 子曰：“雍也可使南面。”

Устоз деди: “Мана Ран Йонга амалдорлик лавозимини топшириш мумкин”.

(2) 仲弓问子桑伯。子曰：“可也简。”仲弓曰：

“居敬而行简，以临其民，不亦可乎？居简而行简，无乃太简乎？”子曰：“雍之言然。”

Жонг Гонг Устоздан Сэн Бози⁶¹ қандай одамлигини сўради. Устоз жавоб берди: “Бўлади. У бошқарув ишларига муносиб одам”. Жонг Гонг деди: “Одатда жиддий ва виждонли бўлиб, бошқарув ишларида пухта бўлиб халқни идора этса бўлмайдими? Одатда ўзини бепарво, совуққон тутиб, бошқарув ишларида совуққон бўлиш эътиборсизлик ҳисобланмайдими?” Устоз деди: “Сен ҳақ гапни сўзладинг”.

(3) 哀公问：“弟子孰为好学？”孔子对曰：

“有颜回者好学，不迁怒，不贰过，不幸短命死矣！今也则亡，未闻好学者也。”

Ҳоким Лу Ай сўради: “Шогирдларингиз ичида қай бири билим олишга ғайратлироқ?” Устоз: “Ян Хуй исмли шогирдим билим олишга энг тиришқоғи эди. У ўзининг ғазабини бировларга сочмас, йўл қўйган хатоларини бошқа такрорламасди. Бахтга қарши унинг умри қисқа бўлди, у оламдан кўз юмди. Ҳозирда бундай инсонлар йўқ. Бундай билимга чанқоқ инсон борлигини ҳали эшитмадим”, – деб жавоб берди.

⁶¹ Сан Бози (森伯子 Sen Bozi)нинг шахси билан боғлиқ маълумотлар йўқ. Тахминларга кўра у Лу ҳокимлигида вазир бўлган.

(4) 子华使于齐，冉子为其母请粟。子曰：“与之釜。”
“请益。曰：“与之庚。”冉子于其粟五秉，子曰：
“赤之适齐也，乘肥马，衣轻裘。吾闻之也，
君子周急不继富。”

Зихуа элчи бўлиб Чи ҳокимлигига жўнаб кетганида Ран Йоу Зихуанинг онасига кўмак учун Устоздан буғдой сўрашга келди. Устоз унга деди: “Унга 6 доу⁶² 4 шэнг⁶³ буғдой бер”. Ран Йоу яна бир оз кўшишни сўраганида, Устоз: “Яна 2 доу 4 шэнг бер”, – деди. Ран Йоу 8 доу буғдой берди. Шуда Устоз: “Гонгси Чи Чи ҳокимлигига бўрдоқи от миниб, енгил, иссиқ мўйнали кийимлар кийиб жўнаб кетди. Айтишадик, олижаноб инсон бойларга эмас, балки муҳтож камбағалларга ёрдам беради”, – деди.

(5) 原思为之宰，与之粟九百，辞。子曰：
“毋以与尔邻里乡党乎？”

Юан Си⁶⁴ Устознинг уйида бошқарувчи бўлиб ишларди. Устоз унга 900 доу буғдой берди. Юан Си эса уни қабул этишдан бош тортди. Шунда Устоз деди: “Рад этма! Ўзингдан органини камбағал маҳалладошларингга улаш!”

(6) 子谓仲弓曰：“犁牛之子铍且角，虽欲勿用，
山川其舍诸？”

Устоз Жонг Гонг ҳақида сўз юритиб деди: “Ишчи хўкиздан дунёга келган бузоқнинг жун ва териси

⁶² Доу (斗 dou) – сочилувчан нарсалар учун оғирлик ўлчов бирлиги. 1 доу 10 литрга тенг.

⁶³ Шэнг (升 sheng) – буғдой оғирлиги ўлчов бирлиги. 1 шэнг 1 литрга тенг.

⁶⁴ Юан Си (原思 Yuan Si) (м.а. 515–?) – Конфуцийнинг Лу ҳокимлигидан бўлмиш шогирди. Конфуций адлия вазирлигида хизмат қилганида, Юан Си унинг уйида шахсий амалдори бўлиб ишлаган.

қизғиш, икки шохи текис бўлгани сабабли, кишилар ундан курбонлик учун фойдаланишни истамаганларидек, тоғу дарёларнинг рухлари ҳам ундан воз кечишибди, во ажаб!”⁶⁵

(7) 子曰：“回也其心三月不违仁，
其余则日月至焉而已矣。”

Устоз деди: “Мана Ян Хуй, у узоқ вақт қалбида инсонпарварликни тарк этмади. Қолган талабаларнинг инсонсеварлиги эса фақат қисқа муддатга етади”.

(8) 季康子问：“仲由可使从政也与？”子曰：“由也果，
于从政乎何有！”曰：“赐也可使从政也与？”曰：“赐也
达，于从政乎何有！”曰：“求也可使从政也与？”曰：“
求也艺，于从政乎何有！”

Жи Кангзи сўради: “Жонг Йоуга ҳокимликни идора этиш ишларини топширса бўладими?” Устоз деди: “Жонг Йоу ўз қарорида қатъий, журъатли одам. Нима учун у бошқарув ишлари билан шуғуллана олмас экан?” Жи Кангзи сўради: “Дуанму Ци ҳокимликни идора этиш ишлари билан шуғуллана оладими?” Устоз деди: “У инсон ва ҳодисалар мантиғини тушунади. Нима учун бошқарув ишларида шуғуллана олмас экан?” Жи Кангзи сўради: “Ран Чию ҳокимликни идора этиш ишлари билан шуғуллана оладими?” Устоз деди: “Унинг кўп киррали истеъдоди бор. Нима учун бошқарув ишларида шуғуллана олмас экан?”

⁶⁵ Айтишларича, Жонг Гонгнинг отаси камбағал одам бўлган экан. Бу ерда Конфуций унинг отасини ишчи хўкиз, Жонг Гонгни эса ишчи хўкизнинг бузоғига қиёслаб, бу билан Жонг Гонгнинг ижтимоий келиб чиқишига қарамай, у амалдор бўлиш қобилиятига эғалигини назарда тутган.

(9) 季氏使闵子騫为费宰。闵子騫曰：“善为我辞焉。如有复我者，则吾必在汶上矣。”

Жи Ши Мин Зичиян⁶⁶га Ми ноҳиясига бошлик бўлишни таклиф этиб одам юборди. Вэн Зичиян шундай деди: “Менинг номимдан яхшилаб рад жавобини бер. Агар яна келиб мени чорласа, унда мен Вэн дарёсининг нариги қирғоғига қочиб кетаман”.

(10) 伯牛有疾，子问之，至牖执其手，曰：“命矣夫！斯人也，而有斯疾也！斯人也，而有斯疾也！”

Бо Нию⁶⁷ бетоб эди. Устоз уни кўришга борди. Дераза ортидан беморнинг кўлини ушлаб шундай деди: “Умри тугаб бормоқда. Тақдирда шундай битилган экан. Шундай инсон касалликка дучор бўлса-я! Шундай инсон касалликка дучор бўлса-я!”

(11) 子曰：“贤哉回也！一簞食，一瓢饮，在陋巷，人不堪其忧，回也不改其乐。贤在回也！”

Устоз деди: “Ян Хуй қанчалик мукамалликка етишган-а! Бир коса овқат, бир чўмич сувга қониқиб фақирона кулбада яшайди. Бошқаси бундай қийинчиликларга бардош бера олмаган бўларди. Ян Хуй эса некбин муносабатини ўзгартирмайди. Қанчалик мукамалликка етишган-а, Ян Хуй”.

⁶⁶ Мин Зичиян (闵子騫 Min Ziqian) – Конфуцийнинг Лу ҳокимлигидан бўлган шогирди. Конфуцийдан 15 ёш кичик.

⁶⁷ Бо Нию (伯牛 Bo Niu) – Конфуцийнинг Лу ҳокимлигидан бўлган шогирди. Шарифи Ран (冉 Ran), исми Гэнг (耕 Geng). У ўзининг ахлоқий фазилятлари билан машҳур бўлган. У мохов касаллигидан вафот этган.

(12) 冉求曰：“非不说子之道，力不足也。”子曰：“力不足者，中道而废。今汝画。”

Ран Чию деди: “Сизни таълимотингиз менга ёқади, лекин менинг кучим уни ўзлаштиришга етмаяпти”. Устоз шундай деди: “Куч-қуввати етмаган одам йўлнинг ўртасига етиб, юра олмай қолганидагина тўхтайтиди. Сен эса ҳозир ўзинг чегара чизиб олиб тўхтаяпсан ва олға юришни истамаяпсан”.

(13) 子谓子夏曰：“汝为君子儒，无为小人儒。”

Устоз Зисяга деди: “Сен олижаноб инсондек олим бўлишинг керак, асло ҳақир одамдек эмас”.

(14) 子游为武城宰。子曰：“汝得人焉尔乎？”曰：“有澹台灭明者，行不由径，非公事，未尝至于偃之室也。”

Зийоу Учэнг ҳокими бўлиб хизмат қила бошлади. Устоз ундан сўради: “Бу ерда истеъдодли ходим топдингми?” Зийоу деди: “Дантай Миеминг⁶⁸ исмли бир одам бор. У ҳеч ҳам таниш-билишчилик йўлидан юрмайди. Фақат хизмат юзасидан иши бўлмаса, у ҳеч қачон менинг хонамда бўлмайди”.

(15) 子曰：“孟之反不伐。奔而殿，将入门，策其马，曰：‘非敢后也，马不进也。’”

Устоз деди: “Мэнг Жифан⁶⁹ камтарин инсон эди. У жангда ортга чекинаётган пайтда энг сўнгги ҳарбий қисмда бўлибди. Шаҳар дарвозаларидан кираётганда эса отини қамчилаб шундай дебди: “Мен энг орқадаги

⁶⁸ Дантай Миеминг (澹台灭明 Dantai Mieming) – Учэнг шахридан бўлиб, кейинчалик Конфуцийга шогирдликка кирган.

⁶⁹ Мэнг Жифан (孟之反 Meng Zhifan) – Лу ҳокимлигидаги амалдор. Шарифи Мэнг (孟 Meng), исми Зэ (侧 Ze).

харбий қисмда келишга жазм қилмаган бўлардим, агар мана бу от секин чопмаганида”.

(16) 子曰：“不有祝鮀之佞，而有宋朝之美，难乎免于今之世矣。”

Устоз деди: “Агар Жу Тую⁷⁰дек нотиклик истеъдодинг бўлмай, Сонг сулоласидагидек ҳуснинг бўлса, ҳозирги жамиятда кулфатлардан қутулиб қолишинг мушкул”.

(17) 子曰：“谁能出不由户，何莫由斯道也！”

Устоз деди: “Ким хонадон ташқарисига эшикдан ўтмасдан чиқа олади? Нима учун ҳеч ким ўтиш лозим бўлган бу инсонпарварлик ва бурч йўлидан юрмайди?”

(18) 子曰：“质胜文则野，文胜质则史，文质彬彬，然后君子。”

Устоз деди: “Табиийлик маданиятлиликдан устун келса, бу ёввойиликка қиёс. Маданиятлилик табиийликдан устун келса, бу бўрттиришга қиёс. Маданиятлилик ва табиийликни мос равишда бирлаштирган одамгина олижаноб инсон бўла олади”.

(19) 子曰：“人之生也直，罔之生也，幸而免。”

Устоз деди: “Кишилар ҳақгўйлиги шарофати билан бу дунёда ҳаётдирлар. Баъзида диёнатсиз кишиларнинг ҳам тириклигининг сабаби бахтли тасодифга кўра фалокатлардан қутулиб қолганлигидадир”.

⁷⁰ Жу Тую (祝鮀Zhu Tuо) – Вэй ҳокимлигидан бўлган нотик амалдор.

(20) 子曰：“知之者不如好之者，好之者不如乐之者。”

Устоз деди: “Бирор-бир касбни тушунган одам шу касбга қизиққан одамга нисбатан пастроқ. Шу касбга қизиққан одам эса мазкур иш билан шуғулланишни унинг учун қувонч деб билган одамга нисбатан пастроқдир”.

(21) 子曰：“中人以上，可以语上也，中人以下，不可以语上也。”

Устоз деди: “Ақлий қобилияти ўрта даражадан юқори бўлган кишиларга чуқур билимлардан сўзласа бўлади. Ақлий қобилияти ўрта даражадан паст бўлган кишиларга чуқур билимлардан сўзлаб бўлмайди”.

(22) 樊迟问知。子曰：“务民之义，敬鬼神而远之，可谓知矣。”问仁。子曰：“先难而后获，可谓仁矣。”

Фан Чи Устоздан донолик қандай бўлиши кераклигини сўради. Устоз деди: “Ўзни бағишлаб инсонлик бурчини бажариш, руҳ ва жинлардан йироқроқ туриб уларни эҳтиром айлаш донолик ҳисобланади”. Фан Чи яна нималар инсонпарварлик фазилати ҳисобланишини сўради. Устоз деди: “Аввал машаққат чекиб, кейин муваффақиятга эришиш бу инсонпарварлик демак”.

(23) 子曰：“知者乐水，仁者乐山；知者动，仁者静；知者乐，仁者寿。”

Устоз деди: “Доно киши сувни севади. Инсонпарвар киши тоғларни севади. Доно киши ҳаракатда бўлади. Инсонпарвар киши осудаликда яшайди. Доно кишининг ҳаёти қувончли кечади. Инсонпарвар киши эса узок умр кўради”.

(24) 子曰：“齐一变，至于鲁，鲁一变，至于道。”

Устоз деди: “Чи ҳокимлигининг сиёсати ислоҳ қилинса, Лу ҳокимлигининг даражасига етиши мумкин. Лу князлигининг сиёсати ислоҳ қилинса, қадимги ҳукмдорлар ҳаётга татбиқ этган инсонпарварлик сиёсатининг олий йўлига етишиш мумкин”.

(25) 子曰：“觚不觚，觚哉觚哉！”

Устоз деди: “Қадаҳ қадаҳга ўхшамай қолган. Ахир бунинг нимаси қадаҳ! Ахир бунинг нимаси қадаҳ!”

(26) 宰我问曰：“仁者虽告之曰，井有仁焉，其从之也。

”子曰：“何为其然也。君子可逝也，不可陷也，可欺也，不可罔也。”

Зай Во сўради: “Агар инсонпарвар кишига: “Кудукка бир одам тушиб кетибди”, – десалар, қутқариш учун у ҳам кудукка сакрайдимиз?” Устоз деди: “Нимага бундай қилиши керак экан? Олижаноб инсон кудук бошида туриб ҳам қутқарув чораларини кўриши мумкин. Лекин ўзи кудукка тушиб олса бўлмайди. Маълум сабабларга кўра олижаноб инсонга ҳийла ишлатилиши мумкин, аммо уни лақиллатиб бўлмайди”.

(27) 子曰：“君子博学与于文，约之以礼，亦可以弗畔矣夫。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон мумтоз асарларни кенг ўрганиб ахлоқ қоидалари билан ўзини жиловласа, у ўз қарашларига асло хиёнат қилмайди”.

(28) 子见南子，子路不说。夫子矢之曰：“予所否者，天厌之，天厌之！”

Устоз Нанзи⁷¹ билан учрашди. Зилу эса бундан хурсанд бўлмади. Устоз қасам ичиб деди: “Агарда мен ярамас иш қилган бўлсам, Эй Осмон мендан юз ўгир! Осмон мендан юз ўгир!”

(29) 子曰：“中庸之为德也，其至矣乎！民鲜久矣。”

Устоз деди: “Олтин ўрталикни тутиб туриш яхши фазилатлардан биридир. Фазилатлар орасида энг олийси бўлиши керак! Афсуски, кишиларда бунинг етишмаслигига анча бўлган”.

(30) 子贡曰：“如有博施于民，而能济众，何如？可谓仁乎？”子曰：“何事于仁，必也圣乎！尧舜其犹病诸！夫仁者己欲立而立人，己欲达而达人。能近取譬，可谓仁之方也已。”

Зигонг деди: “Бирор кимса халққа яхшилик қилса ва кишиларга моддий жихатдан ёрдам кўрсатса, бу қандай одам бўлади? Инсонпарвар деб ҳисоблаш мумкинми?” Устоз деди: “Бундай инсонни инсонпарвар дейиш кам, уни авлиё-донишманд деб билиш керак! Яо ва Шун⁷² буни бажара олмаганлар деб кўрқаман. Инсонпарвар киши оёқда мустаҳкам туриш-

⁷¹ Нанзи (南子 Nanzi) – ҳоким Вэй Лингнинг рафикаси. Ўша даврда Вэй ҳокимлиги ҳокимиятини ўз қўлида ушлаб турган. Ўзининг ахлоқсизлиги билан танилган шахс.

⁷² Яо (尧 Yao) қадимги хитой афсонавий қахрамонлардан бири. Анъанага кўра, у эрамыздан олдинги 2356–2256 йиллар, яъни 100 йил давомида Хитойни бошқариб, донишманд ва окўнгил ҳукмдор сифатида танилган ва кадрланган. Унинг ўғли Дан Жу хурмати йўқлиги сабабли Яо ҳокимиятини ўзининг яхши фазилатлари билан машҳур Шун (舜 Shun)га (м.а. XXIII аср) топширган. Шун эса ўз ўрнида ҳокимиятни ўз ўғли Шанга эмас, саховатли Юй (禹 Yu)га берган.

ни истаса, ўзгаларнинг ҳам маҳкам туришларига ёрдам бериши керак. Ўзи эришишни истаган нарсасига ўзгаларнинг ҳам эришишига кўмак бериши керак. Барча масалаларда бошқаларнинг ўрнига ўзини кўйиб кўра олса, буни инсонпарварликни амалга оширишнинг усули дейиш мумкин”.

述而第七

VII. Баён қиламан

(1) 子曰：“述而不作，信而好古，窃比我于老彭。”

Устоз деди: “Мен мумтоз асарларни яратмайман, уларни баён қиламан. Мен қадимги маданиятни тан оламан ва севаман. Шу жиҳатдан, наздимда, мен шахсан Лао Пэнг⁷³га ўхшайман”.

(2) 子曰：“默而识之，学而不厌，诲人不倦，何有于我哉！”

Устоз деди: “Ўрганган билимларни хотирада сақлаш, қанча ўқиб-ўрганилмасин, бундан қониқиш хосил қилмаслик, ўзгаларга сабоқ бериб толиқмасликнинг нимаси қийин?”

(3) 子曰：“德之不修，学之不讲，闻义不能徙，不善不能改，是吾忧也。”

Устоз деди: “Агар ахлоқ-одобларини мукамаллаш-тирмасалар, ўрганганларини такрорламасалар, зиммаларига юкланган масъулиятларини бажармасалар ёки ўзларидаги камчиликларни тузатишга ҳаракат қилмасалар, мен бундан қаттиқ қайғураман”.

⁷³ Лао Пэнг (老彭 Lao Peng) – Шанг сулоласи давридаги фозил амалдор. Ривоят қилишларича, у қадимги тарихни баён этишни ёқтирган.

(4) 子之燕居，申申如也，夭夭如也。

Устоз уйда ишдан бўш пайтларида жуда покиза кийинар, кўриниши жуда мулойим бўлар эди.

(5) 子曰：“甚矣，吾衰也久矣！吾不复梦见周公。”

Устоз деди: “Мен нақадар кексайибман! Кўпдан буён тушимда Жоу Гонг⁷⁴ни кўрмай кўйдим”.

(6) 子曰：“志于道，据于德，依于仁，游于艺。”

Устоз деди: “Ҳақ йўлга интил, юксак ахлоқийликка суян, инсонпарварликка амал қил, олти санъатда ҳаракатда бўл”.

(7) 子曰：“自行束修以上，吾未尝无诲焉。”

Устоз деди: “Ёши эллиқдан ошган мендай одамга бир лукма қуритилган гўшт олиб келишса ҳам, ҳеч қачон сабоқ беришдан воз кечмайман”.

(8) 子曰：“不愤不启，不悱不发，举一隅，不以三隅反，则不复也。”

Устоз деди: “Толиб ўзи бош қотириб бир нарсанинг моҳиятини англаб етмас экан, унга йўл-йўриқ кўрсатмайман. Толиб ўзи айтмоқчи бўлган фикрини аниқ қилиб баён этиб бермагунича, унга тушунтириш бермайман. Толибга битта бурчак тўғрисида сўзлаб берсам, у эса қолган учта бурчак ҳақида хулоса чиқариб бера олмаса, мен унга бошқа сабоқ бермайман”.

⁷⁴ Жоу Гонг (周公 Zhou Gong) – Лу ҳокимлиги ҳукмдорларининг биринчи аждоди. Афсоналарга кўра, Ғарбий Жоу сулоласининг маросим тартиблари ва мусиқа тизимини у ўрнатган экан. Конфуций Жоу Гонга нисбатан ниҳоятда эҳтиромда бўлиб, унинг йўлини амалга оширишга умид қилади ва бу ҳақда кўп ўйлагани учун Жоу Гонгни тез-тез тушида кўриб туради.

(9) 子食于有丧者之侧，未尝饱也。

Устоз азадор кишининг ёнида хеч қачон тўйиб овқатланмасди.

(10) 子于是日哭，则不歌。

Устоз мархумни хотирлаб кўз ёш тўккан куни кўшиқ куйламас эди.

(11) 子谓颜渊曰：“用之则行，舍之则藏，

唯我与尔有是夫。”子路曰：“子行三军，则谁与？

”子曰：“暴虎馮河，死而無悔者，吾不與也。必也臨事而懼，好謀而成者也。”

Устоз Ян Юанга деди: “Мени хизматга олишса, ҳаракат қиламан. Хизматга олишмаса, ишлардан йироқлашаман. Фақат мен ва сенда шундай муносабат бўлса керак!” Зилу сўради: “Агар сиз ҳарбий кўшинга кўмондонлик қилганингизда ким билан ҳамкорлик қилган бўлар эдингиз?” Устоз деди: “Бўш қўл билан йўлбарсга ташланишдан, қайиқсиз дарёдан кечишдан тап тортмайдиган, ҳалок бўлишга ҳам афсус чекмайдиганлар билан мен ҳамкорлик қилмайман. Мен билан бирга хизмат қиладиганлар, албатта, ишга жиддий ва эҳтиёткорлик билан ёндашиши, масалалар устида мулоҳаза юрита олиши ҳамда масъулиятни ҳис қилиб, ўз мажбуриятларини яхши бажариши лозим”.

(12) 子曰：“富而可求也，虽执鞭之士，吾亦为之，如不可求，从吾所好。”

Устоз деди: “Агар ҳақ йўл билан бойликка эришиш мумкин бўлса, паст табақадан бир ишчи бўлиб ҳам ишлашга рози эдим. Агар ҳақ йўл билан бойликка эришиб бўлмаса, ўзим суйган иш билан шуғулланаверганим тузук”.

(13) 子之所慎：齐，战，疾。

Устоз рўза, жанг ва касалликка нисбатан хушёрлик билан муносабатда бўларди.

(14) 子在齐闻韶，三月不知肉味。曰：

“不图为乐之至于斯也。”

Чи ҳокимлигида Устознинг қулоғига “Баҳорий” мусикаси чалиниб, у узоқ вақт гўштнинг мазасини билмади. Устоз шундай деди: “Шун даврида яратилган мусикани шунчалик юксак даражага етган деб ҳеч ўйламагандим”.

(15) 冉有曰：“夫子为卫君乎？”子贡曰：“诺，

吾将问之。”入曰：“伯夷叔齐，何人也？”曰：

“古之贤人也。”曰：“怨乎？”曰：“求仁而得仁，

又何怨？”出曰：“夫子不为也。”

Ран Йоу Зигонгдан сўради: “Устоз Вэй хукмдори⁷⁵ни қўллайдими?” Зигонг: “Буни Устоздан сўраб кўрай”, – деди. Зигонг ичкарига кириб Устоздан сўради: “Бо И ва Шу Чи қандай одам ҳисобланади?” Устоз деди: “Улар қадимги даврнинг фозил кишиларидир”. Зигонг: “Улар бирор нарсадан норози бўлганмилар?” – деб сўради. Устоз деди: “Улар инсонпарварликка интиланлар ва натижада унга эришганлар. Улар яна нимадан норози бўлишлари

⁷⁵ Бу ерда ҳоким Вэй Чугонг Жэ (卫出公辄 Wei Chu gong Zhe) (м.а. 492–481 йиллари тахтда ўтирган) назарда тутилган. У ҳоким Вэй Лингнинг набираси, Тайзи Куай Куй (太子蒯聩 Taizi Kuai Kui)нинг ўғли. Тайзи Куай Куй ҳоким Вэй Лингнинг рафикаси Нанзини ранжитгани учун сургун қилинади. У Жин ҳокимлигига қочади. Ҳоким Вэй Линг вафот этгач, тахтга Вэй Чугонг Жэ ўтиради. Шунда унинг отаси ҳам ҳокимликка қайтиб келиб, ўғил ва ота ўртасида тахт учун кураш бошланади.

керак?” Зигонг ташқарига қайтиб чиқиб Ран Йоуга: “Устоз Вэй ҳукмдорини қўлламайди”, – деди.

(16) 子曰: “饭疏食, 饮水, 曲肱而枕之, 乐亦在其中矣。不义而富且贵, 于我如浮云。”

Устоз деди: “Дон-дун билан озикланиб, оддий сув ичиб, қўлни букиб ёстиқ қилиб ётилса бу бахт демакдир. Ноҳақ йўл билан топилган бойлик мен учун осмонда сузиб юрган булутларга ўхшайди”.

(17) 子曰: “加我数年, 五十以学易, 可以无大过矣。”

Устоз деди: “Ёшимга яна ёш қўшилса эди. Эллик ёшимда “Ижинг” (“Ўзгаришлар китоби”) асарини ўрганиб бўлган, натижада катта хатоликларни четлаб ўтган бўлар эдим”.

(18) 子所雅言: 诗、书、执礼, 皆雅言也。

Устоз меъёрий адабий тилни ҳам ишлатарди. “Шижинг”, “Шужинг” асарларини қироат билан ўқиганида ҳамда маросимнинг тартибини эълон қилган пайтида меъёрий адабий тилни қўлларди.

(19) 叶公问孔子于子路, 子路不对。子曰: “汝奚不曰: 其为人也, 发愤忘食, 乐以忘忧, 不知老之将至云尔。”

Шэ ноҳияси бошлиғи⁷⁶ Зилудан Устоз қандай одам-лигини сўради. Зилу жавоб бермади. Устоз деди: “Сен нега бундай демадинг: у шундай одамки, қаҳри келганда овқатланишни, қувонганида қайғу-аламини ҳам унутади. У кексалик қанчалар яқинлашиб қолганини билмайди, холос”.

⁷⁶ Бу ерда Чу ҳокимлиги амалдори Шэн Жулиянг (沈诸梁 Shen Zhuliang) назарда тутилган.

(20) 子曰：“我非生而知之者，好古，敏以求之者也。”

Устоз деди: “Мен туғилишим билан билимли бўлиб қолмаганман. Қадимги маданиятга бўлган муҳаббатим, ўқишга бўлган иштиёқим ва тиришқоқлигим туфайли билимга эришган одамман”.

(21) 子不语：怪、力、乱、神。

Устоз тўрт нарсани: мўъжиза, куч-қудрат, тартибсизлик ва арвоҳ-жинларни муҳокама қилмасди.

(22) 子曰：“三人行，必有我师焉，择其善者而从之，其不善者而改之。”

Устоз деди: “Учта ҳамроҳ йўловчи бўлса, улар орасида албатта менга муаллим бўла оладигани бор. Улардаги афзалликларни танлаб ўрганаман. Камчиликларини эса ибрат деб билиб, ўзимда мавжуд бўлган нуқсонларни йўқотишга ҳаракат қиламан”.

(23) 子曰：“天生德于予，桓魋其如予何？”

Устоз деди: “Модомики, менга Осмон донишмандлик фазилатини инъом этган экан, Хуан Туй⁷⁷ менга нима ҳам қила оларди?”⁷⁸

⁷⁷ Хуан Туй (桓魋 Huan Tui) – Сонг ҳокимлигида ҳарбий масалалар билан шуғулланувчи амалдор. Ҳоким Сонг Хуан (宋桓公 Song Huangong) авлодидан.

⁷⁸ “Тарихий ёдномалар” (“史记” Shiji)да кайд этилишича, м.а. 492 йили Конфуций Вэй ҳокимлигидан Чэн ҳокимлигига кетаётганида Сонг ҳокимлигидан ўтади. У ерда Конфуций ва унинг шогирдлари катта бир дарахтнинг тагида маросим сахнасини ижро этаётганларида Хуан Туй Конфуцийнинг жонига қасд қилиб, дарахтни чопиб ташлайди. Шу туфайли Конфуций Сонг ҳокимлигини тарк этаётганда шогирдлари тезроқ югуришга ундаганда шу сўзларни айтган экан.

(24) 子曰：“二三子，以我为隐乎？吾无隐乎尔，吾无行而不与二三子者，是丘也。”

Устоз деди: “Сиз талабалар, мени сир айтмайдиган дамдуз деб ўйлайсизларми? Мен сизлардан ҳеч нарсани сир тутмайман. Мен ҳеч бир ҳаракатимни сизлардан сир сақламаганман. Уларни ҳар доим маълум қилиб келганман. Мен – Конг Чию, шундай одамман”.

(25) 子以四教：文、行、忠、信。

Устоз талабаларга тўрт соҳадан сабоқ берган: мумтоз асарлар, ижтимоий ҳаёт амалиёти, ҳукмдорга садоқат ва ишонччилик.

(26) 子曰：“圣人，吾不得而见之矣，得见君子者斯可矣。”子曰：“善人，吾不得而见之矣，得见有恒者，斯可矣。亡而为有，虚而为盈，约而为泰，难乎有恒矣。”

Устоз деди: “Донишмандларни учратиш насиб қилмайди, олижаноб инсонларни кўра олсам бўлгани”. Устоз яна деди: “Марҳаматли инсонларни кўриш насиб қилмайди, яхши ахлоқий сифатларга риоя қилувчи кишиларни кўра олсам бўлгани. Аслида йўқ бўлса-ю, бор қилиб кўрсатадиган, бўш бўлса-ю, тўла деб айтадиган, камбағал бўлса-ю, ўзини бойга соладиган одамларнинг яхши ахлоқий сифатларга риоя қилишлари анча мушкул”.

(27) 子钓而不纲，弋不射宿。

Устоз қармоқ билан балиқ тутарди, лекин тўрдан фойдаланмасди. У камон билан учиб кетаётган қушни урарди, бироқ инига қўнган қушларни отмасди.

(28) 子曰：“盖有不知而作之者，我无是也。
多闻则其善者而从之，多见而识之，知之次也。”

Устоз деди: “Ҳеч нарсани англамай бўшликка асосланиб яратувчи шундай кишилар борки, мен ундайлардан эмасман. Мен турли фикрларга кўп кулок бераман ва улардан энг яхшиларини танлаб ўрганаман. Кўп ҳодисаларни кузатаман ва барини хотирамда сақлаб қоламан. Шу йўл билан ўрганилган билим илм олишда иккинчи даражалиси ҳисобланади”.

(29) 互乡难与言，童子见，门人惑。子曰：“与其进也，不与其退也。唯何甚。人洁己以进，与其洁也，不保其往也。”

Хусиянгликлар билан тил топишиш жуда мушкул эди. Хусиянглик бир ёш йигит Устоз билан учрашишга муваффақ бўлибди. Талабалар таажжубга тушганларида, Устоз уларга шундай дебди: “Мен уларнинг тараққиётини маъқуллайман. Уларнинг таназзулини маъқул топмайман. Бунчалик бўрттиришнинг не зарурати бор? Кишилар таналаридаги кирни тозалаб ювиб ташлаб тараққиётга интилсалар, уларнинг покизаланганини маъқуллаш керак. Уларнинг ўтмишдаги хатоларини маҳкам ушлаб олиб кўйиб юбормаслик ярамайди”.

(30) 子曰：“仁远乎哉？我欲仁，斯仁至矣。”

Устоз деди: “Ахир инсонпарварлик шунчалар олисдами? Инсонпарвар бўлишни истасамгина, инсонпарварликка етишишим мумкин бўлади”.

(31) 陈司败问：“昭公知礼乎？”孔子曰：“知礼。”孔子退，揖巫马期而进之，曰：“吾闻君子不党，君子亦党乎？君取于吴为同姓，谓之吴孟子。君而知礼，孰不知礼？”巫马期以告。子曰：“丘也幸。苟有过，人必知之。”

Чэн Сибай⁷⁹ сўради: “Ҳоким Лу Жао⁸⁰ маросим тартибларини яхши тушунармиди?” Устоз деди: “Ҳа, яхши тушунар эди”. Устоз чиқиб кетгач, Чэн Сибай Ума Чи⁸¹ га таъзим қилиб яқинроқ келишини сўради ва деди: “Айтишларича, олижаноб инсон бошқаларга тарафкашлик қилмас экан. Олижаноб инсон ҳам бировнинг ёнини оладими? Ахир Лу князи У ҳокимлигидан бўлган бир хонимга уйланган. Уларнинг насаб исмлари бир хил бўла туриб, хонимни У Мэнги деб атаганлар. Агар Лу князи маросим қоидаларини тушунмаса, бошқа ким ҳам тушунарди?” Ума Чи бу гапларни Устозга гапириб берди. Устоз деди: “Мен жуда ҳам омадлиман-да! Мен хато қилсам, бошқалар албатта буни билиб турадилар”.

(32) 子与人歌而善，必使反之，而后和之。

Устоз бошқалар билан кўшиқ айтганида, агар уларнинг ижроси ёкиб қолса, устоз улардан, албатта яна бир бора куйлашни сўрарди. Кейин ўзи ҳам кўшиққа жўр бўларди.

⁷⁹ Чэн Сибай (陈司败 Chen Sibai) – айрим манбаларда Чэн ҳокимлигининг бош адлиячиси, айрим манбаларда Чи ҳокимлиги амалдори дейилган. Бу ҳақида аниқ далиллар мавжуд эмас.

⁸⁰ Ҳоким Лу Жао (鲁昭公 Lu Zhaogong) – Лу ҳокимлигида м.а. 541–510 йиллари ҳукмдорлик тахтида ўтирган.

⁸¹ Ума Чи (巫马期 Wuma Qi) – Конфуцийнинг шогирди. Ундан 30 ёш кичик. Шарифи Ума (巫马 Wuma), исми Ши (施 Shi).

(33) 子曰：“文，莫吾犹人也？躬行君子，则吾未之有得。”

Устоз деди: “Назарий билим жихатдан мен ўзгалардан унчалик фарқланмасам керак. Лекин амалий тажрибага эга, намунали, олижаноб инсон бўлишни мен ҳали эплей олмадим”.

(34) 子曰：“若圣与仁，则吾岂敢。抑为之不厌，诲人不倦，则可谓云尔已矣。”公西华曰：“正唯弟子不能学也。”

Устоз деди: “Донишмандлик ва инсонпарварлик ҳақида сўзлайдиган бўлсак, менинг бунга қандай ҳаддим сиғади? Мен фақат билим олиш ва ишлашдан ҳеч қачон безмайман. Бошқаларга сабоқ беришда ҳеч толиқмайман. Шугина холос”. Гонгси Чи деди: “Биз шогирдлар айнан шуларни ўргана олмаяпмиз-да!”

(35) 子疾病，子路请祷。子曰：“有诸？”子路对曰：“有之。诔曰：祷尔于上下神祇。”子曰：“丘之祷久矣。”

Устоз оғир бетобланиб қолганида Зилу ундан рухларга сажда қилиб уни ўз паноҳида асрашларини сўраб илтижо қилишини илтимос қилди. Устоз ундан бундай ҳаракатлар ҳам борми, деб сўради. Зилу устозга жавоб берди: “Бор. “Марсия”⁸² да шундай дейилган: “Сен учун осмон ва ер рухларига сажда қилиб, улардан ўз паноҳида асрашни сўрайман”, – дея жавоб берди. Устоз деди: “Мен рухларга ибодат қилиб буни сўраётганимга анча бўлди”.

⁸² Марсия (诔 lei) – қабртошида мархумни мадҳ этувчи битиклар.

(36) 子曰：“奢则不孙，俭则固。与其不孙也，宁固。”

Устоз деди: “Исрофгарчилик ва дабдабабозлик итoатсизлик сингаридир. Тежамкорлик ва соддалик абгорлик кабидир. Итoатсизликдан эса абгорлик яхширок”.

(37) 子曰：“君子坦荡荡，小人长戚戚。”

Устоз деди: “Олижаноб инсоннинг кўнгли она табиат каби кенг бўлади, ҳақир одам эса ҳасратда ўтираверади”.

(38) 子温而厉，威而不猛，恭而安。

Устоз табиатан юмшоқ, лекин қаттиққўл, хайбатли, лекин шафқатсиз эмас, салобатли ва оғир-вазмин эди.

泰伯第八 VIII. Тай Бо

(1) 子曰：“泰伯，其可谓至德也已矣。三以天下让，民无得而称焉。”

Устоз деди: “Тай Бо⁸³ ни энг юксак фазилатли инсон деб атаса бўлади. У кўп маротаба Жи Ли учун ҳукмдорлик тахтидан воз кечган. Халқ уни мадҳ этишга лойиқ сўз топа олмаган”.

(2) 子曰：“恭而无礼则劳，慎而无礼则思，勇而无礼则乱，直而无礼则绞。君子笃于亲，则民兴于仁，故旧不遗，则民不偷。”

⁸³ Тай Бо (泰伯Tai Bo) – Тай Бо Жоу сулоласи асосчиси Гугонг Данфу (古公亶父 Gugong Danfu)нинг тўнғич ўғли. У отасининг истагига кўра тахтни кенжа иниси Жи Ли (季历 Ji Li)га топширган ва пойтахтни тарк этган.

Устоз деди: “Ахлоқ қоидаларига амал қилинмаган эҳтиром, беҳуда уриниш бўлиб чиқади. Ахлоқ қоидаларига амал қилинмаган эҳтиёткорлик кўркувни, ахлоқ қоидаларига амал қилинмаган мардлик ғалаённи юзага келтиради. Ахлоқ қоидаларига амал қилинмаган тўғрисиўзлик заҳархандаликни юзага келишига сабаб бўлади. Мансабдор шахс ўзининг қон-қариндошларига самимий муносабатда бўлса, халқ орасида инсоний хулқ-атвор ўсади. Мансабдор шахс ўзининг қадрдон дўстларини ташлаб қўймаса, шунда халқ инсонга нисбатан совуқ муносабатда ва ҳиссиз бўлмайди”.

(3) 曾子有疾，召门弟子曰：“启予足，启予手。诗云：‘战战兢兢，如临深渊，如履薄冰。’而今而后，吾知免夫小子。”

Зэнгзи бетоб бўлиб қолди. Шунда шогирдларини тўплаб деди: “Менинг оёқларимга, қўлларимга қаранглар! “Ши-жинг”да шундай дейилган:

“Хушёр бўл, худди жар ёқасида турган каби,
Хушёр бўл, худди юпка муз устида юрган каби”.

Бугундан бошлаб мен ҳалокатни қандай четлаб ўтишни билдим, болалар”.

(4) 曾子有疾，孟敬子问之，曾子言曰：“鸟之将死，其鸣也哀，人之将死，其言也善。君子所贵乎道者三：动容貌，斯远暴慢矣；正颜色，斯近信矣；出辞气，斯远鄙悖矣。笱豆之事，则有司存。”

Зэнгзи бетоб бўлиб қолганида Мэнг Жингзи⁸⁴ уни кўришга келди. Шунда Зэнгзи унга деди: “Қуш ўлаётган чоғида қайғули сайрар экан. Инсон дунёдан кўз юмаётган чоғида дўстона сўзлашар экан.

⁸⁴ Мэнг Жингзи (孟敬子 Meng Jingzi) – Лулик амалдор Мэнг Сунжие (孟孙捷 Meng Sunjie).

Олижаноб инсон кадрлаши керак бўлган фазилатларнинг уч кирраси бор: у ўзининг қатъиятли қиёфаси билан кўполлик ва беадабликдан қочади. Ўзининг жиддий юз ифодаси билан бошқаларнинг ишончини қозонади. Ўзининг салмоқли нутқ оҳанги билан кўрслик ва маданиятсизликдан қочади. Қурбонлик келтириш сингари маросимлар масаласига келсак, уларга бу ишлар билан шуғулланувчи амалдорлар жавобгар”.

(5) 曾子曰：“以能问于不能，以多问于寡，有若无，实若虚，犯而不校，昔者吾友，尝从事于斯矣！”

Зэнгзи деди: “Қобилиятли бўлса ҳам, қобилиятсизлардан маслаҳат сўраш; ўзи кўпни кўрган бўлса ҳам, кўпни кўрмаган, тажрибасиз кишилар билан бамаслаҳат иш кўриш; заковатли бўла туриб, ўзини заковатсиз кишидай тутиш; подшолик кишиси онгига эга бўла туриб, ўзини мияси бўш кишидай тутиш; ўзини хафа қилган одам билан ҳисоблашмаслик ва бошқа шу каби амалларни қачонлардир менинг дўстим қилган”⁸⁵.

(6) 曾子曰：“可以托六尺之孤，可以寄百里之命，临大节而不可夺也，君子人与？君子人也。”

Зэнгзи деди: “Унга кичик хукмдорликни ишониб топшириш мумкин. Бир ҳокимликнинг тақдирини унга ишониш мумкин. Унинг олдида ҳаёт ва мамот масаласи турса, у ҳеч иккиланмас. Ушбу тавсифи келтирилган инсонни олижаноб инсон деса бўладими? Ҳа, шак-шубҳасиз бундай кишини олижаноб инсон деб баҳолаш мумкин”.

⁸⁵ Қадимги изоҳларнинг аксариятида Зэнгзининг дўсти Ян Юан деб келтирилган.

(7) 曾子曰：“士不可以不弘毅，任重而道远。仁以为己任，不亦重乎？死而后已，不亦远乎？”

Зэнгзи деди: “Зиёли киши кучли ва иродали бўлмоғи керак. Чунки унинг елкасидаги вазифаси оғир, йўли эса олис. У инсонпарварлик фазилатини амалга оширишни ўзининг вазифаси деб билади. Бундай вазифа унга оғирлик қилмайдами? У сўнги нафасигача курашади. Ахир бу йўл олис, жуда олис-ку?”

(8) 子曰：“兴于诗，立于礼，成于乐。”

Устоз деди: “Шеърият инсон иродасини мустаҳкамлайди. Ахлоқ қоидалари инсоннинг маънавий сифатларини, мусиқа эса кишининг табиатини тарбиялайди”.

(9) 子曰：“民可使由之，不可使知之。”

Устоз деди: “Халқни фикримизга бўйсунушга мажбур этиш мумкин. Лекин нима учун бундай қилиш кераклигини англашга уларни мажбур этиб бўлмайди”.

(10) 子曰：“好勇疾贫，乱也。人而不仁，疾之已甚，乱也。”

Устоз деди: “Жасурликни ёқтириб, муҳтожликдан нафратланган киши ғалаён кўтариши муқаррар. Инсон-парварлиги йўқ кишиларни ҳаддан зиёд ёмон кўрилса, бу уларнинг ҳам исён кўтаришларига мажбур этади”.

(11) 子曰：“如有周公之才之美，使骄且吝，其余不足观也已。”

Устоз деди: “Мансабдор бир киши Жоу Гонг сингари ажойиб қобилиятга эга бўлса-ю, бироқ у димоғдор ва хасис бўлса, бундай одамнинг бошқа кирраларини кўриб ўтиришнинг ҳеч кераги йўқ”.

(12) 子曰：“三年学，不至于谷，不易得也。”

Устоз деди: “Уч йил таҳсил олиб амалдорлик маоши ҳақида ўйламайдиган кишини топиш осон эмас”.

(13) 子曰：“笃信好学，守死善道。危邦不入，乱邦不居，天下有道则见，无道则隐。邦有道，贫且贱焉，耻也。邦无道，富且贵焉，耻也。”

Устоз деди: “Кишининг мустаҳкам эътиқоди ва билим олишга куч-қуввати бўлиши керак. У ҳокимликни бошқаришда ҳалолликка амал қилишга бутун умрини бағишлаши керак. Хатарли ҳокимликка оёқ босмаслик, ғалаёнли мамлакатда макон топмаслик даркор. Дунё сиёсий ҳолати барқарор чоғида амалдорлик хизматига кирган, беқарор чоғида эса ғойиб бўлган маъқул. Мамлакат сиёсати барқарор бўлса-ю, ўзинг қашшоқ бўлсанг бу исноддир. Мамлакат сиёсати беқарор бўлса-ю, сен бадавлат бўлсанг бу ҳам исноддир”.

(14) 子曰：“不在其位，不谋其政。”

Устоз деди: “Эгаллаб турмаган мансабинингнинг сиёсий масалалари борасида бош қотириб ўтирма”.

(15) 子曰：“师挚之始，关雎之乱，洋洋乎盈耳哉！”

Устоз: “Муסיқа устаси Жи⁸⁶нинг ижроси билан бошланган ҳамда “Қафасдаги кумри” кўшиғи билан яқунланган дилрабо ва марокли куй кулоқни тўлдирди-ку!” – деб тўлқинланди.

(16) 子曰：“狂而不直，侗而不愿，倥倥而不信，吾不知之矣。”

Устоз деди: “Қандай қилиб аҳмоқ одам виждонсиз бўлишини, гўл одам қув бўлишини, ўзини самимий инсон қилиб кўрсатувчи одам ишончлиликни кадрламаслигини мен ҳеч тушунмайман”.

(17) 子曰：“学如不及，犹恐失之。”

Устоз деди: “Гўё бирор нарсани қувиб етолмаётгандай билим ол. Билимни олгач эса уни яна унутиб кўйишдан кўрк”.

(18) 子曰：“巍巍乎，舜禹之有天下也，而不与焉。”

Устоз деди: “Нақадар улуғворлик! Шун ва Юй⁸⁷ дунёга эришдилар. Лекин уни истило этмаганлар”.

(19) 子曰：“大哉，尧之为君也。巍巍乎，唯天为大，唯尧则之。荡荡乎，民无能名焉。巍巍乎，其有成功也。焕乎，其有文章。”

Устоз деди: “Ҳо қандай буюк ҳукмдор бўлган-а! Бу қандай улуғворлик! Фақат Осмон энг юксак бўлган.

⁸⁶ Бош муסיқачи Жи (太师挚 Taishi Zhi) – Лу ҳокимлигининг бош муסיқачиси.

⁸⁷ Юй (禹 Yu) м.а. XXIII асрда яшаган қадимий хитой афсонавий қахрамони бўлиб, у Хитойни сув тошқинидан қутқарганлиги ривоят қилинади. Юй илк хитой сулоласи бўлмиш Ся сулоласига асос солган. Конфуций Ҳо, Шун ва Юйни қомил инсон ва намунавий ҳукмдорлар деб билган.

Фақат Яо Осмоннинг қоидаларига амал қила олган. Унинг меҳр-муруввати нақадар кенг бўлган. Халқ уни мадҳ этишга муносиб сўз топа олмаган. Унинг таҳсинга сазовор хизматлари қанчалар буюк. Унинг ўрнатган маросим тизими қанчалик ёруғ”.

(20) 舜有臣五人而天下治。武王曰：“予有乱臣十人。”孔子曰：“才难，不其然乎？唐虞之际，于斯为盛，有妇人焉，九人而已。三分天下有其二，以服事殷，周之德，其可谓至德也已夫！”

Шуннинг Дунёни бошқариш ишлари билан шуғулланувчи беш нафар амалдори бўлган. Ўз даврида Қирол Жоу У ҳам: “Менинг давлат идораси билан шуғулланувчи ўнта амалдорим бор”, – дея таъкидлаган экан.

Устоз деди: “Истеъдодларга эришиш мушкул, шундай эмасми? Танг Яо ва Юй Шун даври оралиғида ҳамда қирол Жоу У давридаги истеъдодлар энг кучли бўлган. Қирол Жоу Унинг давлат идораси билан шуғулланувчи амалдорлар ичида биттаси аёл бўлган. Аслини олганда, улар фақат тўққизта бўлганлар. Қирол Жоу Вэн дунёнинг учдан икки қисмига эга бўлса ҳам, ўзини Ин сулоласининг амалдори деб билган ва Ин сулоласига хизматда давом этган. Қирол Жоу Вэннинг фазилатини энг юксак фазилат дейиш мумкин”.

(21) 子曰：“禹，吾无间然矣。菲饮食而致孝乎鬼神，恶衣服而致美乎黻冕，卑宫室而尽力乎沟洫。禹，吾无间然矣！”

Устоз деди: “Мана Юй, мен ундан ҳеч қандай нуқсон тополмайман. У ейиш-ичишда ўта ночор бўлса-да, руҳ ва жинларни ҳурмат қилар, совға-

саломлар билан сийлар эди. У одатда эски-туски кийса-да, унинг қурбонлик маросими учун либоси жуда башанг эди. У пасткам уйда яшаса-да, далаларда жон-жаҳди билан сув йўли очишга ҳаракат қиларди”.

子罕第九

IX. Устоз камдан-кам

(1) 子罕言利，与命与仁。

Устоз камдан-кам манфаат, тақдир ва инсонпарварлик ҳақида сўзларди⁸⁸.

(2) 达巷党人曰：“大哉孔子，博学而无所成名。

”子闻之，谓门弟子曰：“吾何执，执御乎，执射乎？吾执御矣。”

Дасиянглик бир киши деди: “Конфуций нақадар буюк шахс! Унинг илми ниҳоятда бой, лекин афсуски, у ўз шухратини кенг ёйиш учун имкониятга эга эмас”. Устоз буни эшитиб шогирдларига деди: “Энди диққатимни қайси санъатга қаратсам экан? От минишгами ёки камон отишгами? Яхшиси от мина қолай”.

(3) 子曰：“麻冕，礼也。今也纯，俭，吾从众。拜下，礼也。今拜乎上，泰也。虽违众，吾从下。”

Устоз деди: “Зиғирпоя толасидан тўкилган маросим қалпоғи анъанавий маросим тартибларига мувофиқ

⁸⁸ “Лун Юй”да инсонпарварлик сўзини кўп учратамиз. Шундай экан, нима учун бу бандда акс маъно ифода этган? Конфуций таълимотида “инсонпарварлик” энг юксак ахлоқий фазилат ҳисобланган. Конфуций эса ўзгаларни камситиб ўзини инсонпарвар деб ҳисоблашга жазм этмаганлиги сабабли бу хусусда кўп сўз юритмаган. Конфуцийнинг шогирдлари кундалик суҳбатлар ва ора-сира берилган саволлар орқали “инсонпарварлик” ҳақида эшитиб, айниқса, шу сўзни хотирада сақлаб, ўзларига ёзиб олганлар ва “Лун Юй”да қайд этганлар.

келади. Ҳозирда кишиларнинг бари уни ипак толасидан тўқияптилар. Бу бир оз тежамлироқ. Мен ҳамманинг бу усулини маъқуллаймаман. Амалдор ҳукмдорни кўрганда аввал зал остонасида тиз чўкиб таъзим қилган, ҳукмдор залга кўтарилгач, яна бир бор таъзим қилган. Бу маросим тартибларига мувофиқ келган. Ҳозирда ҳамма тўғридан-тўғри залда таъзим қиладилар. Бу такаббурликнинг ифодасидир. Гарчи барчанинг тутаётган усулига қарши чиқаётган бўлсамда, мен аввал залнинг остонасида таъзим қилиш кераклигини қўллаб-қувватлайман”.

(4) 子绝四：毋意、毋必、毋固、毋我。

Устоз тўрт иллатга буткул барҳам берган: у асосиз тахмин-гумонларга берилмаган; узил-кесил даъво қилмаган; расмиятпараст ва ўжар бўлмаган; фақат ўз шахсини ўйламаган.

(5) 子畏于匡，曰：“文王既没，文不在兹乎。

天之将丧斯文也，后死者不得与于斯文也；天之未丧斯文也，匡人其如予何！”

Куанг худуди⁸⁹да Устозни ҳибсга олганларида Устоз шундай деди: “Қирол Жоу Вэн вафот этгач, кўҳна маданият менинг қалбимдан жой олган эмасми? Агар Осмон бу маданиятни нобуд қилмоқчи бўлганда эди, мен бу маданиятда иштирок эта олмаган бўлар эдим. Ваҳоланки, Осмон бу маданиятни нобуд этмас

⁸⁹ Куанг (匡地 Kuang di) худуди ҳозирги Хэнан вилоятининг Чангхэнг ноҳияси жануби-ғарбида жойлашган. Конфуций ҳокимликлар бўйлаб сафар қилган чоғда Вэй ҳокимлигидан Чэн ҳокимлигига кетаётиб Куангдан ўтади. Илгари куангликлар Лу ҳокимлигидан Янг Хунинг итилосига учраган эдилар. Конфуцийнинг ташки кўриниши Янг Хуга ўхшаганлиги сабаб, уни Янг Ху деб ўйлаб ҳибсга оладилар.

экан, унда куангликлар менга яна нима ҳам қила олишарди!”

(6) 太宰问于子贡曰：“夫子圣者与？何其多能也。”

”子贡曰：“固天纵之将圣，又多能也。”子闻之，曰：“太宰知我乎。吾少也贱，故多能鄙事。君子多乎哉？不多也。”

Тайзай⁹⁰ Зигонгдан сўради: “Устоз донишмандми? Унинг қобилиятлари не сабабдан бунчалик кўп қирралаи?” Зигонг деди: “Асли, Осмон уни донишманд этиб унга кўп қирралаи истеъдодлар ато этган”. Устоз бу сўзларни эшитиб деди: “Тайзай мени қаердан ҳам биларди? Мен болалик чоғимда камбағалликда ҳаёт кечирганлигим сабабли, қўлимдан кўплаб арзимас майда хунарлар келган. Олижаноб инсон бунчалик кўп аҳамиятсиз хунарларга эга бўлиши мумкинми? Йўқ, бунчалик кўп бўлиши мумкин эмас”.

(7) 牢曰：“子云：吾不试，故艺。”

Зилао⁹¹ деди: “Устоз шундай дедилар: “Мени ҳоқимлик хизматиға олмаганлар. Шунинг учун мен бошқа хунарларни ҳам ўрганишға мажбур бўлганман”.

(8) 子曰：“吾有知乎哉？无知也。有鄙夫问于我，空空如也，我叩其两端而竭焉。”

Устоз деди: “Менинг билимим борми? Аслида йўқ. Лекин агарда бирор-бир қишлоқлик киши менга савол берса, унинг саволи борасида ҳеч нарса билмасам ҳам,

⁹⁰ Тайзай (太宰 taizai) – ҳоким саройи масалалари билан шуғуланувчи амалдорлик лавозими. Айрим манбаларда бу ерда У ҳокимлигидан Тайзай Бо назарда тутилган дейилган, лекин бу аниқ эмас.

⁹¹ Зилао (子牢 Zilao) – Конфуцийнинг шогирди. Шарифи Чин (琴 Qin), исми Лао (牢 Lao).

мен саволни икки томонлама кўриб чиқа оламан ва унга жавобини айтиб бераман”.

(9) 子曰：“凤鸟不至，河不出图，洛不出书，吾已矣夫！”

Устоз деди: “Қақнус⁹² учиб келмаса, Хуангхэ дарёсидан елкасида фол ёзувлари туширилган аждаҳо-от⁹³ ҳам чикмаса, менинг бу ҳаётим ниҳоясига етди деб кўрқаман”.

(10) 子见齐衰者、冕衣裳者与瞽者，见之，虽少必作，过之，必趋。

Устоз мотам либосига бурканган кишини, амалдорлик либоси ёки маросим қалпоғи кийган кишини ёки бўлмаса, кўзи сўқир кишини кўрганида, санаб ўтилган кишилар ўзларига нисбатан ёш бўлсалар-да, албатта, ўрнидан турарди. Тўсатдан бундай кишилар билан юзма-юз келиб қолса, қадамини тезлатарди.

(11) 颜渊喟然叹曰：“仰之弥高，钻之弥坚，瞻之在前，忽焉在后。夫子循循然善诱人，博我以文，约我以礼。欲罢不能，既竭吾才，如有所立卓尔。遂欲从之，末由也已。”

Ян Юан хўрсиниб деди: “Устознинг таъли-мотига бошимни кўтариб қанча боксам, шунча баланд бўлиб кўринаверади. Қанча ичига кириб борсам, шунчалик

⁹² Қақнус – қадимги Хитойнинг рамзий куши бўлиб, унинг учиб келиши Дунёда тинчлик бўлишини англатган.

⁹³ Афсонага кўра Фуси (伏羲 Fuxi) (Қадимги Хитойда кишиларга тўр тўқиш, балиқ овлаш, чорвачилик билан шуғулланишни ўргатган афсонавий шахс) даврида Хуангхэ дарёсидан орқасида фол ёзувлари туширилган аждаҳо-от чикқан ва бунда тез орада донишманд қиролнинг дунёга келиши башорат қилинган экан.

чуқурлашиб бораверади. Бир қарасам худди рўпарамда тургандай бўлади ва тўсатдан яна орқамга ўтиб қолади. Устоз бизни қадам-бақадам илҳомлантириб боради. У мумтоз асарлар ёрдамида билимимни бойитади, ахлоқ қоидалари билан ҳаракатларимни жиловлайди. Мен олға қадам ташлашни тўхтатмоқчи бўламану, лекин бор истеъдодимни бериб тугатмагунча бундай йўл тута олмайман. Устознинг йўли худди қаршимда турган баланд бир қояга ўхшайди. Мен унга тиришиб-тирмашиб чиқиб олишни истайману, лекин бунинг уддасидан чиқа олмаяпман”.

(12) 子疾病，子路使门人为臣。病闲，曰：“久矣哉，由之行诈也。无臣而为有臣，吾谁欺，欺天乎？且予与其死于臣之手也，无宁死于二三子之手乎？且予纵不得大葬，予死于道路乎？”

Устоз оғир бетобланиб қолди. Зилу унинг дафн маросимига тайёргарлик кўриш учун шогирдларини Устознинг шахсий амалдори қилиб ишлатди. Устознинг касали енгиллашгач, у булардан хабар топиб шундай деди: “Жонг Йоунинг ҳаракати фирибдан бошқаси эмас! Менинг уй бошқарувчим йўқ, лекин бордай кўрсатиш орқали мен кимни алдайман? Осмонни алдайманми? Бундан ташқари, мен дафн маросимини бошқарадиган шахсий амалдор қўлида ўлганимдан кўра, мана шу сиз шогирдларимнинг қўлида жон беришни афзал кўраман. Агар амалдорларнинг дабдабали дафн маросимига мувофиқ дафн этила олмасам-да, мабодо йўлда ўлиб қолсам, мени ерга кўмадиган одам топилади!”

(13) 子贡曰：“有美玉于斯，温椟而藏诸？求善贾而沽诸？”子曰：“沽之哉，沽之哉！我待贾者也。”

Зигонг деди: “Менинг бир бўлак нефрит тошим бор. Уни қутига солиб қўйсаммикан ёки нарсанинг кадр-қимматини тушунадиган савдогарга сотиб юборсаммикан?” Устоз деди: “Сотиб юборавер! Сотиб юборавер! Мен ҳам кадр-қимматни тушунадиган одамни ҳамон кутаман”.

(14) 子欲居九夷。或曰：“陋，如之何？”子曰：“君子居之，何陋之有？”

Устоз жиюй⁹⁴лар билан яшашни истади. Ундан сўрадилар: “Уларнинг маданияти колоқ-ку, у ерда қандай яшайсиз?” Устоз: “Илғор, олижаноб инсон қаерда макон истамасин, у ерда ҳам илғор, олижаноб бўлиб қолаверади?” – деб жавоб берди.

(15) 子曰：“吾自卫反鲁，然后乐正，雅颂各得其所。”

Устоз деди: “Мен Вэй ҳокимлигидан Лу ҳокимлигига қайтгач, мусиқа бандларига тузатишлар киритдим. “Қасида” ва “Мадҳия” мусиқаларининг ҳар бирини мувофиқ тарзда жойлаштирдим”.

(16) 子曰：“出则事公卿，入则事父兄，丧事不敢不勉，不为酒困，何有于我哉？”

Устоз деди: “Ташқарида ҳукмдор ва амалдорларга хизмат қилиш, уйда эса ота-она ва ака-укаларга хизмат қилиш, дафн маросимида фидокорлик кўрсатиш,

⁹⁴ Жиюйи (九夷 jiuyi) – қадимги Хитойда шарқий кам сонли миллатларга нисбатан қўлланилган ном. Жиюйилар Хуайхэ ва Сихэ дарёлари оралигида, Чи ва Лу ҳокимликларининг шимолий чегараларида яшаганлар.

шароб ичиб маст бўлмаслик мумкин-ку, бунинг нима кийинчилиги бор?”

(17) 子在川上曰：“逝者如斯夫，不舍昼夜。”

Устоз дарё кирғоғида туриб, деди: “Тўхтовсиз ўтиб бораётган вақт ана шу дарёнинг сувига ўхшайди. У куну тун тинимсиз оқиб ўтаверади”.

(18) 子曰：“吾未见好德如好色者也。”

Устоз деди: “Тўзалликни севгани каби инсондаги яхши фазилатларни ҳам севадиган кишини учратмадим”.

(19) 子曰：“譬如为山，未成一簣，止，吾止也。

譬如平地，虽覆一簣，进，吾往也。”

Устоз деди: “Мисол учун дўнглик ҳосил қилишга бир саватгина тупроқ етишмаётган бўлса-да, ишдан тўхтаб қолишим бу менинг ўзимгагина боғлиқ. Мисол учун, агар ерни текислаш учун яқиндагина бир сават тупроқ тўкилган бўлса-да, олға давом этишим менинг ўзимгагина боғлиқ”.

(20) 子曰：“语之而不惰者，其回也。”

Устоз деди: “Мен билан суҳбатлашаётганда, совуқ-қонлик кўрсатмасдан, мени жону дили билан тинглаган фақат Ян Хуй бўлса керак!”

(21) 子谓颜渊曰：“惜乎！吾见其进也，未见其止也。”

Устоз Ян Юан тўғрисида шундай деди: “Шундай инсоннинг оламдан ўтгани нақадар ачинарли! Мен унинг тинимсиз олға интилаётганини кузатдим, тўхтаганини эса асло кўрмадим”.

(22) 子曰：“苗而不秀者有矣夫，秀而不实者有矣夫。”

Устоз деди: “Экин-тикинлар куртак отиб, лекин гулламаслиги учраб туради. Гуллаб, хосил бермаслиги холати ҳам учраб туради”.

(23) 子曰：“后生可畏。焉知来者之不如今也？

四五十而无闻焉，斯亦不足畏也已。”

Устоз деди: “Ёшларимиз хурмат қилишга арзийдилар, лекин улардан ҳадиксирашга ҳам арзийдилар. Қайдан биламиз, балки улар келажакда бизлардан ҳам яхшироқ бўларлар? Агар киши қирқ-эллик ёшга етиб ҳам билим жиҳатдан унинг яхши номи чиқмаса, у кўрқув ва хурматга арзимайди”.

(24) 子曰：“法语之言，能无从乎？改之为贵。

巽与之言，能无说乎？绎之为贵。说而不绎，

从而不改，吾未如之何也已矣。”

Устоз деди: “Ҳақ сўзга қандай қулоқ тутмаслик мумкин? Қулоқ солгач хатони тузатсақкина, бу сўз қимматга эгадир. Мақтов сўзга қандай қувонмаслик мумкин? Лекин қулоққа ёқадиган сўзни таҳлил қилсақкина, у қимматга эгадир. Фақат қувониб қолиб мулоҳаза юритмаса, қулоқ солиб хатоларни тузатмаса, мен бундай киши учун ҳеч нарса дея олмайман”.

(25) 子曰：“主忠信，毋友不如己者，过则勿惮改。”

Устоз деди: “Самимийлик ва ишончлиликни устун билиш; ахлоқан ўзидан паст кишилар билан дўст тутинмаслик; хатоликка йўл қўйса, уни тўғрилашдан кўрқмаслик лозим”.

(26) 子曰：“三军可夺帅也，匹夫不可夺志也。”

Устоз деди: “(37500 аскарлик) Ҳарбий қўшин лашкарбошисини мансабдан айириш мумкин. Лекин оддий бир кишининг мақсад ва интилишларидан зўрлик билан воз кечириб бўлмайди”.

(27) 子曰：“衣敝韞袍，与衣狐貉者立，而不耻者，其由也与？不祈不求，何用不臧。”子路终身诵之。

子曰：“是道也，何足以臧？”

Устоз деди: “Ўзи уводаси чиқиб кетган жулдур кийиниб олиб, тулки ва енот мўйнали халат кийган кишиларнинг олдида туришни иснод деб билмаган фақат Жонг Йоу бўлса керак?”

“Бўлмаса ҳасадгўй ва очкўз,
Уни ёмон дейиш ножоиз”.

Зилу Устознинг бу сўзларини эшитиб, шу икки мисрани доим такрорлаб юрадиган бўлибди. Шунда Устоз деди: “Фақат шуни бажара олса, бу яхши дейишга етарлимикан?”

(28) 子曰：“岁寒，然后知松柏之后凋也。”

Устоз деди: “Қаҳратон қиш фасли етиб келганидагина, қарағай ва сарв дарахтлари энг сўнги баргларини тўкадилар”.

(29) 子曰：“知者不惑，仁者不忧，勇者不惧。”

Устоз деди: “Ақлли одам саросимага тушмас, инсонпарвар одам ҳасрат қилмас, жасур одам ҳадиксирамас”.

(30) 子曰：“可与共学，未可与适道；可与适道，未可与立；可与立，未可与权。”

Устоз деди: “Биргаликда билим олиш мумкин бўлган киши билан бирга ҳақ йўлга интилиш мумкинлиги даргумон. Биргаликда ҳақ йўлга интилиш мумкин бўлган киши билан бирга шу йўлда мустаҳкам ўрнашиб олиш мумкинлиги ҳам даргумон. Биргаликда ҳақ йўлда мустаҳкам ўрнаша олиш мумкин бўлган киши билан бирга тўғри ва нотўғрини тарозига кўя олиш ҳам даргумон”.

(31) 唐棣之华，偏其反而。岂不尔思，是室远而。子曰：“未之思也。夫何远之有！”

“Олхўри гуллади, тебранади унинг учаётган гул япроқлари,

Мен сени соғинаман, фақат маконинг жуда олисда”.

Устоз деди: “Бу соғинч эмас. Агар ҳақиқатда соғинса, масофа олис бўлиши мумкинми?”

乡党⁹⁵第十

Х. Устоз она-ерида

(1) 孔子于乡党，恂恂如也，似不能言者。其在宗庙朝廷，便便言。唯谨尔。

Устоз ўзининг она-ерида худди сўзлашни билмайдиган кишидай ювош кўринарди. Ибодатхона ва саройда эса у жуда сўзамол кўринарди. Фақат сўзларига эҳтиёткор эди.

⁹⁵ Қадимги Хитойда 500 оилалик маъмурий худуд “данг” (党 dang) деб юритилган.

(2) 朝，与下大夫言，侃侃如也，与上大夫言，
诤诤如也。君子，椒错如也，与与如也。

Устоз ҳоким қабулига келганида куйи лавозимдагилар билан сўзлашганда хушмуомала ва қувнок кўринарди. Юқори лавозимдагилар билан сўзлашганда ростгўй ва эҳтиромли кўринарди. Ҳукмдорнинг қошида устоз янада эҳтиромли ва кўнгли нотинчдай туйиларди. Шошмасдан хотиржамлик билан қадам босарди.

(3) 君召使摈，色勃如也，足攫如也。揖所与立，
左右手，衣前后，谥如也。趋进，翼如也。宾退，
必复命，曰：“宾不顾矣。”

Ҳоким Устозга меҳмонларни кутиб олишни буюрганида унинг юз ифодаси бирдан жиддийлашарди. Қадам босиши ҳам тезлашарди. Устоз ўзи билан бирга турган меҳмонларни кутиб оладиган амалдорларга таъзим қилиб, чап ёки ўнг томонга қўлларини кўкраги томон бирлаштириб саломлашарди. Бунда унинг либоси олди-орқага силкиниб жуда саранжом кўринарди. Олдинга тез-тез қадам босган пайтида қанотини ёйиб турган қушга ўхшарди. Меҳмонлар кетишгач, у, албатта, ҳокимга ҳисобот топшириб: “Меҳмонлар олислаб кетишди”, – дерди.

(4) 入公门，鞠躬如也，如不容。立不中门，行不履闕。
过位，色勃如也，足攫如也，其言似不足者。
摄齐升堂，鞠躬如也，屏气似不息者。出，降一等，
逞颜色，怡怡如也。没阶趋，翼如也，复其位，
椒措如也。

Устоз сарой дарвозаларидан кираётганида таъзим қилаётгандай эгилиб кирарди. Худди дарвозадан унинг бир қисми сиғмай қоладиганга ўхшарди. Устоз

дарвозанинг ўртасида турмас, кираётганида остонани босмасди. Ҳокимнинг тахтига яқинлашганида юз ифодаси бирдан жиддийлашар, қадам босиши тезлашарди. Гапирганида худди сўзлар етмаётгандай туйиларди. У этагини кўтариб залга кўтарилаётган пайтида жуда хушёр кўринарди. Ҳаво етишмай нафас ололмаётгандай туйиларди. Қайтиб чиқаётиб биринчи зинани босиши билан юз ифодаси шундагина ростланар, мулойим қиёфа пайдо бўларди. Зинапоядан тушиб бўлгач, қанот ёйган куш сингари тез юриб борар, ўз ўрнига қайтгач, эҳтиромли, лекин нотинч кўринарди.

(5) 执圭，鞠躬如也，如不胜。上如揖，下如授，
勃如战色，足缩缩，如有循。享礼，有容色。私覿，
愉愉如也。

Устоз элчи бўлиб қўшни ҳокимликка борганида маросим пайтида салтанат ҳассасини ушлаб, худди ҳассани кўлидан тушириб юборадигандай жуда хушёр турар, ҳассани таъзим қилаётган сингари кўтариб олар, бошқасига узатаётган сингари пастга туширарди. Ўша пайт юз ифодаси жанг қилаётгандай жиддий тус олар, бир чизикнинг устида юраётгандай кичик-кичик қадам ташлаб борарди. Совға бериш маросимида чехрасида хушмуомалалик барқ уриб турарди. Қўшни ҳокимлик ҳукмдори билан яккама-якка учрашувларда хотиржам ва қувноқ кўринарди.

(6) 君子不以绀緌饰，红紫不以为褻服。当暑，袵絺綌，必表而出之。缁衣羔裘，素衣霓裘，黄衣狐裘。裘裘长，短右袂。必有寝衣，长一身有半。狐貉之厚居。去丧无所不佩。非帷裳，必杀之。羔裘玄冠不以吊。吉月，必朝服而朝。

Олижаноб инсон тўқ бинафша ранг ва тимқора бинафша ранг матодан жияк тақмайди. Қизил ва сиёхранг матодан уйчилик либос киймайди. Ёзда дағал ёки юпқа матодан тикилган енгил либос кияди. Лекин, устки кийим, албатта, ички кийимнинг устидан кийилиши керак. Қора чакмон билан қора рангдаги кўзичоқ терисидан тикилган чопон, оқ чакмон билан оқ рангдаги ёш шимол буғуси мўйнасидан чопон, сариқ чакмон билан сариқ рангдаги тулки ва енот мўйнасидан чопон мослаб кийилиши керак. Кундалик уйда кийиладиган мўйна чопон бир оз узун қилиб тикилади. Ўнг енгил қисқароқ бўлади. Албатта, ухлаётганда уст ўртинадиган кўрпа бўлиши ва у тананинг ярим узунлигида бўлиши керак. Тулки ва енот терисидан ишланган қалин гиламда ўтириш лозим. Мотам либосини кийиш муддати тугагач, белига турли тақинчоқлар тақиш мумкин. Ҳукмдор қабулига кириш ва қурбонлик тадбирида кийиладиган либослардан бошқа барча маросим кийимлари бичиб тикилиши керак. Бандалик учун кўнгил сўрашга борганда қора кўзичоқ терили чопон ва қора маросим қалпоғи кийилмайди. Янги йилнинг биринчи куни қабул либосини кийиб ҳукмдорга тиз чўкиб таъзим қилиш учун бориш лозим.

(7) 齐，必有明衣。齐必变食，居必迁坐。

Устоз рўза тутган пайтида, албатта, зиғирпоя тола матосидан тикилган чўмилиш либоси бўларди. Рўза

вақтида истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзгартирарди ҳамда, албатта, ётоқхонасидан кўчиб бошқа хонада яшаб турарди.

(8) 食不厌精，脍不厌细。食噎而渴，鱼馁而肉败，不食。色恶，不食。失饪，不食。不时，不食。割不正，不食。不得其酱，不食。肉虽多，不使胜食气。惟酒无量，不及乱。沽酒市脯不食。不撤姜食。不多食。

Устоз озиқ-овқатнинг сараланмаганидан, балиқ ва гўштнинг ингичка тўғралмаганидан норозилик билдир-масди. Маҳсулот узоқ вақт туриб бадбўй исчиқараётган, балиқ ва гўшт айниб қолган бўлса, уни истеъмол қилмас, овқат маромида пишириб тайёрланмаган бўлса, емас эди. Ҳали тамадди вақти бўлмаса, овқатланмас эди. Маълум бир усул бўйича бўлақларга ажратилмаган гўшти емас, муайян бир таъмга эга бўлмаган қайлани истеъмол қилмас эди. Зиёфатда гўшт кўп бўлса ҳам, лекин еган гўшти овқатнинг ҳажмидан ошмас эди. Фақат шароб ичишда ўзини чегараламас эди, лекин маст ҳам бўлиб қолмас эди. Бозордан сотиб олинган шароб ва қуритилган гўшти истеъмол қилмас эди. Овқатланиб бўлгач, занжабил емасдан қаноатланмасди, лекин ундан кўп микдорда тановул қилмас эди.

(9) 祭于公，不宿肉。祭肉，不出三日，出三日，不食之矣。

Устоз ҳукмдорнинг қурбонлик келтириш маросимида иштирок этиб олган қурбонлик гўштини уйга олиб кетгач, тунга қолдира олмасди. Қурбонлик гўштини сақлаб қўйса, сақлаш муддати уч кундан

ошмас эди. Уч кундан ошган қурбонлик гўштини истеъмол қилмас эди.

(10) 食不语，寝不言。

Овқатланаётган пайтида суҳбатлашмас, ухлаш чоғида гапирмас эди.

(11) 虽疏食菜羹瓜祭，必齐如也。

Тозаланмаган гуруч еб, сабзавотли шўрва ичса ҳам аввалига, албатта, улардан озгина қурбонликка олиб қўярди. Қурбонлик келтириш пайтида юз ифодасида рўзадагидай жиддий эҳтиром акс этарди.

(12) 席不正，不坐。

Қийшиқ солинган бўйрага ўтирмас эди.

(13) 乡人饮酒，杖者出，斯出矣。乡人傺，朝服而立于阼阶。

Қишлоқдошлари ёвуз руҳларни қувиш маросимини ўтказган чоғларида у байрам либосини кийиб шарқий томондаги зинапояда турарди.

(14) 问人于他邦，再拜而送之。

Бирор кимсадан бошқа ҳокимликда яшовчи дўстига ўз саломини етказишни сўраса, у кишини кузатаётиб икки маротаба таъзим қиларди.

(15) 康子馈药，拜而受之。曰：“丘未达，不敢尝。”

Жи Кангзи Устозга дори юборди. Устоз таъзим билан миннатдорчилик билдириб дорини қабул қилди ва деди: “Мен ушбу дорининг хусусиятини билмайман, шунинг учун уни ичишга журъат қила олмайман”.

(17) 廐焚，子退朝，曰：“伤人乎？”不问马。

Устознинг отхонасига ёнгин тушганда у саройдан қайтиб келиши билан: “Ҳеч ким шикастланмадим?” – деб сўради. Отлар ҳақида эса ҳеч нима сўрамади.

(18) 君赐食，必正席先尝之。君赐腥，必熟而荐之。

君赐生，必畜之。伺食于君，君祭，先饭。

Ҳукмдор юборган пишган маҳсулотларни, албатта, аввал тўғри солинган бўйрага ўтириб татиб кўрарди. Ҳукмдор юборган хом маҳсулотларни эса, албатта, пишириб аждодлар руҳига бағишларди. Ҳукмдор юборган жониворни, албатта, боқиб катта қиларди. Ҳукмдорнинг тамадди вақтида таомни аввал Устоз татиб кўрар эди.

(19) 疾，君视之，东首，加朝服掩绅。

Устоз бетоб бўлиб қолиб ҳукмдор уни кўришга келганида қутловни ифода этиш учун бошини шарқ томонга қўйиб ётарди. Сарой либосини устига ташлаб катта камарини ўтказиб кўярди.

(20) 君命召，不俟驾行矣。

Ҳукмдор Устозни чорлаганида у от-аравани қўшиб бўлишларини кутмай, ўзи пиёда юриб кетаверарди.

(21) 入太庙，每事问。

Устоз император аждодлари ибодатхонасига кирганида кўрган ҳар бир нарсасини бошқалардан сўраб-суриштирарди.

(22) 朋友死，无所归，曰：“于我殡。”

Дафн этишга ҳеч кими бўлмаган дўсти вафот этганида: “Дафн ишлари билан мен ўзим шуғулланаман”, – дерди.

(23) 朋友之饋，虽车马，非祭肉，不拜。

Дўстлари инъом этган нарсалар у хоҳ от-арава бўлсин, хоҳ бошқа нарса, фақат курбонлик гўшти бўлмаса, Устоз совғани қабул қилган пайтида таъзим қилмас эди.

(24) 寢不尸，居不容。

Ухлаётган пайтида мурда каби чўзилиб ётмасди. Уйдагилар билан меҳмон сингари жиддий қиёфада ўтирмасди.

(25) 见齐衰者，虽狎必变。见冕者与瞽者，
虽褻必以貌。凶服者式之，式负版者。有盛馔，
必变色而作。迅雷风烈，必变。

Устоз мотам либосидаги кишини учратганида, одатий яқин муносабатда бўлган кишиси бўлса ҳам, чеҳраси жиддийлашарди. Маросим қалпоғидаги киши ва кўзи ожиз инсонга дуч келганда, ҳатто у жуда таниш бўлса ҳам, хушмуомала муносабат кўрсатар эди. От-аравада кетаётиб марҳумнинг кийим ва буюмларини олиб кетаётган кишини учратганида оҳиста эгилиб кўлини араванинг олд кўндаланг харига эгилган ҳолда ҳамдардлик билдирар эди. От-аравада кетаётиб ҳокимлик ҳужжатларини олиб кетаётган кишини учратганида ҳам худди шундай усулда эҳтиромини ифодаларди. Мўл-кўл дастурхонни кўрганида юз ифодаси ўзгариб, албатта, ўрнидан туриб оларди. Момақалди роқ, бўрон бўлганида юз ифодаси ўзгарарди.

(26) 升车，必正立执绥。车中，不内顾，不疾言，不亲指。

Устоз аравага чиқаётган пайт, албатта, аввал гавдасини тўғри тутиб оларди. Сўнг камар тутқичга таяниб чиқарди. Аравада ўтирганида бошини ўгириб қарамасди, жуда ҳам тез гапирмасди, қўли билан йўл кўрсатмасди.

(27) 色斯举矣，翔而后集。曰：“山梁雌雉，时哉时哉！”子路共之，三嗅而作。

Устоз тоғ дарасида юриб бораётганида бир тўда қирғовулнинг учиб юрганини кўриб, юз ифодаси бирдан ўзгарди. Қушлар бир айланиб дарахтга қўнғач, устоз деди: “Мана бу тоғлик она қирғовуллар хатарни билиб учиб келишди. Замоннинг руҳиятини тушунадилар-а! Замоннинг руҳиятини тушунадилар-а!” Зилу уларни қаршилаб қўл силкитганида қирғовуллар бирдай овоз чиқариб, яна учиб кетадилар.

先进第十一 XI. Аввал ўрганиб

(1)子曰：“先进于礼乐，野人也。后进于礼乐，君子也。如用之，则吾从先进。”

Устоз деди: “Аввал ахлоқ қоидалари ва мусиқани ўрганиб, кейин мансабдор бўлган одам оддий халқдан чиққан кишидир. Аввал мансабдор бўлиб, кейин ахлоқ қоидалари ва мусиқани ўрганган одам ҳукмдордир. Агар мен давлат хизмати учун истеъдодларни танлаганимда, мен аввал ахлоқ қоидалари ва мусиқани ўрганган инсонни танлаган бўлардим”.

(2) 子曰：“从我于陈蔡者，皆不及门也。”

Устоз деди: “Чэн ҳокимлигидан Цай ҳокимлигигача очлик ва укубатда менга ҳамроҳ бўлган инсонлар ҳозир менинг ёнимда эмаслар”.

(3) 德行：颜渊、闵子骞、冉伯牛、仲弓；言语：

宰我、子贡；政事：冉有、季路；文学：子游、子夏。”

Конфуцийнинг яхши фазилатли шогирдлари: Ян Юан, Мин Зичиян, Ран Бонию, Жонг Гонг; нотик шогирдлари: Зай Во, Зигонг; сиёсий ишларда қобилият эгалари: Ран Йоу, Жи Лу (Зилу); қадимий мумтоз асарларнинг билимдонлари: Зийоу, Зися бўлган.

(4) 子曰：“回也，非助我者也。于吾言无所不说。”

Устоз деди: “Ян Хуй менга кўмакдош одам эмас. Чунки у менинг гапларимга ҳеч қачон қарши фикр билдирмайди”.

(5) 子曰：“孝哉，闵子骞。人不间于其父母昆弟之言。”

Устоз деди: “Мин Зичиян ота-онасига ҳақиқий эҳти-ромли фарзанд. Унинг ота-онаси, ака-укалари томонидан айтилган мақтов сўзларга ўзгалар ҳеч қандай эътироз билдира олмайдилар”.

(6) 南容三复白圭，孔子以其兄之子妻之。

Нан Ронг “оқ нефрит тошли салтанат ҳассаси” тўғри-сидаги мисраларни кўп маротаба такрорларди. Шу боис Устоз акасининг қизини унга турмушга беради.

(7)季康子问：“弟子孰为好学？”孔子对曰：“有颜回者好学，不幸短命死矣。今也则亡。”

Жи Кангзи сўради: “Шогирдларингиз ичида қай бири билим олишга ғайратлироқ?” Устоз жавоб берди: “Ян Хуй исмли шогирдим билим олишга энг тиришқоғи эди. Бахтга қарши унинг умри қисқа бўлди. Ҳозиргилари ичида ундайи йўқ”.

(8)颜渊死，颜路请子之车以为之椁。子曰：“才不才，亦各言其子也。鲤也死，有棺而无椁。吾不徒行以为之椁。以吾从大夫之后，不可徒行也。”

Ян Юан вафот этди. Ян Лу⁹⁶ Устоздан аравани сотиб Ян Юан учун тош тобут сотиб олишни илтимос қилди. Устоз деди: “Хоҳ истеъдодли бўлсин, хоҳ истеъдодсиз, ҳамма ўзининг ўғли учун қайғуради. Ли⁹⁷ дунёдан кўз юмганида уни оддий тобутда дафн этган эдик. Мен унга тош тобут олиш учун аравадан кечиби пиёда юра олмайман. Чунки мен қачонлардир амалдор бўлганман, шу туфайли менга пиёда юриш мумкин эмас”.

(9) 颜渊死，子曰：“噫！天丧予！天丧予！”

Ян Юан вафот этди. Устоз нидо қилди: “Эй Худо, кошки менинг жонимни олсанг эди! Менинг жонимни олсанг эди!”

⁹⁶ Ян Лу (颜路 Yan Lu) – Ян Юаннинг отаси. У ҳам Конфуцийнинг шогирди. Исми Уйюу (无繇 Wuyou).

⁹⁷ Конг Ли (孔鲤 Kong Li) – Конфуцийнинг ўғли. Тахаллуси Бюй (伯鱼 Boyu). У 50 ёшда вафот этган чоғда Конфуций 70 ёшда бўлган.

(10) 颜渊死，子哭之恸。从者曰：“子恸矣。”曰：“有恸乎？非夫人之为恸而谁为？”

Ян Юан вафот этган чоғида Устоз ниҳоятда ғам-алам билан кўз ёши тўкди. Унинг ортидан келаётган киши деди: “Сиз жуда кўп қайғуряпсиз”. Устоз деди: “Бу қайғуриш эмас? Агар мен бундай инсон учун қайғурмасам, ким учун ҳам қайғураман?”

(11) 颜渊死，门人欲厚葬之。子曰：“不可。”门人厚葬之。子曰：“回也视予犹父也，予不得视犹子也。非我也，夫二三子也。”

Ян Юан вафот этгач, Конфуцийнинг шогирдлари уни дабдаба билан дафн этмокчи бўлдилар. Шунда Устоз деди: “Бундай қилиб бўлмайди”. Лекин унинг шогирдлари бари бир дабдаба билан марҳумни дафн этдилар. Устоз деди: “Ян Хуй мени ўз отасидай кўрарди. Мен эса унга ўз ўғлимадай муносабатда бўла олмадим. Бу менинг хатойим эмас, балки сизларникидир, ўғилларим!”

(12) 季路问事鬼神。子曰：“未能事人，焉能事鬼？”“敢问死？”曰：“未知生，焉知死？”

Жи Лу жин ва руҳларга қандай хизмат қилиш кераклигини сўради. Устоз деди: “Инсонларга ҳали яхши хизмат қила олмасдан туриб, қандай қилиб руҳларга яхши хизмат қилишни ўрганиш мумкин?” Жи Лу яна сўради: “Ўлим нима эканлигини сўрашга жазм этдим”. Устоз деди: “Туғилишни нима эканлигини тушунмаймизу, ўлимни қайдан ҳам англардик?”

(13) 闵子伺侧， 咻咻如也。子路，
行行如也。冉有、子贡， 侃侃如也。子乐：
“若由也， 不得其死然。”

Мин Зичиян Устознинг ҳузурида ўзини ростгўй ва хушмуомала тутарди. Зилу катъиятли, Ран Йоу, Зигонг мулойим ва қувноқ кўринардилар. Устоз бундан жуда мамнун эди. Лекин Устоз шундай деди: “Бунақада Жонг Йоу (Зилу) ўз ажали билан ўлмади деб кўркаман”.

(14) 鲁人为长府， 闵子骞曰：
“仍旧贯， 如之何？ 何必改作。”子曰：“夫人不言，
言必有中。”

Лу ҳокимияти тепасида турган амалдорлар Чангфу номидаги ҳокимлик хазинаси биносини қайта кура бошладилар. Мин Зичиян деди: “Аввалгидай тураверса нима бўларди? Қайта қуриш шартмиди?” Устоз деди: “Бу инсон (Мин Зичиян) жуда камсуқум. Лекин бир гапирса мўлжалга аниқ тегади”.

(15) 子曰：“由之瑟， 奚为于丘之门？”
门人不敬子路。子曰：“由也升堂矣， 未入于室也。”

Устоз деди: “Жонг Йоу, нима учун менинг уйимда цитра (мусиқа чолғу асбоби) чалаяпсан?” Конфуцийнинг шогирдлари шундан кейин Зилуни ҳурмат қилмай қўйишди. У янада изоҳлаб деди: “Жонг Йоу билим олишда залга кўтарилиб чиқа олди. Лекин ҳали ички хоналарга етиб борганича йўк”.

(16) 子贡问：“师与商也孰贤？”子曰：“师也过，
商也不及。”曰：“然则师愈与？”子曰：“过犹不及。”

Зигонг сўради: “Зижанг ва Зися, бу иккисининг қай бири яхшироқ?” Устоз деди: “Зижанг иш бажаришда

ошириб юборади. Зися эса ишини тугаллашга улгурмайди”. Зигонг деди: “У холда Зижанг яхшироқ эканда?” Устоз деди: “Ошириб юбориш ва улгурмаслик бирдай ёмондир”.

(17)季氏富于周公，而求也为之聚敛而附益之。子曰：“非吾徒也。小子鸣鼓而攻之可也。”

Жи Ши Жоу Гонгдан ҳам бадавлатроқ эди. Бундан ташқари, Ран Чию унга талончиликда кўмаклашиб, Жи Шининг бойлигини кўпайтириб берарди. Устоз деди: “Ран Чию энди менинг шогирдим эмас! Сизлар унга ҳамма ерда хужум қилишингиз мумкин!”

(18)柴也愚，参也鲁，师也辟，由也谚。

Гао Чай⁹⁸ содда, Зэнг Шэн калтафаҳм, Жуан Сунши чўрткесар, Жонг Йоу эҳтиётсиз бўлган.

(19)子曰：“回也其庶乎。屡空。赐不受命，而货殖焉，亿则屡中。”

Устоз деди: “Ян Хуйнинг ахлоқий фазилати баркамолликка деярли етган, лекин унинг хаёти қашшоқликда ўтди. Дуанму Ци эса Осмоннинг иродасига бўйсунмайди ва у савдо-сотик билан шуғулланади. Унинг тахмин-фаразлари тўғри чиқади”.

(20)子张问善人之道。子曰：“不践迹，亦不入于室。”

Зижанг қандай одам яхши инсон ҳисобланишини сўради. Устоз деди: “У (яхши одам) олдинда кетаётган кишининг оёқ изларини босмасдан юради. Таълим олиш ва ахлоқий фазилатда эса мукамалликка чуқур етиб бормади”.

⁹⁸ Гао Чай (高柴 Gao Chai) – Конфуцийнинг шогирди. Тахаллуси Зигао (子羔 Zigao).

(21) 子曰：“论笃是与？君子者乎，色庄者乎？”

Устоз деди: “Ҳақ мулоҳазаларни маъқулловчи кишиларни ҳақиқий олижаноб инсон деса бўладими? Ёки у фақат ташки томондан шундай жиддиймикан?”

(22) 子路问：“闻斯行诸？”子曰：“有父兄在，如之何闻斯行之？”冉有问：“闻斯行诸？”子曰：“闻斯行之。”公西华曰：“由也问闻斯行诸，子曰有父兄在。求也问闻斯行诸，子曰闻斯行之。赤也惑，敢问。”子曰：“求也退，故进之；由也兼人，故退之。”

Зилу сўради: “Нимани эшитсам шуни дарҳол амалга оширишим керакми?” Устоз деди: “Отанг, аканг ҳаёт, қандай қилиб эшитганингни ўзинг дарҳол бажарасан?” Ран Йоу сўради: “Эшитганимни дарҳол амалга оширишим керакми?” Устоз деди: “Ҳа, эшитганингни дарҳол бажар!” Гонгси Хуа деди: “Жонг Йоу: “Эшитганимни бажарайми?”, – деб сўраганида, сиз: “Отанг, аканг тирик”, – деб жавоб қилдингиз. Ран Йоу: “Эшитганимни дарҳол бажарайми?” – деб сўраганида, “Эшитганингни дарҳол амалга ошир!”, – деддингиз. Мен бунга тушунмай иккиланиб қолдим. Ва сиздан икки хил жавобингизнинг сабабини сўрашга жазм қиламан”. Устоз деди: “Ран Чию иш бажарганда орқага чекинади. Шунинг учун мен унинг дадил ҳаракат қилишига рағбатлантиряпман. Жонг Йоу эса ўта жасоратли одам. Шунинг учун мен унинг ҳовурини босиб туришим керак”.

(23) 子畏于匡，颜渊后。子曰：“吾以汝为死矣。

”曰：“子在，回何敢死？”

Куангликлар Устозни озод қилгач, Ян Юан ғойиб бўлганидан сўнг у ватанига энг охирги бўлиб етиб келди. Шунда Устоз деди: “Мен сени ҳалок бўлгансан

деб ўйлабман”. Ян Юан деди: “Сиз ҳали ҳаётсиз-ку, мен қандай қилиб ўлишга жазм этай”.

(24) 季子然问：“仲由、冉求，可谓大臣与？”子曰：“吾以子为异之问，曾由与求之问。所谓大臣者，以道事君，不可则止。今由与求也，可谓具臣矣。”曰：“然则从之者与？”子曰：“弑父与君，亦不从也。”

Жи Зиран⁹⁹ сўради: “Жонг Йоу, Ран Чиюни буюк амалдорлар деб ҳисоблаш мумкинми?” Устоз деди: “Сиз мендан бошқа кишилар ҳақида сўрайсиз деб ўйлабман, сиз эса Жонг Йоу ва Ран Чию тўғрисида сўрадингиз. Буюк амалдор номига лойиқ инсонлар ҳукмдорга виждонан хизмат қиладилар. Башарти бунӣ бажара олмас эканлар, ўз лавозимларидан воз кечишни афзал кўрадилар. Ҳозирда Жонг Йоу ва Ран Чию ҳеч қандай мавқега эга бўлмаган оддий амалдорлар ҳисобланадилар”. Жи Зиран сўради: “Демак, улар Жи қавмига батамом бўйсунадиларми?” Устоз деди: “Уларга отаси ва ҳукмдорнинг жонига қасд қилишни буюрсалар, бунақа буйруққа асло итоат этмайдилар”.

(25) 子路使子羔为费宰，子曰：“贼夫人之子。

”子路曰：“有民人焉，有社稷焉。何必读书，然后为学。”子曰：“是故恶夫佞者。”

Зилу Зигаони Ми ноҳияси бошлиғи қилиб юборади. Устоз: “Бировнинг боласини жувонмарг қияпсизлар”, – деди. Зилу: “У ерда оддий халқ бор, ер-тупроқ руҳи ва ғалла руҳларининг меҳроблари бор. Маълумотли ҳисобланиш учун китоб ўқиш шартми?” – дея

⁹⁹ Жи Зиран (季子然 Ji Ziran) – Лу ҳокимлигидан бўлиб, у Жи Шининг қавмидан.

норозилик билдирди. Устоз деди: “Шунинг учун ҳам сендай тили узунларни ёмон кўраман-да!”

(26) 子路、曾皙、冉有、公西华伺坐，子曰：

“以吾一日长乎尔，毋吾以也。居则曰：不吾知也。如或知尔，则何以哉？”子路率尔对曰：“千乘之国，摄乎大国之间，加之以师旅，因之以饥馑，由也为之，比及三年，可使有勇，且知方也。”夫子哂之：“求，尔何如？”对曰：“方六七十，如五六十，求也为之，比及三年，可使足民。如其礼乐，以俟君子。”“赤，尔何如？”对曰：“非曰能之，愿学焉。宗庙之事，如会同，端章甫，愿为小相焉。”“点，尔何如？”鼓瑟希，铿尔，舍瑟而作，对曰：“异乎三子者之撰。”子曰：“何伤乎？亦各言其志也。”曰：“暮春者，春服既成，冠者五六人，童子六七人，浴乎沂，风乎舞雩，咏而归。”夫子喟然叹曰：“吾与点也。”三子者出，曾皙后，曾皙曰：“夫三子者之言何如？”子曰：“亦各言其志也已矣。”曰：“夫子何哂由也？”曰：“为国以礼。其言不让，是故哂之。”“唯求则非邦也与？”“安见方六七十如五六十而非邦也者？”“唯赤则非邦也与？”“宗庙会同，非诸侯而何？赤也为之小，孰能为之大！”

Зилу, Зэнг Си¹⁰⁰, Ран Йоу, Гонг Сихуа Устознинг қошида ўтирганларида, Устоз уларга деди: “Менинг ёшим сизларникидан каттароқ бўлгани учун дилингиздаги гапларни ошкора айта олмай ўтирган бўлманг. Сизлар кўпинча: “Ҳеч ким мени билмайди” – дейсизлар. Агар бирор кимса сизни билса ва хизматга олса, сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?” Зилу паст

¹⁰⁰ Зэнг Си (增皙 Zeng Xi) – Зэнг Шэн (Зэнгзи)нинг отаси. У ҳам Конфуцийнинг шогирди. Исми Диян (点 Dian), тахаллуси Зиси (子皙 Zixi).

овозда, лекин шошилиб жавоб берди: “Мингта жанговар араваси бор бир ҳокимлик катта ҳокимликлар орасида қолиб, ажнабий ҳарбий кўшин томонидан тажовуз остига олинган, устига устак мамлакатда очарчилик ва қурғоқчилик ҳукм сураётган бўлса-ю, бундай ҳокимликни менинг бошқаришимга изн берсалар эди, уч йил ўтар-ўтмас аҳолини жасур ва жанговар ҳолатга келтирар, бурч нималигини тушунадиган қилар эдим”. Устоз кулиб қўйди ва Ран Чиюдан сўради: “Ран Чию, сен нима дейсан?” Ран Чию шундай жавоб берди: “Олтмиш-етмиш ёки эллик-олтмиш ли¹⁰¹лик кичик бир ҳокимликни менга бошқаришга ишониб топширишганда эди, уч йил ўтар-ўтмас халқнинг устини бут қилиб, қорнини тўйғазар эдим. Мамлакатнинг маросим тартиблари ва мусиқасига келсак, буни татбиқ этиш учун олижаноб бир инсон келишини кутишга тўғри келади”. Устоз: “Гонгси Хуа, сен нима дейсан?” – деб сўради. Гонгси Хуа жавоб берди: “Мен бундай ишни бажаришга қобилиятим бор дея олмайман, лекин ўрганишни истардим. Ибодатхонада қурбонлик маросими ўтказилганида ёки ҳокимлик ҳукмдорлари учрашувида маросим либоси ва қалпоғини кийиб олган кичик маросим бошқарувчиси бўлишни хоҳлардим”. Устоз Зэнг Сидан сўради: “Зэнг Диян, сен нима дейсан?” Зэнг Си чалаётган цитранинг товуши секин-аста пасая бошлади. Сўнгиси янграб бўлгач, у цитрани қўйиб, ўрнидан турди ва шундай деб жавоб берди: “Менинг истагим уларникидан фарқли”. Устоз деди: “Бунинг нимаси ёмон, ҳар бири ўз истагини айтяпти, холос”. Зэнг Си деди: “Баҳор фаслининг сўнгида баҳор либосларини кийиш мумкин бўлганда мен ва 5-6

¹⁰¹ Ли (里 li) – узунлик ўлчов бирлиги. 1 ли 0,5 километрга тенг.

нафар йигит, 6-7 болакай билан И дарёсида чўмилсак. Уюй меҳробида сайр қилсак. Кейин йўл бўйи қўшиқ айтиб уйга қайтсак. Мана бу менинг орзуим”. Устоз чуқур хўрсиниб деди: “Мен Зэнг Дияннинг истагини маъқуллаймаман”. Зилу, Ран Йоу, Гонгси Хуа учови чиқиб кетди. Зэнг Си эса қолиб сўради: “Бу уч талабанинг айтган гапларига қандай қарайсиз?” Устоз деди: “Уларнинг ҳар бири ўзининг истақларини айтиб берди, холос”. Зэнг Си: “Нима учун Жонг Йоунинг сўзларига кулдингиз?” Устоз деди: “Ҳоқимликни идора этишда ахлоқ қоидаларига асосланиш керак. Унинг сўзларида эса такаллуф йўқ эди. Шунинг учун кулдим”. Зэнг Си деди: “Ахир Ран Чиюнинг истаги мамлакатни бошқариш эмасми?” Устоз деди: “Қаерда кўргансан олтмиш-етмиш лилик ёки эллик-олтмиш лилик ердан ҳоқимлик бўлганини?” Зэнг Си деди: “Ахир Гонгси Чининг ягона истаги ҳам мамлакатни бошқариш эмасми?” Устоз деди: “Ибодатхонада қурбонлик маросими ўтказиш, бошқа ҳоқимлик ҳукмдорлари билан учрашувлар уюштириш князнинг иши эмасми? Гонгси Чи фақат кичик маросим бошқарувчиси бўлиб ишлай олса, унда ким катта маросим бошқарувчиси бўлади?”

顏淵第十二

ХII. Ян Юан

(1) 顏淵問仁。子曰：“克己復禮為仁。一日克己復禮，天下歸仁焉。為仁由己，而由人乎哉？”顏淵曰：“請問其目。”子曰：“非禮勿視，非禮勿聽，非禮勿言，非禮勿動。”顏淵曰：“回雖不敏，請事斯語矣。”

Ян Юан инсонпарварлик ҳақида сўради. Устоз шундай жавоб берди: “Ўзингни тута билсанг, айтган

сўзинг ва қилган амалларинг ахлоқ қоидаларига мувофиқ келса, бу инсонпарварлик бўлади. Бир кун келиб сўз ва амалингни ахлоқ қоидаларига мувофиқлаштира олсанг, дунё аҳли сени инсонпарвар деб мадҳ этади”. Ян Юан деди: “Илтимоc, инсонпарварлик фазилатини амалга оширишнинг шартларини айтиб беринг бизга”. Устоз деди: “Ахлоқ қоидаларига тўғри келмайдиган нарсаларга қарама; ахлоқ қоидаларига тўғри келмайдиган гапларни эшитма; ахлоқ қоидаларига тўғри келмайдиган сўзларни гапирма; ахлоқ қоидаларига тўғри келмайдиган ишларни қилма”. Ян Юан деди: “Зехним ўткир бўлмаса-да, сизнинг айтган сўзлаингизга амал қиламан”.

(2) 仲弓问仁。子曰：“出门如见大宾，使民如承大祭，己所不欲，勿施于人，在邦无怨，在家无怨。”仲弓曰：“雍虽不敏，请事斯语矣。”

Жонг Гонг инсонпарварлик ҳақида сўраганда, устоз шундай жавоб берди: “Ташқарида ишлаганингда худди қимматли меҳмонларни кутиб олаётгандай жиддий бўл. Халқни ишлатаётганингда худди муҳим қурбонлик маросими учун жавобгардай хушёр бўл. Ўзингга раво кўрмаганингни ўзгаларга ҳам раво кўрма. Ҳокимликда амалдор бўлиб хизмат қилганингда ҳар нарсадан шикоят қилаверма. Катта амалдорнинг ерида ҳам ҳасрат қилаверма”. Жонг Гонг деди: “Зехним ўткир бўлмаса-да, сизнинг шу айтган сўзларингизга амал қиламан”.

(3) 司马牛问仁。子曰：“仁者其言也讷。”曰：“其言也讷，斯谓之仁已乎？”子曰：“为之难，言之，得无讷乎？”

Сима Нию¹⁰² инсонпарварлик ҳақида сўради. Устоз деди: “Инсонпарвар киши сўзларига хушёр бўлади”. Сима Нию деди: “Сўзларига хушёр бўлиш инсонпарварлик демакми?” Устоз деди: “Бажариш қийин бўлса, сўзлашда эҳтиёткор бўлмай иложи борми?”

(4) 司马牛问君子。子曰：“君子不忧不惧。”曰：“不忧不惧，斯谓之君子已乎？”子曰：“内省不疚，夫何忧何惧？”

Си Манию олижаноб инсон қандай бўлишини сўради. Устоз деди: “Олижаноб инсон ғам чекмайди, кўрқув нималигини билмайди”. Си Манию деди: “Ғам чекмаслик, кўрқув ҳис қилмаслик олижаноблик демакми?” Устоз деди: “Ўз ҳаракатларингни кузатиб дилингда уятли ҳеч нима бўлмаса, яна нимадан ҳам ғам чекасан, нимадан кўрқасан?”

(5) 司马牛忧曰：“人皆有兄弟，吾独亡。”子夏曰：“商闻之矣，死生有命，富贵在天。君子敬而无失，与人恭而有礼，四海之内，皆兄弟也。君子何患乎无兄弟也。”

Си Манию хасратда, деди: “Ҳаммининг ака-укаси бор. Фақат менда йўқ”. Зися деди: “Айтишларича, туғилиш ва ўлиш тақдир томонидан белгиланса, бойлик ва амалдорлик Осмон томонидан юборилади. Олижаноб инсон иш бажаришда тиришқоқ бўлса, хатоликка йўл қўймаса, кишиларга нисбатан эҳтиромли ва мулозаматли бўлса, дунё аҳли унга оға-

¹⁰² Сима Нию (司马牛 Sima Niu) – Конфуцийнинг шогирди. Шарифи Сима (司马 Sima), исми Гэнг (耕 Geng).

инидир. Олижаноб инсон ака-укасининг йўқлигига хасрат чекиши керак эмас.”

(6) 子张问明。子曰：“浸润之譖，肤受之诉，不行焉，可谓明也已矣。浸润之譖，肤受之诉，不行焉，可谓远也已矣。”

Зижанг донишмандлик ҳақида сўради. Устоз деди: “Орқаваротдан тарқалган ғийбатлар ва тўғридан-тўғри қилинган бўҳтонлар сенга ботмаса, сени донишманд деса бўлади. Орқаваротдан тарқалган ғийбатлар ва тўғридан-тўғри қилинган бўҳтонлар сени ранжитмаса, сени узоқни кўра олувчи одам деса бўлади”.

(7) 子贡问政，子曰：“足食，足兵，民信之矣。

”子贡曰：“必不得已而去，于斯三者何先？”曰：

“去食。自古皆有死，民无信不立。”

Зигонг давлат ишларини қандай бошқаришни сўради. Устоз деди: “Озиқ-овқат тўқин, қурол-яроғ етарли, халқнинг эса ҳукуматга нисбатан ишончи бўлиши керак”. Зигонг яна сўради: “Агар шундай зарурат туғилиб мана шу уч хусуснинг биттасидан воз кечиш керак бўлса, қай бирини танлаш мумкин?” Устоз деди: “Қурол-яроғни”. Зигонг сўради: “Агарда шундай зарурат туғилиб икки хусуснинг биридан воз кечиш керак бўлса, қай бирини танлаш мумкин?” Устоз деди: “Озиқ-овқатни. Қадимдан кишилар ажалдан қочиб қутула олмаганлар. Лекин халқнинг ишончини йўқотган мамлакат ўзини тик тутиб тура олмайди”.

(8) 棘子成曰：“君子质而已矣，何以文为？”子贡曰：“惜乎，夫子之说君子也。驷不及舌。文，犹质也；质，犹文也。虎豹之鞞，犹犬羊之鞞。”

Жи Зичэнг¹⁰³ деди: “Олижаноб инсоннинг табиати расо бўлса, унинг маданиятни ўрганиши шартми?” Зигонг деди: “Сиз, устоз, олижаноб инсон ҳақида шундай мулоҳаза юритишингиз жуда ачинарли! Оғиздан чиққан сўзни тўрт уловли арава ҳам қувиб етолмайди. Маданият инсоннинг табиати сингари муҳим, инсоннинг табиати ҳам маданият сингари муҳимдир. Агар йўлбарс ва сиртлондан маданият жунини олиб ташласак, уларнинг териси ит ва қўйнинг терисидан фарқ қилмай қолади”.

(9) 哀公问与有若曰：“年饥，用不足，如之何？”有若对曰：“合彻乎？”曰：“二，吾犹不足，如之何其彻也？”对曰：“百姓足，君孰与不足？百姓不足，君孰与足？”

Ҳоким Лу Ай Йоу Руодан сўради: “Бу йил ҳосил яхши эмас. Ҳаражатларни ёпишга маблағимиз етмайди. Қандай йўл тутсак экан?” Йоу Руо жавоб берди: “Нима учун далалардан фақат ўндан бир миқдорий солиқ олиш тизимини йўлга қўймайсиз?” Ҳоким Лу Ай деди: “Ҳозирда ўндан иккисини ундирияпмиз, лекин бари бир етмаяпти. Бунақада ўндан бир миқдорий солиқ тизимини қандай қилиб йўлга қўямиз?” Йоу Руо деди: “Агар бу халққа етса, қандай қилиб сизга етмаслиги мумкин? Агар халққа етмаса, қандай қилиб сизга етиши мумкин?”

¹⁰³ Жи Зичэнг (棘子成 Ji Zicheng) – Вэй ҳокимлигида хизмат қилган амалдор.

(10) 子张问崇德辨惑。子曰：“主忠信，徙义，崇德也。爱之欲其生，恶之欲其死。既欲其生，又欲其死，是惑也。诚不以富，以祗以异。”

Зижанг қай йўсинда ахлоқий фазилатни юксалтириш ва гумроҳликни аниқлаш мумкинлигини сўради. Устоз деди: “Сен ўзинг учун самимийлик ва ишончни асос деб билсанг, бурчга таяниб иш кўрсанг, фазилатинг юксалади. Бирор кишига муҳаббат қўйиб, унинг узоқ умр кўришини тиласанг ёки бирор кишидан нафратланиб унинг тез орада ўлишини тиласанг, унинг узоқ умр кўришини тилаганинг ҳам, вафот этишини тилаганинг ҳам гумроҳликдир”.

(11) 齐景公问政于孔子。孔子对曰：“君君，臣臣，父父，子子。”公曰：“善哉！信如君不君，臣不臣，父不父，子不子，虽有粟，吾得而食诸？”

Ҳоким Чи Жинг¹⁰⁴ Устоздан давлатни идора этиш ишлари ҳақида сўради. Устоз шундай жавоб берди: “Хукмдор хукмдордай бўлиши, амалдор амалдордай бўлиши, ота – отадай, ўғил – ўғилдай бўлиши керак”. Ҳоким Чи Жинг деди: “Ҳақ гапни айтдингиз! Агар хукмдор хукмдорлигини қилмаса, амалдор амалдорлигини қилмаса, ота – оталигини-ю, ўғил – ўғиллигини қилмаса, гарчи буғдойимиз бўлса ҳам, менга фақат унинг ўзи кифоя қиладими?”

(12) 子曰：“片言可以折狱者，其由也与？”
”子路无宿诺。

Устоз деди: “Бир томоннинг сўзларидан келиб чиқиб хукм чиқариш қобилиятига эга бўлган киши

¹⁰⁴ Ҳоким Чи Жинг (齐景公 Qi Jinggong) – Чи ҳокимлиги хукмдори. М.а. 547–490 йиллари тахтада ўтирган. Исми Чужию (杵臼 Chujiu).

факат Жонг Йоу (Зилу) бўлса керак?” Зилу ваъдасини кўп чўзмасдан бажарарди.

(13) 子曰：“听讼，吾犹人也，必也使无讼乎。”

Устоз деди: “Даъво ишларини кўриб чиқишда мен бошқалар билан бирдай иш юритаман. Лекин даъволашувнинг юзага келишини олдини олган маъқулроқ”.

(14) 子张问政。子曰：“居之无倦，行之以忠。”

Зижанг давлатни идора этиш тўғрисида сўради. Устоз деди: “Мансабдор шахс лоқайд бўлмаслиги керак. У фармойишларни ижро этишда бор кучи, жону дилини бериши лозим”.

(15) 子曰：“博学于文，约之以礼，亦可以弗畔矣夫。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон мумтоз асарларни кенг ўрганиб, ахлоқ қоидалари билан ўзини жиловласа, у ўз қарашларига асло хиёнат қилмайди”.

(16) 子曰：“君子成人之美，不成人之恶。小人反是。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон ўзгаларнинг яхши ишла-рига кўмак беради, ёмон ишларига ёрдам бермайди. Ҳақир одам эса аксинча”.

(17) 季康子问政于孔子。孔子对曰：“政者正也，子帅以正，孰敢不正。”

Жи Кангзи давлатни идора этиш хақида сўради. Устоз жавоб берди: ““Жэнг” (政 *zheng* – идора этиш) айни “жэнг” (正 *zheng* – тўғрилиқ) маъносини беради. Сиз бош бўлиб ҳақ йўлдан юрсангиз, ким шу ҳақ йўлдан юрмасликка журъат эта оларди?”

(18) 季康子患盗，问与孔子。孔子对曰：“苟子之不欲，虽赏之不窃。”

Жи Кангзи ўғрилик кўпайиб кетганлигидан қайғуриб Устоздан қандай йўл тутиш кераклигини сўради. Устоз шундай жавоб берди: “Сиз аввал ўзингиз пулга хирс кўймасангиз, гарчи ўғрилик қилганларни рағбатлантурсангиз ҳам, ҳеч ким ўғрилик қилмайди”.

(19) 季康子问政于孔子曰：“如杀无道，以就有道，何如？”孔子对曰：“子为政，焉用杀。子欲善，而民善矣。君子之德风，小人之德草，草上之风，必偃。”

Жи Кангзи давлатни идора этиш ҳақида Устоздан сўради: “Ўзининг ҳақ йўлидан бормаётган кишини қатл этсак, ҳақ йўлидан бораётган кишилар билан яқин муносабатда бўлсак қандай бўлади?” Устоз жавоб берди: “Сиз ҳокимликни идора этиш йўлида бўйсунмаганларни қатл этишингиз шартми? Сиз ўзингиз эзгу ишлар қилишни истасангиз, аҳоли ҳам ортингиздан эргашиб эзгу ишлар қилади. Комил инсоннинг фазилатини шамолга, ҳақир одамнинг фазилатини майсага қиёслаш мумкин. Шамол ўт-ўланлар узра эсади, шу сабаб майсанинг шамол ортидан эгилиши табиий”.

(20) 子张问：“士何如，斯可谓之达矣。”子曰：“何哉，尔所谓达者？”子张对曰：“在邦必闻，在家必闻。”子曰：“是闻也，非达也。夫达也者，质直而好义，察言而观色，虑以下人。在邦必达，在家必达。夫闻也者，色取仁而行违，居之不疑，在邦必闻，在家必闻。”

Зижанг сўради: “Қандай хислатга эга зиёли киши машхур ҳисобланади?” Устоз деди: “Сен айтаётган

машхурлик нима маънони англатади?” Зижанг деди: “У мамлакатда танилган киши бўлиши керак, амалдорнинг ерида танилган бўлиши керак”. Устоз деди: “Сенинг бу айтаётганинг танилмоқдир, асло машхурлик эмас. Машхур номига лойиқ киши виждонли ва адолатни севувчи, ўзгаларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш ва кишиларнинг юз ифодасини кузата олишга уста, доимо кишилар билан эҳтиромли ва мулозаматли бўлиши даркор. Бундай киши ҳокимликда ҳам, амалдор ерида ҳам машхур бўлиши муқаррар. Таникли номига эга киши кўринишидан инсонпарварлик фазилатини ёқлайди, лекин амалда унга қарши боради. Аммо бундайлар ўзларини ҳеч шак-шубҳасиз инсонпарвар деб даъво қиладилар. Бундай кишилар ҳам ҳокимликда ўз номларига эга бўлишлари муқаррар”.

(21) 樊迟从游于舞雩之下，曰：“敢问崇德修慝辨惑？”子曰：“善哉问。先事后得，非崇德与？攻其恶，无攻人之恶，非修慝与？一朝之忿，忘其身以及其亲，非惑与？”

Фан Чи ёмғир руҳлари меҳроби ёнида Устозга ҳамроҳлик қилиб деди: “Илтимос, айтинг-чи, қай йўсинда ахлоқий фазилатни юксалтириш, ножўя хаёлларни тўғри йўлга солиш, гумроҳликни аниқлаш мумкин?” Устоз деди: “Яхши савол! Аввал меҳнат қилиб, кейин роҳатини кўриш бу ахлоқий фазилатни юксалтириш демак. Ўзингнинг ёмон хаёлларингни танқид қилиб, ўзгаларнинг ножўя хаёлларига тегмасанг, бу ёмон хаёлларни тўғри йўлга солиш, демак. Бир онлик ғзабинг оқибатида ўзинг ҳамда кавму қариндошларингнинг осойишталигини ўйламаслик гумроҳликдир.”

(22) 樊迟问仁。子曰：“爱人。”问知。子曰：“知人。”樊迟不达，子曰：“举直错诸枉，能使枉者直。”樊迟推，见子夏曰：“向也吾见于夫子而问知，子曰：举直错诸枉，能使枉者直。何谓也？”子夏曰：“富哉言乎！舜有天下，选于众，举皋陶，不仁者远矣。汤有天下，选于众，举伊尹，不仁者远矣。”

Фан Чи инсонпарварликнинг нима эканлигини сўради. Устоз деди: “Бу инсонларни севиш, демак”. Фан Чи билиш нималигини сўради. Устоз деди: “Бу кишиларни фарқлай билиш, демакдир”. Фан Чи бунинг моҳиятини тушунмади. Устоз яна деди: “Виждонли кишилар номзодини кўтариб, бадният кишилар четлатилса, шунда ярамас кишилар виждонли бўлишлари мумкин”. Фан Чи чиқиб келаётиб Зисяни учратиб қолди ва ундан сўради: “Мен ҳозиргина Устозни кўриб, билиш нималигини сўрадим. У эса шундай жавоб берди: “Виждонли кишилар номзодини илгари суриб, бадният кишилар четлатилса, шунда ярамас кишилар виждонли бўлишлари мумкин”. Устознинг бу гапи нимани англатади?” Зися деди: “Бу гапнинг мазмуни жуда чуқур! Шун Дунёга ҳукмронлик қилган чоғида халқнинг орасидан истеъдодларни танлаганда Гао Яо¹⁰⁵нинг номзодини илгари сурган, инсонпарвар бўлмаган кишилар эса узоқлаштирилган. Танг¹⁰⁶ дунёга ҳукмронлик қилган чоғида халқ орасидан истеъдодлар танланганда И Ин¹⁰⁷нинг номзодини илгари сурган, инсонпарвар бўлмаган кишилар эса узоқлаштирилган”.

¹⁰⁵ Гао Яо (皋陶 Gao Yao) – Шуннинг фозил хизматчиси. Афсоналарга кўра у Шун даврида жиноят ишлари бўйича вазир бўлган.

¹⁰⁶ Танг Люй (汤履 Tang Lü) – Шанг сулоласининг асосчиси.

¹⁰⁷ И Ин (伊尹 Yi Yin) – Танг Люйнинг бош вазири. У Шанг сулоласини тиклашда ёрдам берган.

(23) 子贡问友。子曰：“忠告而善道之，不可则止，无自辱焉。”

Зигонг дўстга қандай муносабатда бўлиш кераклигини сўради. Устоз деди: “Дўстга маслаҳат берганинда самимий бўл ва уни яхшиликка унда. Лекин агар у сенга кулоқ солмаса, ўзингни камсит-маслик учун ортиқ сўзлаб ўтирма”.

(24) 曾子曰：“君子以文会友，以友辅仁。”

Зэнгзи деди: “Олижаноб инсон маърифатпарварлиги билан дўстлик ришталарини боғлайди. Дўстликнинг кўмагида инсонпарварлик фазилатини тарбиялайди”.

子路第十三

ХШ. Зилу

(1) 子路问政。子曰：“先之，劳之。”请益。

子曰：“无倦。”

Зилу давлатни қандай идора этишни сўради. Устоз деди: “Халқнинг тиришқоқлик билан ишлашига ўзинг намуна бўл”. Зилу бу ҳақда кўпроқ гапириб беришни сўради. Устоз деди: “Ишда дангаса бўлма”.

(2) 仲弓为季氏宰，问政。子曰：“先有司，赦小过，举贤才。”曰：“焉知贤才而举之？”曰：“举尔所知，尔所不知，人其舍诸？”

Жонг Гонг Жи қавмининг шахсий амалдори бўлиб, Устоздан давлатни идора этиш ҳақида сўради. Устоз деди: “Кўл остингдаги ходимларга ибрат бўл, кичик хатоликларга йўл қўйган кишиларни жазодан озод эт, фозил кишиларни танла”. Жонг Гонг деди: “Қандай кишилар фозиллигини қай тарзда билиб танлаш мумкин?” Устоз деди: “Ўзинг биладиганларингни

танла. Сен билмайдиган фозил кишиларни одамлар кўмиб кўярмидилар?”

(3) 子路曰：“卫君待子而为政，子将奚先？”子曰：“必也正名乎。”子路曰：“有是哉，子之迂也。奚其正？”子曰：“野哉由也。君子于其所不知，盖阙如也。名不正则言不顺，言不顺则事不成，事不成则礼乐不兴，礼乐不兴则刑罚不中，刑罚不中则民无所措手足。故君子名之必可言也，言之必可行也。君子于其言，无所苟而已矣。”

Зилу деди: “Вэй ҳокимлигининг ҳукмдори сизни ҳокимлик идораси билан шуғулланиш учун боришингизни кутмоқда. Сиз аввалига нималар қилмоқчисиз?” Устоз деди: “Авваламбор, албатта, номларни тузатиш билан шуғулланаман”. Зилу деди: “Сизнинг ўтакетган расмиятчилигингиз шу даражагача етдими? Номларни тузатишнинг нима кераги бор?” Устоз деди: “Жуда кўполсан-да, Жонг Йоу! Олижаноб инсон ўзига тушуниксиз бўлган ишларнинг кўпини очик қолдиради. Номлар нотўғри бўлса, сўзлар дуруст чиқмайди. Сўзлар дуруст чиқмаса, ишлар бажариб битирилмайди. Ишлар битирилмаса, маросим тартиблари ва мусиқа тараққий этмайди. Маросим тартиблари ва мусиқа тараққий этмаса, жазолаш мувофиқ тарзда амалга оширилмайди. Жазолаш мувофиқ тарзда амалга оширилмаса, халқ иложсизликдан ўзини кўярга жой топа олмайди. Шунинг учун олижаноб инсон бир номни тасдиқлаётганида у сўз тушунарли бўлиши ва ҳаётга татбиқ этила олинишини ўйлаши керак. Олижаноб инсон ўзининг сўзларига асло эътиборсиз муносабатда бўла олмайди”.

(4) 樊迟请学稼，子曰：“吾不如老农。”请学为圃，曰：“吾不如老圃。”樊迟出，子曰：“小人哉，樊须也。上好礼，则民莫敢不敬；上好义，则民莫敢不服；上好信，则民莫敢不用情。夫如是，则四方之民襁负其子而至矣。焉用稼？”

Фан Чи Устоздан ғаллакорлик билан шуғулланишни ўргатишни сўради. Устоз деди: “Бу борада мендан кекса деҳқон яхши”. Фан Чи яна сабзавотчилик билан шуғулланишни ўргатишни сўради. Устоз деди: “Бу борада мендан кекса полизчи яхши”. Фан Чи чиқиб кетгач, Устоз деди: “Бу Фан Сюй ҳақиқатда бир ҳақир одам-да! Ҳукмдор расм-русумларга жиддий муносабатда бўлса, оддий халқ уни ҳурмат қилмасликка жазм этмайди. Ҳукмдор бошқарувда адолатли бўлса, халқ итоат этмасликка жазм қилолмайди. Ҳукмдор ишончлиликка жиддий қараса, халқ ҳақ гапни сўзламасликка жазм қилмайди. Агар шундай йўл тутилса, ҳар томондан болаларини орқалаб олган одамлар ҳам келиб қўшиладилар. Шунда қаердан ҳам ўзинг ғаллакорлик билан шуғуллана оласан?”

(5) 子曰：“诵诗三百，授之以政，不达，使于四方，不能专对，虽多，亦奚以为？”

Устоз деди: “Шижинг”нинг уч юзта шеърини билса-да, унга давлат ишини топширсангиз, у вазифани бажара олмаса; чет мамлакатга элчи қилиб юборсангиз, у саволларга мустақил жавоб бера олмаса, унинг кўп ўқиганидан не наф?”

(6) 子曰：“其身正，不令而行；其身不正，虽令不从。”

Устоз деди: “Ҳукмдорнинг амаллари тўғри бўлса, у фармойиш бермаса ҳам халқ бари бир бажаради.

Хукм-дорнинг амаллари қинғир бўлса, у фармойиш берса ҳам халқ унга итоат этмайди”.

(7) 子曰：“鲁卫之政，兄弟也。”

Устоз деди: “Лу ҳокимлиги сиёсати ва Вэй ҳокимлиги сиёсати худди ака-укага ўхшайди”.

(8) 子谓卫公子荆：“善居室，始有，曰苟合矣；少有，曰苟完矣；富有，曰苟美矣。”

Устоз Вэйлик шахзода Жинг¹⁰⁸ хақида сўзлаб деди: “Шахзода Жинг хусусий мулкчилик билан шуғулланишга уста. Озгинагина мулк билан бошлаган вақтида у: “Деярли етиб қолди” – деган эди. Яна бир оз кўпайган пайтида у: “Деярли тўлиб қолди” – деди. Катта бойликка етишганда эса у: “Деярли бекаму кўст бўлиб қолди”, – деганди”.

(9) 子适卫，冉有仆，子曰：“庶矣哉。”冉有曰：“既庶矣，又何加焉？”曰：“富之。”曰：“既富矣，又何加焉？”曰：“教之。”

Устоз Вэй ҳокимлигига кетаётганида Ран Йоу аравани бошқариб борарди. Устоз деди: “Вэйнинг аҳолиси жуда кўп-да!” Ран Йоу деди: “Аҳоли кўпайиб кетибди, энди нима қилиш керак?” Устоз деди: “Одамларни бойитиш керак”. Ран Йоу деди: “Уларни бойликка етиштиргач, яна нима қилиш керак”. Устоз деди: “Уларга таълим бериш керак”.

(10) 子曰：“苟有用我者，期月而已可也，三年有成。”

Устоз деди: “Агар мени ҳокимликни идора этиш ишларига хизматга олганларида эди, бир йил ичида

¹⁰⁸ Шахзода Жинг (公子荆 Gonzi Jing) – Вэйлик оқсуяк. Ҳоким Вэй Сиян (卫献公 Wei Xiangong)нинг ўғли.

конуний тартиб ўрнатардим. Уч йилда катта ютуқларга эришардим”.

(11) 子曰：“善人为邦百年，亦可以胜残去杀矣。诚哉，是言也。”

Устоз деди: “Яхши инсонлар мамлакатни юз йил бошқарсалар, вахшийлик устидан ғалаба қозониш, қотилликни йўқотиш мумкин. Шу гап жуда тўғри айтилган-да!”

(12) 子曰：“如有王者，必世而后仁。”

Устоз деди: “Агарда донишманд ҳукмдор тахтга чиқса ҳам, ўттиз йил¹⁰⁹дан сўнггина инсонпарварларча бошқарувни амалга ошириш мумкин бўлади”.

(13) 子曰：“苟正其身矣，于从政乎何有？不能正其身，如正人何？”

Устоз деди: “Агар ҳукмдор ўзини тўғрилай олса, давлат ишларини бошқаришнинг нима қийинчилиги бор? Агар у ўзини тўғрилай олмаса, қандай қилиб ҳам ўзгаларни тўғри йўлга сола оларди?”

(14) 冉子退朝，子曰：“何晏也？”对曰：“有政。”子曰：“其事也如有政，虽不吾以，吾其与闻之。”

Ран Йоу Жи қавми идорасидан қайтиб келганида Устоз ундан сўради: “Нимага бунча кеч қайтдинг?” Ран Йоу жавоб берди: “Бир ҳокимлик ишини муҳокама қилдик”. Устоз деди: “У оддий масала бўлиши керак. Агар ҳокимлик иши бўлганида мен хизмат қилмасам-да, бу ҳақда эшитган бўлардим”.

¹⁰⁹ Қадимги Хитойда ўттиз йил бир аср ҳисобланган.

(15) 定公问：“一言而可以兴邦，有诸？”孔子对曰：“言不可以若是其几也。人之言曰：为君难，为臣不易。如知为君之难也，不几乎一言而兴邦乎？”曰：“一言而丧邦，有诸？”孔子对曰：“言不可以若是其几也。人之言曰：予无乐乎为君，唯其言而莫予违也。如其善而莫之违也，不亦善乎？如不善而莫之违也，不几乎一言而丧邦乎？”

Ҳоким Лу Динг сўради: “Биргина жумла ҳокимликни гуллаб-яшнашига олиб келиши мумкинми? Шундай жумла борми?” Устоз жавоб берди: “Бундай гапнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин шунга яқинлаштириши мумкин бўлган жумла бор. “Ҳукмдор бўлиш жуда мушкул, амалдор бўлиш осон эмас”, – деган экан кимдир. Агар ҳукмдорликнинг қийинчиликларини билиб тиришқоқлик билан жавобгарликни ҳис этиб ишласангиз, бу ҳокимликнинг гуллаб-яшнашига яқинлаштирувчи жумла эмасми?” Ҳоким Лу Динг сўради: “Мамлакатни ҳалокатга бошлаши мумкин бўлган биргина шундай жумла борми?” Устоз деди: “Бундай гапнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин шунга яқинлаштириши мумкин бўлган жумла бор. “Ҳукмдорлик қилишимнинг ҳеч бир қувончли жиҳати йўқ. Биргина қувонч бахш этадигани бу менинг сўзимга ҳеч кимнинг қарши боришга журъат этмаслигидир”, – деган экан кимдир. Агар ҳақ сўзни сўзласа-ю, унга ҳеч ким қарши чиқмаса, бу яхши эмасми? Лекин агар ноҳақ сўзни сўзласа-ю, ҳеч ким унга қарши фикр билдирмаса, бу мамлакатни ҳалокатга яқинлаштириши мумкин бўлган жумла эмасми?”

(16) 叶公¹¹⁰问政。子曰：“近者说，远者来。”

Шэгонг Устоздан давлат идораси нималигини сўради. Устоз деди: “Мамлакатингиз ичида халкни кувончга етказиш, мамлакатингиз ташқарисидаги халкни узоқдан келиб қўшилишларига ундашдир”.

(17) 子夏为莒父宰，问政。子曰：“无欲速，无见小利，欲速则不达，见小利则大事不成。”

Зися Жюйфу ноҳияси бошлиғи этиб тайинланганида, у Устоздан ҳокимликни идора этиш ҳақида сўради. Устоз деди: “Мақсаднинг ортидан тез чопиб бўлмайди. Кичик фойдани кўзлаб бўлмайди. Мақсаднинг кетидан тез чопсанг, аксинча мақсадингга етиша олмайсан. Кичик фойдани кўзласанг, катта ишларни бажара олмайсан”.

(18) 叶公语孔子曰：“吾党有直躬者，其父攘羊，而子证之。”孔子曰：“吾党之直者异于是，父为子隐，子为父隐，直在其中矣。”

Шэгонг Устозга деди: “Менинг юртимда ҳақгўй бир киши бор. Унинг отаси кўй ўғрилаганида, ўғилнинг ўзи бу ҳақда хабар берган”. Устоз деди: “Менинг юртимдаги ҳақгўйлар сизникидан фарқ қилади. Ота ўғилнинг сирини сақлайди, ўғил отанинг сирини сақлайди. Ҳақгўйлик ана шунинг ичида ўз ифодасини топган”.

(19) 樊迟问仁。子曰：“居处恭，执事敬，与人忠，虽之夷狄，不可弃也。”

Фан Чи инсонпарварлик нималигини сўради. Устоз деди: “Оилада эҳтиромли муносабатда бўлиш; ишда жиддий ва тиришқоқлик; кишиларга нисбатан сами-

¹¹⁰ Шэгонг (叶公 Shegong) – Чу ҳокимлигидан бўлмиш амалдор.

мийликдир. Ёввойи халқлар ерида бўлсанг ҳам, ушбу уч фазилатга хиёнат қилма”.

(20) 子贡问曰：“何如斯可谓之士矣？”子曰：“行己有耻，使于四方，不辱君命，可谓士矣。”曰：“敢问其次。”曰：“宗族称孝焉，乡党称悌焉。”曰：“敢问其次。”曰：“言必信，行必果，脰脰然小人哉，抑亦可以为次矣。”曰：“今之从政者何如？”子曰：“噫！斗屑之人，何足算也。”

Зигонг сўради: “Қандай кишиларни зиёли инсон деб номлаш мумкин?” Устоз деди: “Кимки ўзининг хатти-ҳаракатларига нисбатан уят ҳиссини туйса, чет мамлакатларга элчи бўлиб борганда ҳукмдорнинг ишончини оқласа, уни зиёли инсон деб аташ мумкин”. Зигонг деди: “Айтинг-чи, кейинги даражадаги зиёли қандай бўлади?” Устоз деди: “У ҳақда ўз қавми орасида ота-онасига эҳтиромли деб, юртдошлари эса оға-инисига иззатли деб мактайдилар”. Зигонг деди: “Айтинг-чи, яна кейинги даражадаги зиёли қандай бўлади?” Устоз деди: “Сўзлаганида самимий ва ишончли, ишида қатъиятли бўлади. Бу ўжар ва юзаки ҳақир одамдир. Лекин у яна кейинги даражали зиёли деб ҳисобланиши мумкин”. Зигонг сўради: “Ҳозирги анави давлат идораси билан шуғулланувчи кишилар ҳақида нима дейсиз?” Устоз деди: “Эҳ! Бу турдаги матонати оз, дунёқараши тор кишилар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?”

(21) 子曰：“不得中行而与之，必也狂狷乎！狂者进取，狷者有所不为也。”

Устоз деди: “Сўз ва амалларида олтин ўрталикни ушлаб турувчи кишиларни топа олмайман ва улар билан ошначилик қилолмайман. Фақатгина қизиққон

хамда эҳтиёткор кишилар билан муносабатда бўлишимга тўғри келади. Қизиққон кишилар ҳамма нарсага дадил киришадилар. Эҳтиёткор кишилар баъзи ишларни бажаришда иккиланадилар”.

(22) 子曰：“南人有言曰：人而无恒，不可以作巫医。善夫！”不恒其德，或承之羞。子曰：“不占而已矣。”

Устоз деди: “Жанубликларнинг бир гапи бор: “Киши субутсиз бўлса, у фолбин ва табиб бўла олмайди. Ажойиб сўзлар!” “Ижинг”да ҳам шундай дейилган: “Киши ўзининг ахлоқий поклигини узок вақт сақлаб тура олмаса, бу доим иснодга олиб келади”. Устоз деди: “ “Ижинг”даги мазкур жумла субутсиз кишиларни башорат қилмасликка ундайди”.

(23) 子曰：“君子和而不同，小人同而不和。”

Устоз деди: “Комил инсон уйғунликка жиддий қарайди, балки бошқаларнинг фикрига кўр-кўрона кўшилишмайди. Ҳақир одам эса ўзгалар фикрига кўр-кўрона кўшилишади, уйғунликка эса жиддий қармайди”.

(24) 子贡问曰：“乡人皆好之，何如？”子曰：“未可也。”“乡人皆恶之，何如？”子曰：“未可也。不如乡人之善者好之，其不善者恶之。”

Зигонг сўради: “Барча қишлоқдошлари яхши кўрадиган киши қандай одам?” Устоз деди: “Буни инобатга ола олмайман”. Зигонг сўради: “Барча қишлоқдошлари ёмон кўрадиган киши қандай одам?” Устоз деди: “Буни ҳам инобатга ола олмайман. Бутун қишлоқнинг яхши кишилари уни яхши кўрсалар, бутун қишлоқнинг бадният кишилари уни ёмон кўрсалар бу энг яхши одам ҳисобланади”.

(25) 子曰：“君子易事而难说也。说之不以其道，不说也；及其使人也，器之。小人难事而易说也。说之虽不以道，说之；及其使人也，求备焉。”

Устоз деди: “Олижаноб инсоннинг кўли остида ишлаш осон, лекин унга ёқиш жуда мушкул. Унинг эътиборини тўғри йўл билан қозонилмаса, акс ҳолда у буни ёқтирмайди. У инсонлардан фойдаланишда ҳар бир шахснинг қобилиятига қараб одилона иш кўради. Ҳақир одам кўлида ишлаш эса қийин, лекин унга ёқиш жуда осон. Тўғри йўлдан бормай ҳам унга ёқиш мумкин. У кишилардан фойдаланишда улардан доим ҳамма нарсага лаёқатли бўлишларини талаб қилади”.

(26) 子曰：“君子泰而不骄，小人骄而不泰。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон оғир-вазмин бўлади, лекин такаббур бўлмайди. Ҳақир одам эса такаббур бўлади-ю, вазмин бўла олмайди”.

(27) 子曰：“刚毅木讷，近仁。”

Устоз деди: “Саботли, қатъиятли, одми, камсуқум одам инсонпарварликка яқиндир”.

(28) 子路问曰：“何如斯可谓之士矣？”子曰：“切切、悃悃、怡怡如也，可谓士矣。朋友切切悃悃，兄弟怡怡。”

Зилу сўради: “Зиёли инсон деб аташлари учун қандай бўлиш керак?” Устоз деди: “Ўзаро самимий насиҳат қила оладиган ва дилдан хайрихоҳ одамни зиёли деб аташ мумкин. У дўстларига самимий панд-насиҳатлар қилади, оға-иниларига нисбатан дилдан хайрихоҳ бўлади”.

(29) 子曰：“善人教民七年，亦可以戒戎矣。”

Устоз деди: “Агар яхши инсон кишиларга етти йил таълим берган бўлса, уларни жангга юбориш мумкин.”

(30) 子曰：“以不教民战，是谓弃之。”

Устоз деди: “Олдиндан ўргатиб тайёрланмаган кишиларни жангга юбориш – улардан воз кечиш демакдир”.

宪问第十四

XIV. Сиян сўрамиш...

(1) 宪问耻。子曰：“邦有道，谷。邦无道，谷，耻也。

”“克伐怨欲，不行焉，可以为仁矣？”子曰：

“可以为难矣。仁，则吾不知也。”

Юан Сиян¹¹¹ иснод нималигини сўради. Устоз деди: “Мамлакат сиёсати ҳақ йўлдалигида хизмат қилиб маош олса бўлади. Мамлакат сиёсати ҳақ йўлидан четга чиқиб қолганида хизмат қилиб маош олиш исноддир”. Юан Сиян яна сўради: “Манманлик, мақтанчоқлик, ҳасад ва очкўзлик, мана шу тўрт иллат юзага чикмаса, инсонпарвар бўлдим дейиш мумкинми?” Устоз деди: “Бунга эришиш жуда мушкул бўлгани сабаб катта қимматга эга. Бу вазиятда инсонпарвар бўлиш ёки бўлмасликка келсак, буни билмайман”.

¹¹¹ Юан Сиян (原宪 Yuan Xian) (м.а. 525—?) – Лу ҳокимлигидан бўлиб, Конфуцийнинг 72 нафар донишманд шогирдларидан бири. Тахаллуси Зиси (子思 Zisi).

(2) 子曰：“士而怀居，不足以为士矣。”

Устоз деди: “Зиёли одам фақат оиласининг тинчлиги ва фаровонлигига боғланган бўлса, у етарли даражада зиёли эмас”.

(3) 子曰：“邦有道，危言危行，邦无道，危行言孙。”

Устоз деди: “Мамлакат ҳақ йўлдалигида тўғриси сўзлаш, очиқдан очиқ ҳаракат қилиш мумкин. Мамлакат ҳақ йўлдан чиққанида очиқдан-очиқ ҳаракат қилиш мумкин, лекин сўзлашда эҳтиёткор бўлиш керак”.

(4) 子曰：“有德者必有言，有言者不必有德；
仁者必有勇，勇者不必有仁。”

Устоз деди: “Боадаб инсон мулоҳазали бўлиши муқаррар, лекин мулоҳазали киши эса боадаб бўлмаслиги мумкин. Инсонпарвар киши жасоратли бўлиши муқаррар, жасоратли киши эса инсонпарвар бўлмаслиги мумкин”.

(5) 南宫适问于孔子曰：“羿善射，麋荡舟，
俱不得其死然，禹稷耕稼，而有天下。”夫子不答。
南宫适出，子曰：“君子哉若人，尚德哉若人。”

Нангонг Куо (Нан Ронг) Устозга деди: “И¹¹² камон отишга моҳир эди. Ао¹¹³ эса сув жангига уста эди.

¹¹² И (羿 Yì) – Ривоят қилишларича Ся сулоласи давридаги Чионг ҳокимлиги (穷国 Qiongguo) ҳукмдори бўлган. У камон отишга моҳир бўлиб, Ся Тайканг (夏太康 Xia Taikang)нинг тахтини қўлга киритган. Кейинчалик ўзининг вазири Хан Жуо (寒浞 Han Zhuo) томонидан ўлдирилган.

¹¹³ Ао (稷 Ao) – Хан Жуонинг ўғли. У Ся Шаоканг (夏少康 Xia Shaokang) томонидан қатл этилган.

Лекин улар яхши ўлим топмадилар. Юй ва Жи¹¹⁴нинг ўзлари экин экиб ғаллакорлик билан шуғулландилар ва дунёга эришдилар”. Устоз жавоб бермади. Нангонг Куо чиқиб кетгач, Устоз деди: “Нақадар олижаноб инсон бу одам! Кишининг фазилатларини юксакларга кўтарувчи инсондир бу”.

(6) 子曰：“君子而不仁者有矣夫，未有小人而仁者也。”

Устоз деди: “Олижаноб инсонлар орасида инсонпарварлик фазилати йўқ кишилар бўлса бордир, лекин ҳақир одамлар орасида инсонпарварларнинг бўлиши мумкин эмас”.

(7) 子曰：“爱之能勿劳乎？忠焉能无诲乎？”

Устоз деди: “Уни севиб, яна уни деб заҳмат чекмай тура оласанми? Унга содиқ бўлиб, яна унга панднасихат қилмай тура оласанми?”

(8) 子曰：“为命，裨谏草创之，世叔讨论之，行人子羽修饰之，东里子产润色之。”

Устоз деди: “Жэн ҳокимлиги сиёсий фармойишларини тузишда лойиҳасини Би Чэн¹¹⁵ ишлаб чиқади. Ши Шу¹¹⁶ бунни ўрганиб чиқиб ўз фикрини билдиради. Ташқи ишлар вазири Зиюй¹¹⁷ тузатишлар киритади. Донглилик Зичан сайқал бериб якунлайди”.

¹¹⁴ Жи (稷 Ji) – афсоналарга кўра Жоу сулоласи ҳукмдорларининг аждоди бўлиб, у одамларга ғаллакорликни ўргатган.

¹¹⁵ Би Чэн (裨谏 Bi Chen) – Жэн ҳокимлиги амалдори.

¹¹⁶ Ши Шу (世叔 Shi Shu) – Жэн ҳокимлигининг амалдори. Зичаннинг вафотидан сўнг бош вазирликни мерос қилиб олган. У Зитай Шу (子太叔 Zitai Shu) ҳамдир. Исми Йоужу (游吉 Youji).

¹¹⁷ Зиюй (子羽 Ziyu) – Жэн ҳокимлигининг амалдори. Шарифи Гонгсун (公孙 Gongsun), исми Хуй (挥 Hui).

(9) 或问子产。子曰：“惠人也。”问子西。曰：“彼哉彼哉。”问管仲。曰：“人也夺伯氏骍邑三百，饭疏食，没齿，无怨言。”

Зичаннинг қандай одамлигини сўрадилар. Устоз: “Меҳр-мурувватли инсон”, – деди. Зиси¹¹⁸нинг қандай одамлигини сўрадилар. Устоз: “У-ни эй! У-ни эй!” – деди. Гуан Жонг ҳақида сўрадилар. Устоз шундай деди: “У инсон бўлган. У Бо Ши¹¹⁹нинг уч юз оилалик Пяньи овулини тортиб олган. Бо Ши сифатсиз озуқалар билан озикланишга мажбур бўлса-да, лекин у то ўлимига қадар Гуан Жонгдан ҳеч нолимаган”.

(10) 子曰：“贫而无怨难，富而无骄易。”

Устоз деди: “Қашшоқ бўла туриб зорланмаслик бу жуда мушкул. Бадавлат бўлиб кеккаймаслик бу осон”.

(11) 子曰：“孟公绰，为赵魏老则优，不可以为滕薛大夫。”

Устоз деди: “Мэнг Гонгчуо¹²⁰ Жао Ши, Вэй Ши қавмлари амалдорларининг шахсий амалдори бўлиб хизмат қилишга қобилияти етиб ортади. Лекин Тэнг¹²¹ ва Сюэ¹²² сингари кичик ҳокимликларда амалдор бўлиб хизмат қила олмайди”.

¹¹⁸ Зиси (子西 Zixi) – Жэн ҳокимлигидан бўлмиш Гонгсун Ся (公孙夏 Gongsun Xia). Зичаннинг амакиваччаси.

¹¹⁹ Бо Ши (伯氏 Bi Shi) – Чи ҳокимлиги амалдори.

¹²⁰ Мэнг Гонгчуо (孟公绰 Meng Gongchuo) – Лу ҳокимлиги амалдори, Конфуцийнинг замондоши. У беғаразлиги ва ҳалоллиги билан машҳур бўлиб, Конфуций уни шу боис ҳурмат қилган.

¹²¹ Тэнг (滕 Teng) ҳокимлиги ҳозирда Шандонг вилоятининг Тэнг ноҳиясида бўлган.

¹²² Сюэ (薛 Xue) ҳокимлиги ҳозирда Шандонг вилоятидаги Тэнг ноҳиясининг жануби-ғарбий ҳудудларини эгаллаган.

(12) 子路问成人。子曰：“若臧武仲之知，公绰之不欲，卞庄子之勇，冉求之艺，文之以礼乐，亦可以为成人矣。”曰：“今之成人者何必然。见利思义，见危授命，久要不忘平生之言，亦可以为成人矣。”

Зилу қандай қилиб мукаммал инсон бўлишни сўради. Устоз деди: “Занг Ужонг¹²³ сингари ақлли, Мэнг Гонгчуо каби ҳалол, Биян Жуангзи¹²⁴ сингари жасоратли, Ран Чию каби кўп қиррали бўлиб, ахлоқ коидалари ва мусиқа ёрдамида мукаммаллаштира, комилликка эришиш мумкин”. Устоз яна деди: “Замонавий комил инсонлар нима учун шундай бўлишлари керак? Пул, манфаатни кўрганда бурчни ёдга олса, хавф-хатарга рўбарў келганда ҳаётдан кечишни билса, узоқ вақт қашшоқликда яшаб берган ваъдасини унутмаса, шу тарзда комилликка эришиш мумкин”.

(13) 子问公叔文子于公明贾曰：

“信乎夫子不言不笑不取乎。”公明贾对曰：

“以告者过也，夫子时然后言，人不厌其言。乐然后笑，人不厌其笑。义然后取，人不厌其取。”子曰：“其然。岂其然乎！”

Устоз Гонгминг Жия¹²⁵ дан Гонгшу Вэнзи¹²⁶ ҳақида сўради: “Кекса жанобнинг гапирмаслиги, кулмаслиги,

¹²³ Занг Ужонг (臧武仲 Zang Wuzhong) – Лу ҳокимлигидан бўлмиш жуда ақлли амалдор. Ҳокимликда даъво ишлари билан шуғулланган.

¹²⁴ Биян Жуангзи (卞庄子 Bian Zhuangzi) – Лу ҳокимлиги Биян ноҳиясидан бўлмиш амалдор.

¹²⁵ Гонгминг Жия (公明贾 Gongming Jia) – Вэй ҳокимлиги амалдори Гонгшу Вэнзининг кўлида хизмат қилган.

¹²⁶ Гонгшу Вэнзи (公叔文子 Gongshu Wenzhi) – Вэй ҳокимлиги амалдори Гонгсун Ба (公孙拔 Gongsun Ba). Ҳоким Вэй Сиян (卫献公 Wei Xiangong)нинг ўғли.

маблағ олмаслиги шу ростми?” Гонгминг Жия жавоб берди: “Буни сизга айтган одам бўрттириб юборибди. Жаноб гапириш лозим бўлган пайтдагина сўзлайди, шунинг учун ҳеч ким унинг сўзларидан безор бўлмайди. У қувонган чоғидагина кулади, шунинг учун ҳеч ким унинг кулишидан безор бўлмайди. У қимматбаҳо буюмни олиш лозим бўлгандагина олади, шунинг учун ҳеч ким унинг олишидан безор бўлмайди”. Устоз деди: “Шундайми? Наҳотки, ҳақиқатан ҳам шундай қилса?”

(14) 子曰：“臧武仲，以防求为后于鲁，虽曰不要君，吾不信也。”

Устоз деди: “Занг Ужонг Лу ҳукмдоридан Фанг мулкини тарк этишнинг шарти сифатида ўзининг авлоди Лу ҳокимлигида амалдор бўлиб тайинланишини талаб этди. Гарчи у ҳукмдорга тазйиқ ўтказмоқчи эмасди, десалар-да, мен бунга ишонмайман”.

(15) 子曰：“晋文公谲而不正，齐桓公正而不谲。”

Устоз деди: “Ҳоким Жин Вэн¹²⁷ муғомбир бўлган, ҳалол бўлмаган. Ҳоким Чи Хуан¹²⁸ ҳалол бўлган, муғомбир бўлмаган”.

¹²⁷ Ҳоким Жин Вэн (晋文公 Jin Wengong) – Жин ҳокимлиги ҳукмдори, м.а. 636–м.а. 628 йиллари тахтда ўтирган. У Чунчию даврининг бешта йирик етакчиларининг энг машхурларидан бўлган.

¹²⁸ Ҳоким Чи Хуан (齐桓公 Qi Huangong) – Чи ҳокимлиги ҳукмдори, м.а. 685–м.а. 643 йиллари тахтда ўтирган. У Чунчию даврининг энг машхур етакчиларидан бири.

(16) 子曰：“桓公杀公子纠，召忽死之，管仲不死。曰：未仁乎？”子曰：“管仲九合诸侯，不以兵车，管仲之力也。如其仁，如其仁！”

Зилу деди: “Ҳоким Чи Хуан шаҳзода Жию¹²⁹ни ўлдирди. Шао Ху¹³⁰ унинг учун жонини қурбон қилди. Гуан Жонг эса унинг ортидан ўлимга бормади” ва сўради: “Гуан Жонг инсонпарвар бўлмаса керак?” Устоз деди: “Ҳоким Чи Хуан кўп маротаба ҳокимлар учрашувини чорлаган, у ҳарбий кучга таянмаган. Буларнинг бари Гуан Жонгнинг саъй-ҳаракатлари шарофати. Мана шу унинг инсонпарварлигидир. Мана шу унинг инсонпарварлигидир!”

(17) 子贡曰：“管仲非仁者与？桓公杀公子纠，不能死，又相之。”子曰：“管仲相桓公，霸诸侯，一匡天下，民到于今受其赐。微管仲，吾其披发左衽矣。岂若匹夫匹妇之为谅也，自经于沟渎，而莫之知也。”

Зигонг деди: “Гуан Жонг инсонпарвар бўлмаса керак? Ҳоким Чи Хуан унинг хўжайини шаҳзода Жиюни ўлдирди. Гуан Жонг эса ўз жонига суиқасд қилмади. Унинг устига устак Чи Хуанга сиёсий кўмак кўрсатди”. Устоз деди: “Гуан Жонг ҳоким Чи Хуанга кўмак кўрсатиб, у барча ҳокимларнинг етакчисига айланди. Дунёда тартиб ўрнатди. Халқ ҳозирга қадар унинг меҳр-мурувватидан баҳра олмоқда. Агар Гуан Жонг бўлмаганида эди, қўрқаманки, биз ҳам қолоқ миллатлар сингари пахмайган соч, чап томонга очилган этакли кийимда юрган бўлардик. Нахотки, у

¹²⁹ Шаҳзода Жию (公子纠 Gongzi Jiu) – ҳоким Чи Хуаннинг акаси. Тахт учун курашда Чи Хуан уни ўлдирган.

¹³⁰ Шао Ху (召忽 Shao Hu) – у ва Гуан Жонг иккиси ҳам Гонгзи Жионинг уй бошқарувчилари бўлишган. Хўжайини ўлдирилгач, у ўз жонига қасд қилади. Гуан Жонг эса Чи Хуаннинг бош вазири бўлади.

хам оддий кишилар сингари майда-чуйда удумларга амал қилиб, кичик бир зовурда жонига қасд қилиб, нишонсиз йўқ бўлиб кетиши керакмиди?”

(18) 公叔文子之臣大夫撰，与文子同升诸公，
子闻之曰：“可以为文矣。”

Гонгшу Вэнзининг шахсий амалдори Жуан¹³¹ хўжайинининг тавсияси билан Вэнзи билан бир вақтда Вэй ҳокимлигининг катта амалдорлигига кўтарилди. Устоз буни эшитиб, деди: “Унга вафотидан сўнг “Маърифатпарвар” номини бериш мумкин”.

(19) 子言卫灵公之无道也，康子曰：“夫如是，
奚而不丧？”孔子曰：“仲叔圉治宾客，祝砣治宗庙，
王孙贾治军旅，夫如是，奚其丧？”

Устоз ҳоким Вэй Линг¹³²нинг фосиқлиги ҳақида сўз-лаётганида, Жи Кангзи сўради: “Ваҳоланки, шундай экан, нима учун Вэй ҳокимлиги таназзулга юз тутмади?” Устоз деди: “Вэй ҳокимлигида меҳмонларни кутиб олувчи Жонг Шуюй, курбонлик маросимларини адо этувчи Жу Туо, ҳарбий қўшинни бошқарувчи Ванг Сунжиялар бор. Бундай инсонлар билан қандай қилиб таназзулга юз тутиш мумкин?”

(20) 子曰：“其言之不怍，则为之也难。”

Устоз деди: “Уялмай-нетмай мақтаниб сўзласа, бу сўзларни амалга ошириш жуда мушкул бўлади”.

¹³¹ Жуан (撰 Zhuan) – Гонгшу Вэнзининг шахсий амалдори.

¹³² Ҳоким Вэй Линг (卫灵公 Wei Ling gong) – м.а. 531–493 йилларда Вэй ҳокимлигида ҳукмдорлик қилган.

(21) 陈成子弑简公，孔子沐浴而朝，告于哀公曰：“陈恒弑其君，请讨之。”公曰：“告夫三子。”孔子曰：“以吾从大夫之后，不敢不告也。”君曰：“告夫三子者。”之三子告，不可。孔子曰：“以吾从大夫之后，不敢不告也。”

Чэн Чэнгзи¹³³ хоқим Чи Жиян¹³⁴ ни ўлдиради. Устоз ғусл қилиб рўза тутгач, ҳукмдор қабулига саройга боради. Устоз хоқим Лу Айга хабар бериб деди: “Чэн Хэнг ўз ҳукмдорини ўлдирди. Қўшин юбориб уни жазолашингизни сўрайман”. Хоқим Лу Ай деди: “Сен бунни уч оила амалдорларига хабар қил”. Устоз саройдан кетгач, деди: “Мен ўз вақтида амалдор бўлганлигим сабабли бунни айтмасликка жазм қилолмадим. Ҳукмдор эса: “Сен ана у уч амалдорга айт”, – деди!” Устоз уч амалдорга хабар берди. Улар қўшин юбориб Чэн Чэнгзини жазолашга рози бўлмадилар. “Мен ўз вақтида амалдорлик хизматида бўлганлигим сабабли бунни айтмасликка жазм қилолмадим”.

(22) 子路问事君，子曰：“勿欺也，而犯之。”

Зилу ҳукмдорга қандай хизмат қилишни сўради. Устоз деди: “Уни орқаваротдан алдамаслик керак, балки юзма-юз туриб насиҳат қилиш лозим”.

(23) 子曰：“君子上达，小人下达。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон юқорига (инсонпарварлик ва бурчга) интилади. Ҳақир одам эса қуйига (бойлик ва манфаатга) интилади”.

¹³³ Чэн Чэнгзи (陈成子 Chen Chengzi) – Чи хоқимлиги амалдори. У м.а. 481 йилда хоқим Чи Жиянни ўлдириб хоқимиятни қўлга олади.

¹³⁴ Хоқим Чи Жиян (齐简公 Qi Jiāngōng) – Чи хоқимлиги ҳукмдори, м.а. 484–м.а. 481 йилларда ҳукмдорлик қилган.

(24) 子曰：“古之学者为己，今之学者为人。”

Устоз деди: “Қадимгилар ўзини маънавий бойитиш учун билим олган бўлсалар, ҳозиргилар эса ўзини бошқаларга кўз-кўз қилиш учун ўқийдилар”.

(25) 蘧伯玉使人于孔子，孔子与之坐而问焉，曰：“夫子何为？”对曰：“夫子欲寡其过而未能也。”使者出，子曰：“使乎使乎！”

Чюй Боюй¹³⁵ Устозни кўриб келиш учун ўз вакилини юборибди. Устоз унинг ўтиришига ижозат бергач, сўради: “Бизнинг жаноб нималар қиляптилар?” Вакил жавоб берди: “Жанобимиз ўз хатоларини камайтириш истагида, лекин ҳали бунинг уддасидан чиқа олмаяптилар”. Вакил кетгач, Устоз деди: “Қандай яхши вакил! Қандай яхши вакил!”

(26) 子曰：“不在其位，不谋其政。”曾子曰：“君子思不出其位。”

Устоз деди: “Эгаллаб турмаган мансабингнинг сиёсий ишлари устида бош қотириб ўтирма”. Зэнгзи деди: “Олижаноб инсоннинг ўйлайдиган масалалари ўз мансаб доирасидан чиқиб кетмайди”.

(27) 子曰：“君子耻其言而过其行。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон айтган сўзлари бажарган ишларидан ортиб кетса, уялади”.

¹³⁵ Чюй Боюй (蘧伯玉 Qu You) – Вэй ҳокимлигининг фозил амалдори. Конфуций Вэй ҳокимлигига борганида, унинг уйида яшаб турган.

(28) 子曰：“君子道者三，我无能焉。仁者不忧，知者不惑，勇者不惧。”子贡曰：“夫子自道也。”

Устоз деди: “Олижаноб инсоннинг учта ахлокий қарашини мен бажара олмайман: инсонпарвар киши ҳасрат қилмайди; ақлли одам адашмайди; жасоратли одам кўркмайди”. Зигонг деди: “Бу айнан Устознинг ўзига хос хусусиятлар-ку!”

(29) 子贡方人，子曰：“赐也贤乎哉，夫我则不暇。”

Зигонг ўзгаларга пичинг билан баҳо берарди. Устоз деди: “Дуанму Ци, шу дурустми? Бошқаларнинг камчилигини сўзлаб ўтиришга менинг бекорчи вақтим йўк”.

(30) 子曰：“不患人之不己知，患其不能也。”

Устоз деди: “Ўзгаларнинг сени билмасликларидан қайғурма, балки ўзингнинг қобилиятинг йўқлигидан қайғур”.

(31) 子曰：“不逆诈，不亿不信，抑亦先觉者，是贤乎！”

Устоз деди: “Олдиндан кишиларни алдаётганликларидида гумонсирамай, кишининг ишончсизлиги ҳақида асоссиз ўй-хаёлларга бормай, буларни бошидан пайқаб ола билувчи киши фозил ҳисобланади”.

(32) 微生亩谓孔子曰：“丘何为是栖栖者与？”

无乃为佞乎？”孔子曰：“非敢为佞也，疾固也。”

Вэйшэнг Му¹³⁶ Устозга деди: “Чию, нима учун сен бунчалик елиб-югурасан? Сен фақат ўзингнинг нотиқлигинг ва сўзамоллигингни кўрсатсанг, етарли-ку?”

¹³⁶ Вэйшенг Му (微生亩 Weisheng Mu) – Лу ҳокимлигидан бўлмиш шахс.

Устоз деди: “Гап менинг сўзамоллик қилишга ботинмаганлигимда эмас, ўжар одамларни ёқтирмаганимдадир”.

(33) 子曰：“驥不称其力，称其德也。”

Устоз деди: “Тезчопар пойгачи отни мақташга арзигулик томони унинг жисмоний кучида эмас, балки унинг фазилатидадир”.

(34) 或曰：“以德报怨，何如？”子曰：“何以报德？以直报怨，以德报德。”

Сўрадилар: “Ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш, бу усул тўғрими?” Устоз деди: “Яхшиликкачи, унга нима билан жавоб қайтариш керак? Ёмонликка адолат билан, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармоқ лозим”.

(35) 子曰：“莫我知也夫！”子贡曰：“何为其莫知子也？”子曰：“不怨天，不尤人，下学而上达，知我者其天乎！”

Устоз деди: “Мени билгувчи ҳеч ким йўқ”. Зигонг сўради: “Қандай қилиб ҳеч ким сизни билмайди дейсиз?” Устоз деди: “Мен Осмондан нолимайман. Кишиларни ҳам айбламайман. Чунки мен пастдаги ҳаётий ҳодисаларни ўрганиб юқорига етишяпман. Мени билгувчи фақат Осмон бўлса керак!”

(36) 公伯寮诉子路于季孙，子服景伯以告曰：
“夫子固有惑志于公伯寮，吾力犹能肆诸市朝。”
子曰：“道之将行也与，命也；道之将废也与，
命也。公伯寮其如命何！”

Гонгбо Лияо¹³⁷ Жи Сун Шига Зилуни игво қилади. Зифу Жингбо¹³⁸ буни Устозга айтиб беради: “Жанобимизнинг кўнглига Гонгбо Лияо қачонлардир нифокли ўйлар солган эди. Гонгбо Лияонинг қуриган мурдасини кўча бошида оммага кўрсатиш учун менинг ҳали қурбим етади”. Устоз деди: “Менинг таълимотим ҳаётга татбиқ этилаётган бўлса, бу тақдирнинг иродасидир. Менинг таълимотим четга улоқтириб ташланаётган бўлса, бу ҳам тақдирнинг иродаси. Гонгбо Лияо тақдирга нима ҳам қила оларди?”

(37) 子曰：“贤者辟世，其次辟地，其次辟色，
其次辟言。”子曰：“作者七人矣。”

Устоз деди: “Фозил инсон қабих жамиятдан қочиб тарки дунё қилади. Кейинги даражали фозил киши яхшироқ бир ерга қочиб кетади. Яна кейинги даражали фозил киши хунук юз ифодаларидан қочади. Яна кейинги даражали фозил киши ёқимсиз гап-сўзлардан қочади”. Устоз деди: “Бундай йўл тутганлар етти киши бўлдилар”.

¹³⁷ Гонгбо Лияо (公伯寮 Gongbo Liao) – Конфуцийнинг шогирди. Қачонлардир Жи Шининг шахсий амалдори бўлган. Тахаллуси Зижоу (子周 Zizhou).

¹³⁸ Зифу Жингбо (子服景伯 Zifu Jingbo) – Лу ҳокимлиги амалдори.

(38) 子路宿于石门，晨门曰：“奚自？”子路曰：“自孔氏。”曰：“是知其不可而为之者与？”

Зилу Шимэн (Тошдарвоза)да бир тунни ўтказди. Иккинчи куни азонда шаҳарга кираётганида дарвозабон ундан сўради: “Қаердан келяпсан?” Зилу деди: “Устозникидан келяпман”. Дарвозабон деди: “Анави ўзи қила олмаслигини била туриб, бари бир шуни бажаришга маҳкам туриб оладиган кишими?”

(39) 子击磬于卫，有荷蕢而过孔氏之门者，曰：“有心哉，击磬乎？”既而曰：“鄙哉，铿铿乎。莫己知也，斯已而已矣。深则厉，浅则揭。”子曰：“果哉，末之难矣。”

Устоз Вэй ҳокимлигида бир куни чинг чалаётган пайтида пилта саваг орқалаб олган бир киши Устознинг дарвозаси олдидан ўта туриб, деди: “Бу кишининг чинг чалишга қандай кайфияти бор-а?” Бир оз ўтгач, яна деди: “Қандай ёкимсиз товуш, тэнг-тэнг! У худди ҳеч ким уни билмаслигини айтаётгандек. Ҳеч ким сени билмаса, фақат ўзинг ҳақингда кайғураверда! Бу худди дарёни кечиб ўтаётганда сув чуқур бўлса, кўйлакни ечиб ташлаш, сув саёз бўлса кўйлак этагини кўтариб олишдек гап”. Устоз деди: “У шундай дангал сўзладики, унга таъна қилишга сўзим йўқ”.

(40) 子张曰：“书云：高宗谅阴，三年不言。何谓也？”子曰：“何必高宗，古之人皆然。君薨，百官总己以听于冢宰，三年。”

Зижанг деди: “Шужинг”да шундай дейилган: “Ин Гао-зонг ота-онасига мотам тутиб, уч йил сиёсий ишлар ҳақида сўзламаган. Бу қандай маънога эга?” Устоз деди: “Нафақат Гаозонг, балки қадимгиларнинг бари шундай қилган. Ҳукмдор вафот этса, тахт вориси

уч йил сиёсий ишлар ҳақида гапирмаган. Фуқаролик ва ҳарбий ишлар бўйича юзлаб вазирларнинг ҳар бири ўз вазифалари билан шуғулланганлар ҳамда бош маслаҳатчининг буйруқларига бўйсунганлар”.

(41) 子曰：“上好礼，则民易使也。”

Устоз деди: “Мансабдор шахс маросим тартибларига кўра иш юритишни ёқтирса, халқни бошқариш осон бўлади”.

(42) 子路问君子。子曰：“修己以敬。

”曰：“如斯而已乎？”曰：“修己以安人。”曰：“如斯而已乎？”曰：“修己以安百姓。修己以安百姓，尧舜其犹病诸？”

Зилу олижаноб инсон қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўради. Устоз деди: “Ўзингни баркамолликка етказиб, ҳурмат-эҳтиромлик муносабатларини ушлаб тур”. Зилу деди: “Шу етарлими?” Устоз деди: “Ўзингни баркамол тарбиялаб, ёр-дўстларингни осудалик ва бахтга етказ”. Зилу деди: “Шу етарлими?” Устоз деди: “Ўзингни баркамол тарбиялаб, халқни осудалик ва бахтга етказ. Ўзини баркамолликка эриштириб халқни осудалик ва бахтга етказиш Яо ва Шун учун ҳам бажариш мушкул иш бўлган бўлса керак?”

(43) 原壤夷俟，子曰：“幼而不孙悌，长而无述焉，老而不死，是为贼。”以杖叩其胫。

Юан Ранг¹³⁹ икки оёғини кериб ўтириб Устозни кутаётганди. Устоз: “Сен болалигингда ота-она, ака-

¹³⁹ Юан Ранг (原壤 Yuan Rang) – Конфуцийнинг Лу ҳокимлигидан бўлмиш кадрдон дўсти. “Маросимнома” (“礼记” Liji)да қайд этилишича, унинг онаси вафот этган чоғида Конфуций дафн маросимини ўтказиш

укангни хурмат қилмасдинг. Балоғатга етганингда ҳам айтарли ҳеч қандай ютуғинг бўлмади. Кексайиб ҳам жонинг узилмаяпти. Ҳақиқий зараркунанда экансан-ку!” – деб ҳассаси билан унинг оёғига урди.

(44) 阙党童子将命，或问之曰：“益者与？”子曰：“吾见其居于位也，见其与先生并行也，非求益者也，欲速成者也。”

Чюэ қишлоғидан бўлмиш бир болакай Устозга хабар олиб келди. Устоздан кимдир сўради: “Бу болакай ўзишга интилувчи одамми?” Устоз деди: “Унинг катталарнинг ўрнида ўтириши, ўзидан ёши катталар билан бирдай юришига қараганда, ўзишга интилувчи эмас, балки тезроқ улғайишни истовчидир”.

卫灵公第十五 XV. Ҳоким Вэй Линг

(1) 卫灵公问陈于孔子。孔子对曰：“俎豆之事，则尝闻之矣。军旅之事，未之学也。”明日遂行。

Ҳоким Вэй Линг Устоздан ҳарбий кўшинда қаторларга қандай гуруҳлашни сўради. Устоз жавоб берди: “Мен маросимлар соҳасидаги масалалар ҳақида эшитганман, лекин ҳарбий масалаларни ўрганмаганман”. Эртаси куни Устоз Вэй ҳокимлигини тарк этди.

(2) 在陈绝粮，从者病，莫能兴。子路愠见曰：“君子亦有穷乎？”子曰：“君子固穷，小人穷斯滥矣。”

Устознинг ҳокимликлар бўйлаб сафарида Чэн ҳокимлигида озиқ-овқат тугаб қолди. Унинг издош-

учун ёрдамга келганида Юан Ранг тобутнинг тепасида туриб кўшик айтиб юборган экан.

лари очликдан бетобланиб ўринларидан тура олмай қоладилар. Зилу шикоят билан Устозга келиб деди: “Олижаноб инсоннинг ҳам муҳтожлиги бўладими?” Устоз деди: “Олижаноб инсон муҳтожликка тушганда уни маҳкам туриб енгади. Ҳақир одам эса муҳтожликда қолганида ҳеч нарсадан тап тортмайди”.

(3) 子曰：“賜也，如以予为多学而识之者与？”对曰：“然。非与？”曰：“非也。予一以贯之。”

Устоз деди: “Ци, сен мени жуда кўп ўқийди ва турли билимларни ёдида сақлаб қола олади, деб ўйлайсанми?” Зигонг жавоб берди: “Ҳа. Ахир шундай эмасми?” Устоз деди: “Бундай эмас. Мен битта асос ғоя билан уларнинг (турли билимларнинг) барчасини қамраб ола оламан”.

(4) 子曰：“由，知德者鲜矣。”

Устоз деди: “Жонг Йоу, ахлоқ нималигини тушунувчи кишилар жуда кам”.

(5) 子曰：“无为而治者，其舜也与？夫何为哉。

恭己正南面而已矣。”

Устоз деди: “Ўзи ҳеч нарса қилмай дунёни тинчликда ушлаб турган инсон фақат Шун бўлса керак. У нима қилди? У ҳукмдорлик тахтида жиддий ва ҳалол ўтирди, холос”.

(6) 子张问行。子曰：“言忠信，行笃敬，虽蛮貊之邦行矣。言不忠信，行不笃敬，虽州里行乎哉？立，则见其参于前也；在舆，则见其倚于衡也。夫然后行。”子张书诸绅。

Зижанг қай йўсинда ўзининг таълимотини ҳаётга татбиқ этишни сўради. Устоз деди: “Сўзлаганда

самимий ва ростгўй бўлсанг, ҳаракатларингда меҳрибон ва эҳтиромли бўлсанг, ҳатто ёввойи халклар мамлакатада ҳам таълимотингни татбиқ эта оласан. Сўзлаганда самимий ва ростгўй бўлмасанг, ҳаракатларингда меҳрибон ва эҳтиромли бўлмасанг, ҳатто ўзингнинг ерингда ҳам таълимотингни юргиза олмайсан. Тик турганингда мана шу бир неча сўз (самимийлик, ростгўйлик, меҳр, эҳтиром) худди кўз олдингда тургандай бўлсин. Аравада ўтирганингда шу бир неча сўз араванинг тўсинида осилиб тургандай бўлсин. Ана шундагина таълимотинг ҳамма ерда юради”. Зижанг бу гапларни ўзининг камарига ёзиб олди.

(7) 子曰：“直哉史鱼。邦有道如矢，邦无道如矢。

君子哉蘧伯玉。邦有道则仕，邦无道则可卷而怀之。”

Устоз деди: “Қандай ҳаққоний инсон-а, Ши Юй¹⁴⁰! Ҳокимлик сиёсати ҳақ йўлдалигида у худди камоннинг ўки сингари тўппа-тўғри бўларди. Ҳокимлик сиёсати ҳақ йўлдан юрмаганида ҳам, у камоннинг ўки сингари тўппа-тўғри бўларди. Чюй Боюй нақадар олижаноб инсон-а! Ҳокимлик сиёсати ҳақ йўлдалигида хизматга кирарди. Ҳокимлик сиёсати ҳақ йўлидан четлашганида, у истеъфога чиқарди”.

¹⁴⁰ Ши Юй (史鱼 Shi Yu) – Вэй ҳокимлиги амалдори. У кўп мартаба ҳоким Вэй Линга Чюй Боюйни хизматга олишга тавсия қилиб, айёр Мизи Ся (弥子瑕 Mizi Xia)ни лавозимидан четлатиш ҳақида уқтирган. Лекин ҳоким унга қулоқ тутмаган. Ши Юй ўлими олдидан ўз ўғлига унинг дафн маросимини асосий залда ўтказмасликни тайинлайди. Бу эса ҳокимликнинг маросим тартибларига зид эди. Шу йўл билан марҳум Ши Юй ҳоким Вэй Лингни инсофга келтиради, натижада ҳоким Чюй Боюйнинг лавозимини кўтариб, Мизи Сяни эса четлатади.

(8) 子曰：“可与言而不与之言，失人；
不可与言而与之言，失言。知者不失人，亦不失言。”

Устоз деди: “Сухбатлашиш мумкин бўлган киши билан гаплашмасанг, бу яхши сухбатдошни қўлдан чиқаришдир. Сухбатлашиш мумкин бўлмаган киши билан гаплашсанг, бу сўзни ҳавога курук учиришдир. Ақлли инсон одам танлашда адашмайди, сўзини ҳам ҳавога учирмайди”.

(9) 子曰：“志士仁人，无求生以害仁，有杀身以成仁。”

Устоз деди: “Аниқ бир мақсадга интилувчи инсонпарвар кишилар ўз жонларини сақлаб қолиш учунгина инсонпарварликка зарар етказмайдилар, балки ўз ҳаётини қурбон қилиб инсонпарварликка кўмак берадилар”.

(10) 子贡问为仁。子曰：“工欲善其事，必先利其器。
居是邦也，事其大夫之贤者，友其士之仁者。”

Зигонг инсонпарварлик фазилатини қандай амалга ошириш мумкинлигини сўради. Устоз деди: “Ҳунарманд ўзининг ишини яхшилаб бажариш учун аввалига, албатта, асбобларини созлаб олади. Қайсидир ҳокимликда яшаб туриб, у ернинг амалдорлари орасидаги фозил кишиларга хизмат қилишимиз ҳамда зиёлилар орасидаги инсонпарварлар билан дўстлашмоғимиз даркор”.

(11) 颜渊问为邦。子曰：“行夏之时，乘殷之辂，
服周之冕，乐则韶舞。放郑声，远佞人。郑声淫，
佞人殆。”

Ян Юан давлатни қандай қилиб бошқаришни сўради: “Ся сулоласи даври тақвим тизимидан фойдалан. Ин сулоласи даври аравасида юр. Жоу сулоласи

даври маросим қалпоғини кий. Мусиқада “Баҳорий” ва “Жанговар” куйларини ижро эт. Жэн ҳокимлиги кўшиқларини улоктириб ташла. Сўзга уста, тилёглама кишилардан йироқ юр. Жэн кўшиқлари жуда ахлоқсиз, тилёглама кишилар жуда хавфлидирлар”.

(12) 子曰：“人无远虑，必有近忧。”

Устоз деди: “Киши узоқни ўйламаса, яқинидаги бахтсизликка учрайди”.

(13) 子曰：“已矣乎！吾未见好德如好色者也。”

Устоз деди: “На илож! Мен ҳеч ҳам гўзал фазилатни гўзалликка муҳаббат кўйгандек севган кишини учратмадим”.

(14) 子曰：“臧文仲，其窃位者与？知柳下惠之贤，而不与立也。”

Устоз деди: “Занг Вэнжонг бир мансабга ўрнашиб олиб ўзининг касбида тиришқоқлик кўрсатмаган одам бўлса керак? У Лиюся Хуй¹⁴¹нинг фозил инсонлигини яхши била туриб, уни саройда хизмат қилишга тавсия этмаган”.

(15) 子曰：“躬自厚而薄则于人，则远怨矣。”

Устоз деди: “Кўпроқ ўзингни айблаб, ўзгаларга озроқ таъна қилсанг, кишилар нафратидан йироқ бўласан”.

¹⁴¹ Лиюся Хуй (柳下惠 Liuxia Hui) – Лу ҳокимлигидан бўлмиш фозил амалдор. Шарифи Жан (展 Zhan), исми Хуо (获 Huo).

(16) 子曰：“不曰如之何如之何者，
吾末如之何也已矣。”

Устоз деди: “Нима қилиш керак? Нима қилиш керак?” демайдиган кишилар билан мен ҳам нима қиларимни билмайман”.

(17) 子曰：“群居终日，言不及义，好行小慧，
难矣哉！”

Устоз деди: “Бутун кун бир ерда йиғилиб олиб, сўзлаган сўзлари адолатга тўғри келмаса, кўз-кўз қилиб ақллилик қилишни ёқтирсалар, бундай кишиларга йўл-йўриқ кўрсатиш жуда мушкул”.

(18) 子曰：“君子义以为质，礼以行之，孙以出之，
信以成之。君子哉！”

Устоз деди: “Олижаноб инсон ахлоқлилик ва ҳаққонийликни инсон бўлишнинг асоси деб билади. Уни маросим тартиблари ёрдамида амалга оширади. Уни камтаринлик ва ҳурмат билан тилга олади. Уни ишончлилик билан тугаллайди. Олижаноб инсон айнан шундайдир!”

(19) 子曰：“君子病无能焉，不病人之不己知也。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон асло ўзгаларнинг уни билмасликларидан эмас, балки ўзининг қобилияти йўқлигидан қайғуради”.

(20) 子曰：“君子疾没世而名不称焉。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон ўзининг вафотидан сўнг номи яхши ёд этилмаслигидан қайғуради”.

(21) 子曰：“君子求诸己，小人求诸人。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон ўзидан талаб қилади, ҳақир одам эса ўзгалардан”.

(22) 子曰：“君子矜而不争，群而不党。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон ўзини жиддий тутади, кишилар билан бахслашмайди. У ўзгалар билан келиша олади, лекин тил бириктирмайди”.

(23) 子曰：“君子不以言举人，不以人废言。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон кимсаларнинг айтган ёқимли сўзлари учунгина уларнинг номзодини кўтармайди. Кимсаларнинг ахлоқи яхши бўлмаганлиги учунгина уларнинг ҳақ сўзларини четга ташламайди”.

(24) 子贡问曰：“有一言而可以终身行之者乎？”

”子曰：“其恕乎！己所不欲，勿施于人。”

Зигонг сўради: “Бутун умр амал қилиш керак бўлган битта жумла борми?” Устоз деди: “Бу “ўзаро кўнгил яқинлиги” бўлса керак?” Ўзингга раво кўрмаганингни ўзгаларга ҳам раво кўрма”.

(25) 子曰：“吾之于人也，谁毁谁誉。如有所誉者，其有所试矣。斯民也，三代之所以直道而行也。”

Устоз деди: “Мен кишилар билан мулоқотимда кимни ёмон отлик қилганман ёки кимни мақтаганман? Агар мактовларим бўлса, синовдан ўтганлари бўлган. Ся, Шанг, Жоу мазкур уч сулоланинг вакиллари шундай йўл тутганлар. Шунинг учун бу уч сулола ҳақ йўлдан юра олган”.

(26) 子曰：“吾犹及史之阙文也，有马者，借人乘之，今亡矣夫！”

Устоз деди: “Тарихий қўлёзмаларда масаланинг очиқ қолган ерларини кўрганман. От-улови бўлган

киши бошқа кишиларга миниш учун бериб турган. Ҳозирда эса бундай нарса йўқ”¹⁴².

(27) 子曰：“巧言乱德，小不忍则乱大谋。”

Устоз деди: “Сўзамоллик ахлоқни бузади. Майда ишларга тоқат қила олмаслик йирик ишларни бузади”.

(28) 子曰：“众恶之，必察焉；众好之，必察焉。”

Устоз деди: “Бирор кимсадан ҳамма нафратланса, бунинг сабабини, албатта, аниқлаштириш керак. Бирор кимсани ҳамма яхши кўрса, бунинг ҳам сабабини, албатта, аниқлаштириб кўриш керак”.

(29) 子曰：“人能弘道，非道弘人。”

Устоз деди: “Инсон ўзи юраётган йўлни буюк қила олади, йўл инсонни эмас”.

(30) 子曰：“过而不改，是谓过矣。”

Устоз деди: “Хато қилиб қўйиб уни тўғриламаслик бу айнан хато қилиш демакдир”.

(31) 子曰：“吾尝终日不食，终夜不寝，以思，无益，不如学也。”

Устоз деди: “Мен қачонлардир бутун кунлаб тамадди қилмаганман, бутун тунлаб мижжа қоқмаганман, ўй-хаёллар сурганман. Бундан ҳеч қандай наф йўқ. Яхшиси, сабоқ олган маъқул”.

¹⁴² Юқоридаги икки жумланинг маъно жиҳатдан бир-бирига боғлиқлик томони йўқ. Узоқ йиллардан буён шарҳловчилар бу ҳолатга изоҳ топа олмаганлар.

(32) 子曰：“君子谋道不谋食。耕者，馁在其中矣；学也，禄在其中矣。君子忧道不忧贫。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон кийим ва емакка эмас, балки ҳақ йўлга интилади. Дала эксанг, кўпинча корнинг оч қолади. Таълим олсанг, амалдор бўлиб маош оласан. Олижаноб инсон ҳақ йўлга етишмаслигидан қайғуради, қашшоқликдан эмас”.

(33) 子曰：“知及之，仁不能守之，虽得之，必失之。知及之，仁能守之，不庄以莅之，则民不敬。知及之，仁能守之，庄以莅之，动之不以礼，未善也。”

Устоз деди: “Ақл билан эришилган мансаб инсонпарварлик фазилати билан ҳимоялана олмаса, гарчи эришилса-да, йўқотилиши муқаррар. Ақл билан эришилган мансаб инсонпарварлик фазилати билан ҳимояланса-да, лекин халқ жиддий муносабат билан бошқарилмаса, халқ амалдорни ҳурмат қилмайди. Ақл билан эришилган мансаб инсонпарварлик фазилати билан ҳимояланиб, халқни жиддий муносабат билан бошқарилса-ю, лекин халқ ахлоқ қоидалари билан сафарбар қилинмаса, бу ҳам мукамал эмас”.

(34) 子曰：“君子不可小知，而可大受也。小人不可大受，而可小知也。”

Устоз деди: “Олижаноб инсоннинг майда ишларига қараб ҳукм чиқариб бўлмайди. Унга масъулиятли ишларни ишониб топшириш мумкин. Ҳақир одамга масъулиятли ишларни ишониб бўлмайди, лекин унинг майда ишларига қараб, у ҳақда ҳулоса чиқариш мумкин”.

(35) 子曰：“民之于仁也，甚于水火。水火，吾见蹈而死者矣，未见蹈仁而死者也。”

Устоз деди: “Оддий халқнинг инсонпарварлик фазилатига бўлган эҳтиёжи сув ва оловга бўлган эҳтиёждан ҳам муҳимроқ. Сув ва оловни босган кишиларнинг жон берганларини кўрганман. Лекин инсонпарварлик фазилатини амалга ошириб ҳалок бўлиб кетганларни ҳеч кўрмаганман”.

(36) 子曰：“当仁不让于师。”

Устоз деди: “Инсонпарварликни амалга ошириш керак бўлган вазият юзага келганда устозингга ҳам йўл берма!”.

(37) 子曰：“君子贞而不谅。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон ўз қарашларида собитдир, лекин ўжар эмас.”

(38) 子曰：“事君，敬其事而后其食。”

Устоз деди: “Ҳукмдор хизматида тиришқоқ бўл, маош олишни эса орқага сур”.

(39) 子曰：“有教无类。”

Устоз деди: “Барча инсонлар тоифага ажратилмасдан бирдай таълим олишлари зарур”.

(40) 子曰：“道不同，不相为谋。”

Устоз деди: “Қарашлар турлича бўлса, масалани ўзаро муҳокама қилиб бўлмайди”.

(41) 子曰：“辞，达而已矣。”

Устоз деди: “Нутқ мазмунни етарлича аниқ ифодалаб бера олса бўлди”.

(42) 师冕见，及阶，子曰：“阶也。”及席，子曰：“席也。”皆坐，子告之曰：“某在斯，某在斯。”师冕出，子张问曰：“与师言之，道与？”子曰：“然。固相师之道也。”

Муסיқашунос Миян¹⁴³ Устозни кўришга келади. У зинапоя томон юрганида, Устоз: “Бу зинапоя”, – деди. У ўриндиклар томон юрганида, Устоз: “Бу ўриндик”, – деди. Барча ўз ўрнини эгаллагач, Устоз муסיқашунос Миянга: “Бирови мана бу ерда ўтирибди, яна бирови бу ерда ўтирибди”, – деб барини айтиб чиқади. Муסיқашунос Миян кетгач, Зижанг сўради: “Бу муסיқашунослар билан гаплашиш усулими?” Устоз деди: “Ҳа, бу аниқроғи, муסיқашуносларга кўмаклашиш усулидир”.

季氏第十六 XVI. Жи Ши

(1) 季氏将伐颛臾，冉有季路见于孔子曰：
“季氏将有事于颛臾。”孔子曰：“求，无乃尔是过与？
夫颛臾，昔者先王以为东蒙主，且在邦域之中矣，
是社稷之臣也，何以伐为？”冉有曰：“夫子欲之，
吾二臣者，皆不欲也。”孔子曰：“求，周任有言曰：
陈力就列，不能者止。危而不持，颠而不扶，
则将焉用彼相矣。且尔言过矣。虎兕出于柙，龟玉毁于
椟中，是谁之过与？”冉有曰：“今夫颛臾，
固而近于费，今不取，后世必为子孙忧。”孔子曰：
“求，君子疾夫舍曰欲之，而必为之辞。丘也，闻有国有
家者，不患寡而患不均，不患贫而患不安，盖均无贫，
和无寡，安无倾。夫如是，故远人不服，则修文德以来
之。既来之，则安之。今由与求也，相夫子，远人不服

¹⁴³ Қадимги Хитойда одатда, муסיқашуносларнинг кўзлари сўқир бўлган.

而不能来也，邦分崩离析而不能守也，而谋动干戈于邦内，吾恐季孙之忧，不在颛臾，而在萧墙之内也。”

Жи Ши Жуанюй¹⁴⁴ га ҳарбий юриш қилмоқчи эди. Ран Йоу, Зилу Устозни кўришга бордилар ва шундай дедилар: “Жи Ши Жуанюйга кўшин тортмоқчи”. Устоз деди: “Ран Чию! Бунда сенинг айбинг йўқми? Қадимги ҳукмдорлар Жуанюйни Донгмэнг тоғлари¹⁴⁵ даги қурбонлик маросимларини ўтказишга жавобгар деб билганлар. Ундан ташқари, Жуанюй Лу ҳокимлигининг ҳудудида жойлашган бўлиб, ҳокимликка тобе. Нима учун у ерга юриш қилиш керак экан?” Ран Йоу деди: “Буни Жи Сун жаноблари истадилар. Биз иккимиз эса бундай йўл тутишни хоҳламаймиз”. Устоз деди: “Ран Чию! Жоу Рэн¹⁴⁶ шундай деган эди: “Хизмат масъулиятини кўтариб юрганда бор истеъдодингни кашф эт. Агар бу кўлингдан келмаса, хизматдан кет”. Сўқир одам хатарга йўлиққанини кўриб туриб, унга мадад бермасанг, йикилиб тушганида суяб турғазмасанг, бундай ёрдамчиларнинг нима кераги бор? Бундан ташқари, сен ногўғри сўзладинг. Йўлбарс ва буқа қафасдан қочиб чиқиб кетсалар, тошбақа косаси ва нефрит тоши кутининг ичида синиб қолса, бу кимнинг хатоси бўлади?” Ран Йоу деди: “Ҳозирда Жуанюйнинг шаҳар қалъаси мустаҳкам. Шунингдек, Жи Шининг Ми ноҳиясига яқин. Ҳозир уни олиб бўлмаса, келажакда ўғил ва набираларимизга фалокат келтиришлари

¹⁴⁴ Жуанюй (顓臾 Zhuanyu) – Лу ҳокимлигига қарам ҳокимлик бўлган. Ҳозирги Шандонг вилояти Ми ноҳиясининг шимоли-ғарбида жойлашган.

¹⁴⁵ Донгмэнг (东蒙 Dongmeng), яъни Мэнг тоғи (蒙山 Mengshan) – тоғлар руҳига қурбонлик келтирувчи жой. Ҳозирги Шандонг вилояти Мэнгийн ноҳиясининг жанубида жойлашган.

¹⁴⁶ Жоу Рэн (周任 Zhou Ren) – Қадимги Хитойнинг тарихчиси.

муқаррар”. Устоз деди: “Ран Чию! Олижаноб инсон ўзининг хоҳишларини сўзламай, балки турли баҳоналар излайдиган кишиларни ёмон кўради. Айтишлари-ча, ҳокимликларнинг ҳукмдорлари, оилаларнинг бошлиқлари қашшоқликдан эмас, балки мол-мулкнинг тенгсизлигидан хавфсирайдилар. Аҳолининг озлигидан эмас, нотинчликдан хавфсирайдилар. Мол-мулк тенг бўлинса, қашшоқлик бўлмайди. Ўзаро бирлик бўлса, аҳолининг озлиги сезилмайди. Мамлакатда тинчлик бўлса, ҳокимиятнинг кулаш хавфи бўлмайди. Шу йўлни тутсанг-да узоқдаги халқлар келиб қўшил-маса, у ҳолда маърифат ва ахлоққа эътибор бермоқ керак. Уларнинг осойишталикда яшашларига шароит ярат. Ҳозир сизлар, Жонг Йоу ва Ран Чию, жаноб Жи Сунга ёрдам беряпсизлар. Унга узоқдаги халқлар келиб қўшилмайди, уларни жалб эта олмайди ҳам. Ҳокимлик пароканда бўлиб кетяпти. У эса ҳокимликнинг бутунлигини сақлаб қола олмайди. Бунинг устига ҳокимлик ичида қуроли кураш уюштириляпти. Мен Жи Сун Шининг фалокати Жуанюйда эмас, балки ўзининг саройи ичида деб қўрқаман”.

(2) 孔子曰：“天下有道，则礼乐征伐自天子出；天下无道，则礼乐征伐自诸侯出。子诸侯出，盖十世希不失矣。自大夫出，五世希不失矣。陪臣执国命，三世希不失矣。天下有道，则政不在大夫。天下有道，则庶人不议。”

Устоз деди: “Дунё сиёсати ҳақ йўлидалигида маросим тартиблари тизими, мусиқачилик ва жазовий ҳарбий юриш масалалари император томонидан ҳал этилади. Дунё сиёсати ҳақ йўлдан чиққанида маросим тартиблари тизими, мусиқачилик ва жазовий ҳарбий юриш масалалари ҳоким томонидан ҳал қилинади.

Ҳоким томонидан қарор қилингани деярли ўн авлоддан ўтиб кейин қулаши мумкин. Катта амалдор томонидан қарор қилингани беш авлод ўтиб йўқолиши мумкин. Катта амалдорнинг шахсий мулозими томонидан қарор қилингани уч авлоддан ўтиб кейин қулаши мумкин. Дунё сиёсати ҳақ йўлидалигида ҳокимлик ҳокимияти амалдор қўлига тушмайди. Дунё сиёсати ҳақ йўлидалигида оддий халқ ҳокимлик сиёсатини танқид қилмайди”.

(3) 孔子曰：“禄之去公室，五世矣。政逮于大夫，四世矣。故夫三桓之子孙，微矣。”

Устоз деди: “Мана беш авлодирки, ҳокимият Лу хукмдорлари қўлидан кетган. Ҳокимият амалдор Жи Шининг қўлига тушганидан бери тўрт авлод дунёга келди. Шунинг учун Лу Хуан оиласининг фарзанд-набиралари ҳозирда камайиб кетган”.

(4) 孔子曰：“益者三友，损者三友。友直，友谅，友多闻，益矣。友便辟，友善柔，友便佞，损矣。”

Устоз деди: “Фойдали дўстликнинг уч тури бор, зарарли дўстликнинг ҳам уч тури бор. Ҳақгўй киши билан дўстлашиш, самимий инсон билан дўстлашиш, дунёкараши кенг одам билан дўстлашиш фойдалидир. Тилёғлама киши билан дўстлашиш, иккиюзламачи киши билан дўстлашиш, сўзамолликка одатланган киши билан дўстлашиш зарарлидир”.

(5) 孔子曰：“益者三乐，损者三乐。乐节礼乐，乐道人之善，乐多贤友，益矣。乐骄乐，乐佚游，乐宴乐，损矣。”

Устоз деди: “Уч тур фойдали қувонч ва уч тур зарарли қувонч мавжуд. Маросим тартиблари ва

музикани яхшилашга эришилганидан қувониш, кишиларнинг ижобий томонларини мақташдан қувониш, кўпроқ фозил инсонлар билан дўстлашишдан қувониш фойдалидир. Чегара билмай бебошларча кўнгилхушлик қилишдан қувониш, қайтишни унутиб санқиб юришдан қувониш, катта еб-ичадиган базмларда юришга қувониш – қувончининг зарарли турларидир”.

(6) 孔子曰：“伺于君子有三愆：言未及之而言谓之躁，言及之而不言谓之隐，未见颜色而言谓之瞽。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон билан суҳбатда учта хатоликка йўл қўйиш мумкин. Ҳали сендан савол сўрамасдан гапирсанг, бу шошқалоқлик ҳисобланади. Сендан савол сўраб бўлганида ҳам хануз оғиз очмасанг, бу сир яшириш ҳисобланади. Олижаноб инсоннинг юз ифодасига қарамай, мулоҳазасизлик билан сўзласанг, бу сўқирлик ҳисобланади”.

(7) 孔子曰：“君子有三戒：少之时，血气未定，戒之在色；及其壮也，血气方刚，戒之在斗；及其老也，血气既衰，戒之在得。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон уч нарсадан эҳтиёт бўлиши керак. Ёшлик чоғида, шижоати барқарор эмаслигида аёлларнинг гўзаллигини севиб қолишдан эҳтиёт бўлиши керак. Етуклик ёшига (30–40 ёш) етгач, кучга тўлган айни бир вақтда катта муштлашишлардан эҳтиёт бўлиши керак. Кексаликка етгач, шижоати чекинаётган бир чоғда шон-шуҳрат, мансаб, мол-дунёга бўлган хирсдан эҳтиёт бўлиши керак”.

(8) 孔子曰：“君子有三畏：畏天命，畏大人，畏圣人之言。小人不知天命而不畏也，狎大人，侮圣人之言。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон уч нарсадан кўрқади: тақдирдан, мансаби юқори кишиларнинг феъл-атворидан, донишманднинг мулоҳазасидан. Ҳақир одам эса тақдир нималигини билмайди, шу сабаб ундан кўрқмайди. У мансаби юқори кишиларни хурмат қилмайди, донишманднинг мулоҳазасини писанд қилмайди”.

(9) 孔子曰：“生而知之者上也，学而知之者次也，困而学之，又其次也。困而不学，民斯为下矣。”

Устоз деди: “Дунёга келганиданок билагон бўлган инсон юқори даражалидир. Сабоқ олиш орқали билган инсон иккинчи даражалидир. Машаққатлардан ўтиб ўрганган инсон ундан кейинги даражалидир. Машаққатларни бошдан кечириб ҳам ўрганмаган одам энг қуйи даражалидир”.

(10) 孔子曰：“君子有九思：视思明，听思聪，色思温，貌思恭，言思忠，事思敬，疑思问，忿思难，见得思义。”

Устоз деди: “Олижаноб инсон тўққизта нарсани ўйлаши керак. Булар: кўрганини англадими ё йўқ, эшитганини аниқ эшитдими ё йўқ, юзидаги ифодаси ёқимлими ё йўқ, ташқи қиёфасида эҳтиром зоҳирми ё йўқ, суҳбатдаги сўзлари самимийми ё йўқ, ишига нисбатан тиришқоқми ё йўқ, савол туғилганида сўраши керакми ё йўқ, ғазабини сочиши ёмон оқибатларга олиб келадими ё йўқ, эришиш мумкин бўлган нарса адолатга мувофиқ келадими ё йўқ”.

(11) 孔子曰：“见善如不及，见不善如探汤。

吾见其人矣，吾闻其语矣。隐居以求其志，行义以达其道，吾闻其语矣，吾未见其人也。

Устоз деди: “Яхши амални кўрганда худди унга ета олмайгандай тиришиб интилади. Ёмон амални кўрганда худди кўли кайноқ сувга теккандай тез тортиб олади. Мен бундай кишиларни учратганман, бу каби гапларни эшитганман. Тарки дунёчилик қилиб, ўзининг иродасини мустаҳкамлайди. Бурчга амал қилиб ўз таълимотини ҳаётга татбиқ этади. Мен бу каби гапларни эшитганман, лекин бундай кишиларни учратмаганман”.

(12) 齐景公有马千驷，死之日，民无得而称焉。

伯夷叔齐，饿于首阳之下，民到于今称之，其斯之谓与？

Ҳоким Чи Жингнинг тўрт минг нафар от-улови бор эди. У вафот этганида халқ унинг фазилатини мадҳ этишга ҳеч нарса айтолмади. Бо И ва Шу Чи очликдан Шоуянг тоғида ҳалок бўлсалар-да, халқ ҳозиргача уларни мадҳ этиб келмоқда. Шу маънода айтилган бўлса керак?

(13) 陈亢问于伯鱼曰：“子亦有异闻乎？”对曰：

“未也。尝独立，鲤趋而过庭，曰：‘学诗乎？’

’对曰：‘未也。’”不学诗，无以言。’鲤退而学诗。

他日又独立，鲤趋而过庭，曰：‘学礼乎？’对曰：

‘未也。’”不学礼，无以立。’鲤退而学礼。闻斯二者。

”陈亢退而喜曰：“问一得三：闻诗，闻礼，

又闻君子之远其子也。”

Чэн Канг (Зичин) Бо Юйдан сўради: “Отангиздан ўзига хос панд-насихатлар эшитганмисиз?” Бо Юй жавоб берди: “Йўқ. Лекин бир куни отам бир ўзи

турганида тез-тез юриб саройга ўтиб кетаётгандим, отам мендан: “Шижинг”ни ўргандингми?” – деб сўраб қолди. Мен йўқ дедим. У: “Шижинг”ни ўрганмасанг, қандай сўзлаш кераклигини англамайсан”. Мен “Шижинг”ни ўрганиш учун қайтиб кетдим. Яна бир куни отам бир ўзи турганида олдидан шоша-пиша ўтиб саройга кетаётгандим, у мендан сўраб қолди: “Маросим тартибларини ўргандингми?” Мен йўқ дедим. У деди: “Маросим тартибларини ўрганмасанг, жамиятда ўз ўрнингга эга бўлолмайсан”. Мен маросим тартибларини ўрганиш учун қайтиб кетдим. Фақат шу икки нарсани эшитганман”. Чэн Канг қайтиб кетгач, хурсанд бўлиб деди: “Мен битта савол сўраб, учта нарсани билиб олдим. “Шижинг”ни ўрганишнинг маъносини билдим. Маросим тартибларини ўрганишнинг моҳиятини билдим. Яна, олижаноб инсон ўғлини унчалик яхши кўрмаслигини билдим”.

(14) 邦君之妻，君称之曰“夫人”，夫人自称曰“小童”，邦人称之曰“君夫人”，称诸异邦曰“寡小君”，异邦人称之亦曰“君夫人”。

Ҳоким ўз рафиқасини “хоним” деб, хоним эса ўзини “қизалоқ” деб атайти. Ҳокимликдаги кишилар унга: “Мухта-рама хоним” деб, мурожаат қиладилар. Бошқа ҳокимлик вакилларининг олдидан уни “кичик ҳукмдор” деб, бошқа ҳокимлик вакиллари эса уни “мухтарам хоним” деб атайдилар.

阳货第十七 XVII. Янг Хуо

(1) 阳货欲见孔子，孔子不见，归孔子豚，孔子时其亡也而往拜之，遇诸途，谓孔子曰：“来，予与尔言。曰：怀其宝，而迷其邦。可谓仁乎？”曰：“不可。”“好从事而亟失时，可谓知乎？”曰：“不可。”“日月逝矣，岁不我与。”孔子曰：“诺。吾将仕矣。”

Янг Хуо¹⁴⁷ Устознинг уни кўришга келишини истабди. Устоз эса кўришга бормабди. Шунда у Устозга пиширилган чўчка совға қилиб юборибди. Янг Хуо уйда бўлмаган пайтини пойлаб Устоз унинг уйига ташриф билан отланибди. Лекин улар йўлда учрашиб қолибдилар. Янг Хуо Устозга дебди: “Бу ёққа кел! Мен сен билан гаплашиб олмоқчиман”. Яна дебди: “Ўзининг истеъдодини яшириб олиб, ҳокимликда бетартиблик бўлаётганига кулоқ тутиб ўтиришни инсонпарварлик деб бўладими?” Устоз индамабди. Янг Хуо ўзи жавоб берибди: “Бўлмайди. Ҳокимликни бошқариш ишларида иштирок этишни ёқтириб, лекин кўп маротаба имкониятни бой бериш, шуни донолик деб бўладими?” Устоз индамабди. Янг Хуо ўзи жавоб берибди: “Бўлмайди. Кун ва ойлар тўхтовсиз ўтиб борапти, йиллар ҳам бизни кутиб турмайди”. Устоз шундай дебди: “Яхши. Мен хизматга бораман”.

¹⁴⁷ Янг Хуо (阳货 Yang Huo) ёки Янг Ху (阳虎 Yang Hu) – Лу ҳокимлигидаги Жи кавми хонадонининг энг ишончли шахсий амалдори. Ўша даврда Лу ҳокимлиги ҳокимиятини Жи Шининг кўлида бўлган. Янг Хуо эса бу пайтда Жи Шининг қудратли таёғи бўлиб ҳокимиятни бошқарган.

(2) 子曰：“性相近也，习相远也。”

Устоз деди: “Кишиларнинг табиати дастлаб ўзаро якин эди. Урф-одатларнинг турлилиги сабабли аста-секин фарқлар кучайди”.

(3) 子曰：“唯上智与下愚不移。”

Устоз деди: “Фақат юқори даражали энг ақлли киши ва қуйи даражали энг тентак кишигина ўзгармайдилар”.

(4) 子之武城，闻弦歌之声，夫子莞尔而笑曰：

“割鸡焉用宰牛刀。”子游对曰：“昔者偃也闻诸夫子曰：

‘君子学道则爱人，小人学道则易使也。’”子曰：

“二三子，偃之言是也。前言戏之耳。”

Устоз Учэнга келганида цитра жўрлигидаги кўшик овозини эшитиб табассум билан деди: “Товуқ сўйиш учун сигир бўғизлайдиган пичоқни ишлатиш не даркор?” Зийоу жавоб берди: “Илгари Устоздан эшитганим бор эди: “Олижаноб инсон маросим тартиблари ва мусикани ўрганса, у халқни сева олади. Ҳақир одам маросим тартиблари ва мусикани ўрганса, уни итоат эттириш осон кечади””. Устоз деди: “Болалар, у тўғри гапирди. Менинг ҳозиргина айтган гапим ҳазил эди, холос”.

(5) 公山弗扰以费畔，召，子欲往，子路不说，

曰：“未之也已，何必公山氏之之也！”子曰：“夫召我者岂徒哉！如有用我者，吾其为东周乎！”

Гонгшан Фурао¹⁴⁸ Ми ноҳиясида кучга кириб кўзғолон кўтарди ва Устозни чорлади. Устоз боришга қарор қилди. Зилу хафа бўлиб деди: “Боришга бошқа

¹⁴⁸ Гонгшан Фурао (公山弗扰 Gongshan Furaο) – Жи Шининг шахсий амалдори.

макон бўлмаса на илож. Лекин Гонгшанникига боришнинг нима кераги бор?” Устоз деди: “У мени чорлади. Ахир у мени беҳудага чақирдимми? Агар бирор кимса мени хизматга олса, мен Шарқда Жоуларнинг йўлини тиклайман”.

(6) 子张问仁于孔子，孔子曰：“能行五者于天下，为仁矣。”请问之。曰：“恭宽信敏惠。恭则不侮，宽则得众，信则人任焉，敏则有功，惠则足以使人。”

Зижанг Устоздан инсонпарварлик ҳақида сўради. Устоз деди: “Дунёдаги бешта фазилатни амалга ошира оладиган одам инсонпарвардир.” Зижанг: “Шу беш фазилатни айтиб беринг-чи”, – деди. Устоз деди: “Жиддийлик, бағри кенглик, ишончлилик, қобилият, меҳр-мурувват. Инсон жиддий бўлса, кишиларнинг таҳқирига дучор бўлмайди. Кишиларга нисбатан бағри кенг бўлса, барчанинг таҳсинига сазовор бўлади. Ўзгалар билан муносабатда ишончли бўлса, уларнинг ишончини қозонади. Қобилиятли бўлса, муваффақиятларга эришади. Меҳр-мурувватли бўлса, халқни итоат эттириш осон бўлади”.

(7) 佛肸召，子欲往。子路曰：“昔者由也闻诸夫子曰：亲于其身为不善者，君子不入也。佛肸以中牟畔，子之往也如之何？”子曰：“然。有是言也：不曰坚乎，磨而不磷；不曰白乎，涅而不缁。吾其抱瓜也哉？焉能系而不食。”

Би Си¹⁴⁹ Устозни чорлади. Устоз ҳам боришни истади. Зилу деди: “Мен илгари сиз Устоздан шуни эшитган эдим: “Шахсан ўзи ёмон ишлар қиладиган

¹⁴⁹ Би Си (佛肸 Bi Xi) – Жин ҳокимлигидан бўлмиш амалдор Фан Жонгсинг (范中行 Fan Zhongxing)нинг шахсий амалдори, Жонгмоу (中牟 Zhongmou) ноҳияси бошлиғи.

одамникига олижаноб инсон асло бормайди”. Би Си Жонгмоуда куч йиғиб исён кўтаряпти. Сиз эса уникага бормоқчисиз. Буни қандай изоҳлаш мумкин?” Устоз деди: “Ҳа, мен бундай гапни айтганман. Лекин қаттиқ нарсани қанча ишқалама у юпқалашмайди, демаганмидим? Оппоқ нарсани қанча бўяма у қора бўлиб қолмайди, демаганмидим? Мен қовоқмидимки, фақат боғлаб илиб қўйилиб, бошқаларга ейишга бериб бўлмаса?”

(8) 子曰：“由也，汝闻六言六蔽矣乎？”对曰：“未也。”
”“居，吾语汝。好仁不好学，其蔽也愚；好知不好学，其蔽也荡；好信不好学，其蔽也贼；好直不好学，其蔽也绞；好勇不好学，其蔽也乱；好刚不好学，其蔽也狂。”

Устоз деди: “Жонг Йоу, сен олтита ахлоқий фазилат ва унинг олтита нуқсони ҳақида эшитганмисан?” Зилу йўқ деди. Устоз деди: “Ўтир! Мен сенга гапириб берай. Инсонпарварликни севиб, сабоқ олишни севмаслик, унинг нуқсони, осонгина аҳмоқ бўлиб қолишдадир. Доноликни севиб, сабоқ олишни севмаслик, унинг нуқсони, бебошликка олиб келади. Самимийликни севиб, сабоқ олишни севмаслик, унинг нуқсони ўзгаларга фойда, ўзига эса зарардир. Тўғрисиўзликни севиб, сабоқ олишни севмаслик, унинг нуқсони аччиқ сўзлар билан кишиларни яралаб қўйишидадир. Жасоратни севиб, сабоқ олишни севмаслик, унинг нуқсони ғалаён кўтаришга олиб келишидадир. Қатъийликни севиб, сабоқ олишни севмаслик, унинг нуқсони телба-тескариликка олиб келишидадир”.

(9) 子曰：“小子，何莫学夫诗？诗可以兴，可以观，可以群，可以怨。迩之事父，远之事君。多识于鸟兽草木之名。”

Устоз деди: “Болалар, нима учун “Шижинг”ни ўрганмайсизлар? “Шижинг”ни ўқиб-ўрганиш жараёнида рағбат ва илҳом олиш, ижтимоий ҳодисаларни кузатиш, бирдамлик туйғусини ўстириш, ёмон сиёсат устидан тўғри киноя қилиш усулини ўрганиш мумкин. Яқинидаги ота-онага хизмат қилишда ва узоқдаги ҳукмдорга хизмат қилишда “Шижинг”даги қоида-ю йўл-йўриқлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, кўплаб ҳайвон, қуш, ўсимлик ва дарахтларнинг номларини билиб олиш мумкин”.

(10) 子谓伯鱼曰：“汝为周南召南矣乎？
人而不为周南召南，其犹正墙面而立也与？”

Устоз Бо Юйга деди: “Сен “Жоунан”, “Шаонан”¹⁵⁰ларни ўрганиб чикдингми? Агар киши шу асарларни ўқиб-ўрганиб чикмаса, у худди деворга юзланиб туриб қолган кишидай олға юра олмайди”.

(11) 子曰：“礼云礼云，玉帛云乎哉？乐云乐云，
钟鼓云乎哉？”

Устоз деди: “Маросим, маросим, ахир биз сўз юрита-диган маросим фақат нефрит идиш ва шойи мато сингари маросим буюмларини ифодалайдими? Мусиқа, мусиқа, ахир биз сўз юритадиган мусиқа фақат қўнғироқ ва дўмбира сингари мусиқа асбобларини ифодалайдими?”

¹⁵⁰ “Жоунан”, “Шаонан” (“周南” Zhounan, “召南” Shaonan) – “Шижинг”да “Ҳокимликлар урфлари” (“国风” Guofeng) қисмидаги 1, 2-бўлимлар номи.

(12) 子曰：“色厉而内荏，譬诸小人，其犹穿窬之盗也与？”

Устоз деди: “Зоҳиран қаттиққўл, лекин ботинан заиф бўлган киши ҳақир одам билан қиёсланганда чоҳ казиб, девордан ошиб тушувчи ўғрига ўхшаса керак”.

(13) 子曰：“乡愿，德之贼也。”

Устоз деди: “Иккиюзламачи одамнинг ахлоқи заиф бўлади”.

(14) 子曰：“道听而途说，德之弃也。”

Устоз деди: “Йўлда миш-мишларга кулоқ тутиб, уни чор тарафга таркатиш бу ахлоққа хиёнат қилиш демакдир”.

(15) 子曰：“鄙夫，可与事君也与哉？其未得之也，患得之；既得之，患失之。苟患失之，无所不至矣。”

Устоз деди: “Разил одам билан биргаликда ҳукмдорга хизмат қилиб бўладими? У ҳали мансабга эришмаган пайтидан бошлаб эришиш ҳақида қайғуради. Мансабга эришганида эса уни йўқотиб қўйишдан кўрқади. Агар у мансабини йўқотиб қўйишдан кўрқса, у ҳеч нарсадан тап тортмайди”.

(16) 子曰：“古者民有三疾，今也或是之亡也。

古之狂也肆，今之狂也荡；古之矜也廉，

今之矜也忿戾；古之愚也直，今之愚也诈而已矣。”

Устоз деди: “Қадимги халқларнинг учта нуқсони бўлган. Ҳозиргиларда эса нуқсонлар илгариги кўринишида эмас. Қадимда мулоҳазасиз кишилар ўзбошимчалик билан кўзга тик боқиб гапирганлар. Ҳозирда эса мулоҳазасиз кишилар сурбетлик қиладилар. Қадимда манман кишилар ўз қобилиятларини кўз-кўз қилган-

лар. Ҳозирда эса манман кишилар безбетларча жанжал чиқарадилар. Қадимда аҳмоқ кишилар бир оз дангал бўлганлар. Ҳозирда эса аҳмоқ кишилар фирибгарлик қиладилар”.

(17) 子曰：“巧言令色，鲜矣仁。”

Устоз деди: “Сўзамоллик билан ўзини меҳрибон этиб кўрсатувчи кишиларнинг инсонпарварлиги оздир”.

(18) 子曰：“恶紫之夺朱也，恶郑声之乱雅乐也，恶利口之覆家邦者。”

Устоз деди: “Мен қизил рангнинг ўрнига сиёхрангдан фойдаланишларини жуда ёмон кўраман. Жэн ҳокимлиги миллий кўшиқлари билан мумтоз пойтахт оҳангларининг бузилишини, заҳарханда тил билан ҳокимлик одамларига путур етказганларини жуда ёмон кўраман”.

(19) 子曰：“予欲无言。”子贡曰：“子如不言，则小子何述焉？”子曰：“天何言哉。四时行焉，百物生焉。天何言哉！”

Устоз деди: “Мен ортиқ гапиришни истамайман”. Зигонг деди: “Сиз энди гапирмасангиз, биз толиблар нимани баён қиламиз?” Устоз деди: “Осмон гапиряптими? Тўрт фасл хар доимгидай ҳаракатда, барча жонзотлар одатдагидай ўсишда. Осмон сўзляптими?”

(20) 孺悲欲见孔子，孔子辞以疾，将命者出户，取瑟而歌，使之闻之。

Ру Бэй¹⁵¹ Устозни кўришни истади. Устоз бетоблигини сабаб қилиб кўришишни рад этди. Ру Бэйнинг илтимосини етказган киши эшиқдан чиқиши билан Устоз атайин Ру Бэй эшитсин учун цитрани олиб кўшиқ айта бошлади.

(21) 宰我问：“三年之丧，期已久矣。君子三年不为礼，礼必坏；三年不为乐，乐必崩。旧谷既没，新谷既升，钻燧改火，期可已矣。”子曰：“食夫稻，衣夫锦，于汝安乎？”曰：“安。”“汝安则为之。夫君子之居丧，食旨不甘，闻乐不乐，居处不安，故不为也。今汝安，则为之。”宰我出，子曰：“予之不仁也。子生三年，然后免于父母之怀。夫三年之丧，天下之通丧也。予也有三年之爱于其父母乎？”

Зай Во деди: “Фарзандларнинг ота-онасига уч йил аза тутиши жуда узоқ муддат. Олижаноб инсон уч йил маросим тартибларини машқ қилмаса, уларнинг заифлашиши муқаррар. Уч йил мусиқа ижро этмаса, мусиқанинг ташлаб қўйилиши муқаррар. Эски буғдой ғарамининг поёнига етиши, янги буғдойнинг униб чиқиши ҳамда ўтиннинг бир маротаба алмаштирилиши учун бир йилгина керак бўлади”. Устоз (Конфуций) шундай жавоб қилди: “Ота-онанг вафот этгач, уч йил тўлмай гуруч истеъмол қилсанг, кимхоб либос кийсанг, кўнглинг хотиржам бўладими?” Зай Во: “Хотиржам бўлади”, – дея жавоб берди. Устоз деди: “Кўнглинг хотиржам бўлса, унда сен шундай йўл тутавер! Олижаноб инсон азадор вақтида мазали

¹⁵¹ Ру Бэй (孺悲 Ru Bei) – Лу ҳокимлигидан бўлмиш шахс. Ҳоким Лу Ай уни Конфуцийдан дафн маросими хизматини ўрганиб келиш учун юборган.

таомлар истеъмол қилса, лаззатланмайди, мусиқа тингласа, қувона олмайди, яшаётган хонасида қулайлик ҳис қилолмайди. Модомики шундай экан, у бундай йўл тута олмайди. Лекин ҳозир сенинг кўнглинг хотиржам бўлса, сен шундай йўл тутавер!” Зай Во чиқиб кетгач, Устоз деди: “Зай Юйнинг инсонпарварлиги йўк! Фарзанд дунёга келгач, уч йилдан сўнгина ота-она кучоғидан ерга тушади. Ота-онага уч йил аза тутиш бу Дунёда умумқабул қилинган мотам русумидир. Наҳотки, Зай Во ота-онасининг кучоғида уч йил суйиб эркалатилмаган бўлса?”

(22) 子曰：“饱食终日，无所用心，焉矣哉！
不有博弈者乎，为之犹贤乎已。”

Устоз деди: “Кун бўйи тўйиб овқатланиб мияни ишлатмаслик жуда оғир! Лекин шахмат деган ўйин бор эмасми? Бу билан машғул бўлиш бекорчиликдан яхши”.

(23) 子路曰：“君子尚勇乎？”子曰：“君子义以为上，
君子有勇而无义为乱，小人有勇而无义为盗。”

Зилу деди: “Олижаноб инсон жасоратга интиладими?” Устоз деди: “Олижаноб инсон энг олий фазилатни бурч деб билади. Олижаноб инсон жасоратли бўлиб, бурч туйғуси бўлмаса, у қароқчилик қилади”.

(24) 子贡曰：“君子亦有恶乎？”子曰：“有恶。
恶称人之恶者，恶居下流而讪上者，恶勇而无礼者，
恶果敢而窒者。”曰：“赐也亦有恶乎。恶敷以为知者，
恶不孙以为勇者，恶讦以为直者。”

Зигонг деди: “Олижаноб инсон ҳам аллакимлардан нафратланиши мумкинми?” Устоз деди: “Мумкин. У ўзгаларнинг ёмонликларини овоза қилувчи кишилар-

дан, ўзидан юқори мансабдагиларга иғво қилувчи кишилардан, жасур, лекин беандиша кишилардан, қатъиятли, лекин нажотсиз жоҳиллардан нафратланади”. Устоз деди: “Ци, сен нафратланадиган кишилар борми?” Зигонг деди: “Мен бошқаларнинг муваффақиятларига тақлид қилиб ўрганиб, ўзини доно деб хисоблайдиган кишилардан, итоатсизликни мардлик деб биладиган кишилардан, ўзгаларнинг сирини фош қилишни тўғрисиўзлик деб биладиган кишилардан нафратланаман”.

(25) 子曰：“唯女子与小人为难养也。近之则不孙，远之则怨。”

Устоз деди: “Фақат аёллар ва ҳақир одамлар билангина муомала қилиш мушкул. Яқинлашсанг, такаллуфсизлик қиладилар. Йироқлашсанг, нафратланадилар”.

(26) 子曰：“年四十而见恶焉，其终也已。”

Устоз деди: “Инсон қирқ ёшга тўлган чоғида кишилар ундан нафратланадиган бўлса, унинг бу ҳаёти яқун топди ҳисоб”.

微子第十八 XVIII. Вэйзи

(1) 微子去之，箕子为之奴，比干谏而死。孔子曰：“殷有三仁焉。”

Қирол Ин Жоу¹⁵² ҳақ йўлдан юрмагани сабабли, Вэйзи¹⁵³ уни тарк этди. Жизи¹⁵⁴ унинг қулига айланди.

¹⁵² Қирол Ин Жоу (殷纣王 Yin Zhou wang) – Шанг сулоласининг сўнгги қироли. М.а. 1075–1046 йиллари ҳукмронлик қилган.

Би Ган¹⁵⁵ панд-насихат қилишга ҳаракат қилгани учун катл этилди. Устоз деди: “Ин сулоласи даврида учта инсонпарвар бўлган!”

(2) 柳下惠为士师，三黜，人曰：“子未可以去乎？”
”曰：“直道而事人，焉往而不三黜；枉道而事人，何必去父母之邦。”

Лиюся Хуй қози лавозимда фаолият юритган пайтида кўп маротаба ишдан бўшатирилган. Ундан сўрашди: “Сиз Лу ҳокимлигини тарк этсангиз бўлмайдими?” Лиюся Хуй деди: “Ҳақ йўлидан бориб, инсонларга хизмат қилсам, қайга бормай ҳадеб ишдан бўшатишавермайдими? Қинғир йўлга кириб инсонларга хизмат қилсам, ватанимни тарк этишим керакми?”

(3) 齐景公待孔子，曰：“若季氏则吾不能，
以季孟之间待之。”曰：“吾老矣，不能用也。”孔子行。

Ҳоким Чи Жинг Устоз билан қандай муомалада бўлиш кераклиги сўзлаб шундай деди: “Лу ҳокимлиги ҳукмдори Жи Шига муомала қилгандай мен Конфуций билан бунақа муомалада бўлолмайман. Жи Ши катта амалдор, Мэнг Ши кичик амалдор, Конфуций эса буларнинг ўртасидаги мавқеда бўлгандай муносабатда бўламан”. Кейин яна деди: “Мен кексайиб қолдим.

¹⁵³ Вэйзи (微子 Weizi) – қирол Ин Жоунинг она томондан ўғай акаси бўлиб, у қиролнинг золимлигини кўриб унга насихат қилади ва натижа бўлмагач, қирол саройини тарк этади.

¹⁵⁴ Жизи (箕子 Jizi) – қирол Ин Жоунинг амакиси. У қиролнинг зулмкор бошқарувини кўриб насихат қилади, қирол эса тингламайди. У сочини таги билан олиб ташлаб ўзини телбаликка солади. Лекин буни сезган қирол Жизини ҳибсга олиб уни қул қилади.

¹⁵⁵ Би Ган (比干 Bi Gan) – қирол Ин Жоунинг амакиси. У ҳам қиролга кўп маротаба насихат қилиб, қиролнинг қаҳрига учрайди. Қирол: “Айтишларича, донишмандларнинг юрагида етгита тешик бўлар экан”, – деб Би Ганнинг юрагини очади ва у ҳалок бўлади.

Энди уни хизматга ола олмайман”. Шунда Устоз Чи ҳокимлигини тарк этди.

(4) 齐人归女乐，季桓子受之，三日不朝，孔子行。

Чуликлар кўплаб кўшиқчи қиз ва раққосаларни юбор-дилар. Жи Хуанзи¹⁵⁶ қабул қилди. Бир неча кун саройда сиёсий масалалар муҳокама қилинмади. Шунда Устоз Лу ҳокимлигини тарк этди.

(5) 楚狂接輿歌而过孔子曰：“凤兮凤兮，何德之衰。往者不可谏，来者犹可追。已而已而，今之从政者殆而。”孔子下，欲与之言，趋而避之，不得与之言。

Чулик телба қаландар Устознинг араваси олдидан ўтиб кетаётганида шундай кўшиқ куйлади:

“О қакнус, қакнус!

Нечун камайди хайрли амалларинг,

Ўтмишдагиларни таъна қилолмаймиз,

Келажакдагини тўғрилашга улгураимиз.

Бўлди етар, етар энди! Бугунги сиёсатдонлардан эҳтиёт бўлмоқ керак”. Устоз у билан суҳбалашмоқчи бўлиб аравадан тушди. Бироқ қаландар тез-тез юриб кетиб қолди ва Устоз у билан сўзлаша олмади.

(6) 长沮桀溺耦而耕，孔子过之，使子路问津焉。

长沮曰：“夫执舆者为谁？”子路曰：“为孔丘。”曰：“是鲁孔丘与？”曰：“是也。”曰：“是知津矣。”问于桀溺，桀溺曰：“子为谁？”曰：“为仲由。”

”曰：“是鲁孔丘之徒与？”对曰：“然。”曰：“滔滔者天下皆是也，而谁以易之。且而与其从避人之士也，岂若从避世之士哉？”犹而不辍。子路行以告，夫子怃然曰：

¹⁵⁶ Жи Хуанзи (季桓子 Ji Huanzi) ёки Жисун Си (季孙斯 Jisun Si) – Лу ҳокимлигининг бош вазири.

“鸟兽不可与同群，吾非斯人之徒与而谁与？天下有道，丘不与易也。”

Чанг Жюй ва Жие Ни¹⁵⁷ иккиси бирга ер хайдардилар. Устоз у ердан ўта туриб Зилуни кечув жойи қаердалигини аниқлаб келиш учун жўнатди. Чанг Жюй Зилудан сўради: “Отнинг уловини ушлаб турган анави киши ким?” Зилу деди: “Конг Чию”. Чанг Жюй деди: “У Лу ҳокимлигидан бўлмиш Конг Чиюми?” Зилу тасдиқ жавобини берди. Чанг Жюй деди: “У ўзи билади кечув жойи қаердалигини”. Шунда Зилу сўраш учун Жие Нининг олдига борди. Жие Ни: “Сиз кимсиз?” – деб сўради. Зилу: “Жонг Йоуман”, – деб жавоб берди. Жие Ни сўради: “Лу ҳокимлигидан бўлмиш Конг Чиюнинг шогирдимисиз?” Зилу тасдиқ жавобини берди. Жие Ни деди: “Бутун дунё сув тошқинидаги сингари ағдар-тўнтар бўлиб кетган. Сиз бу дунёни ким билан бирга ўзгартирмоқчисиз? Адолатсиз ҳукмдорлардан қочиб юрувчи Конг Чиюдек одамга эргашгандан кўра биз каби воқеликдан қочувчи зоҳидларга эргашган маъқул эмасми?” У ҳам сўзлаб, ҳам сепилган уруғни тупроқ билан тўхтамай кўмиб чиқаётган эди. Зилу қайтиб келиб Устозга эшитганларини гапириб берди. Устознинг дили сиёҳ бўлиб, деди: “Биз тоғ, ўрмонлардаги куш ва ҳайвонлар билан муомалада бўлолмаймиз-ку! Агар инсонлар билан муносабатда бўлмасак, яна ким билан ҳам бўла олардик? Агар Дунёда тинчлик-осойишталик бўлганида мен сизлар билан бир йўлда инқилоб қилмаган бўлардим”.

¹⁵⁷ Чанг Жюй (长沮 Chang Ju) ва Жие Ни (桀溺 Jie Ni) – дарвешлар. Уларнинг асл шарифлари номаълум.

(7) 子路从而后，遇丈人，以杖和茗，子路问曰：“子见夫子乎？”丈人曰：“四体不勤，五谷不分，孰为夫子？”植其杖而耘。子路拱而立，止子路宿，杀鸡为黍而食之，见其二子焉。明日，子路行以告，子曰：“隐者也。”使子路反见之，至则行矣。子路曰：“不仕无义。长幼之节，不可废也。君臣之义，如之何其废之。欲洁其身，而乱大伦。君子之仕也，行其义也，道之不行，已知之矣。”

Зилу Устознинг бутун Хитой ҳокимликлари бўйлаб саёхатида ҳамроҳлик қилиб бир сафар орқада қолиб кетибди. У таёқ дастали ўтоқ анжомини елкасида ортиб келаётган қарияни учратиб қолибди ва ундан сўрабди: “Сиз менинг Устозимни кўрдингизми?” Қария дебди: “Тўрт мучаси соғ, лекин меҳнат қилмаган, беш хил донни бир-биридан фарқлай олмайдиган одам қайдан ҳам устоз ҳисоблансин?” Қария таёғини ерга қадаб ўтларни юлишга киришибди. Зилу эса қўлини бирлаштириб таъзим қилганча тураверибди. Қария Зилуни уйда тунашга таклиф қилиб, товук сўйибди, тариқдан таом тайёрлаб берибди. Яна икки ўғлини чорлаб улар билан ҳам таништирибди. Иккинчи куни Зилу Устозга етиб олибди ва бўлган воқеани гапириб берибди. Устоз дебди: “Бу бир дарвешдир”. У Зилуни қарияни кўришга қайтариб юборибди. Зилу қариянинг уйига борса, у кетиб қолган экан. Зилу дебди: “Давлат ишида хизмат қилмайдиган одамлар ноҳақдирлар. Катта ва кичик ўртасидаги муносабатларни рад этиб бўлмайди-ку. Ҳукмдор ва амалдор ўртасидаги мажбуриятларни қандай рад этиш мумкин? Шахсий покликка интилиб, ҳукмдор ва амалдор ўртасидаги бундай буюк ахлоқий риштага зиён етказадилар. Олижаноб инсон амалдорликка фақат хизмат бурчини адо этиш учун боради.

Ўзининг қарашларининг ҳаётга татбиқ этилмаслигини эса олдиндан билади”.

(8) 逸民，伯夷、叔齐、虞仲、夷逸、朱张、柳下惠、少连¹⁵⁸。子曰：“不降其志，不辱其身，伯夷、叔齐与？”谓柳下惠、少连：“降志辱身矣。言中伦，行中虑，其斯而已矣。”谓虞仲、夷逸：“隐居放言，身中清，废中权。”“我则异于是，无可无不可。”

Зоҳид дарвешлар: Бо И, Шу Чи, Юй Жонг, И И, Жу Жанг, Лиюся Хуй, Шао Лиян бўлганлар. Устоз деди: “Ўз интилишларини камситмай, ўзини шарманда қилмаган булар Бо И ва Шу Чи бўлса керак?” Лиюся Хуй, Шао Лиян ҳақида сўзлаб деди: “Ўз интилишларини камситиб ўзини шарманда қилган, лекин сўзлари ахлоқийликка мувофиқ, амаллари эса яхши ўйлаб бажарилган. Булар шундай бўлишган!” Юй Жонг ва И И ҳақида сўзлаб деди: “Улар таркидунё қилганлар, тирикчилик ташвишлари ҳақида сўзламаганлар, ўзларини пок сақлаганлар, хизматни тарк этиб мослаша олганлар. Мен эса улардан фарқлиман. Шундай йўл тутса ҳам бўлади, тутмаса ҳам бўлади”.

(9) 太师挚适齐，亚饭干适楚，三饭缭适蔡，四饭缺适秦，鼓方叔入于河，播鼓武入于汉，少师阳、击磬襄入于海。

Лу ҳокимлигининг бош мусиқачиси Жи Чи ҳокимлигига жўнаб кетди. Иккинчи таом мусиқачиси¹⁵⁹ Ган

¹⁵⁸ Юй Жонг (虞仲 Yu Zhong), И И (夷逸 Yi Yi), Жу Жанг (朱张 Zhu Zhang), Шао Лиян (少连 Shao Lian) – бу тўрт кишининг шахси номаълум.

¹⁵⁹ Қадимги Хитойда ҳокимларнинг тамадди қилиш пайтида ҳар бир таомдан сўнг турли хил мусиқа ижро этилган. Бу мусиқалар “иккинчи таом мусиқаси”, “учинчи таом мусиқаси”, “тўртинчи таом мусиқаси” деб аталган. Шунингдек, бу таом мусиқаларини алоҳида-алоҳида мусиқачилар ижро этганлар ва шунга мувофиқ номланганлар.

Чу ҳокимлигига, учинчи таом мусиқачиси Лияо Цай ҳокимлигига, тўртинчи таом мусиқачиси Чюэ Чин ҳокимлигига жўнаб кетди. Дўмбира чалувчи мусиқачи Фангшу Хуангхэ дарёсининг нариги қирғоғидаги худудга жўнади. Кичик дўмбира чалувчи мусиқачи У Ханшуй дарёси томонларга, бош мусиқачининг ёрдамчиси Янг ва чинг ижро этувчи мусиқачи Сиянг денгиз ортига жўнаб кетдилар.

(10) 周公谓鲁公曰：“君子不施其亲，
不使大臣怨乎不以。故旧无大故，则不弃也。
无求备于一人。”

Жоугонг Лугонга деди: “Олижаноб инсон қавму қариндошларига нисбатан беъътибор бўлмайди. Амалдорларнинг хизматидан фойдаланмаганликлари учун шикоят қилишларига мажбур этмайди. Кекса хизматчи ва кадрдон дўстлар катта хатоликка йўл қўймасалар, улардан воз кечмайди. Ҳамма айбни бир кишининг бўйнига илиб қўймайди”.

(11) 周有八士：伯达、伯适、仲突、仲忽、叔夜、
叔夏、季随、季媯。

Жоу сулоласи даврида саккиз нафар машхур зиёли инсон бўлган. Булар Бо Да, Бо Шэ, Жонг Ту, Жонг Ху, Шу Йэ, Шу Ся, Жи Суй, Жи Гуа.

子张第十九 XIX. Зижанг

(1) 子张曰：“士见危致命，见得思义，祭思敬，
丧思哀，其可已矣。”

Зижанг деди: “Зиёли инсон хавф-хатарга дуч келганда ўз жонини беришга журъати етади. Эришиш

мумкин бўлган манфаатни учратганида бурч талабига мувофиқ келадими ёки йўқми, шуни ўйлайди. Курбонлик келтириш чоғида эҳтиромни ўйлайди. Азадор пайтида қайғуни ўйлайди!”

(2) 子张曰：“执德不弘，信道不笃，焉能为有，焉能为亡？”

Зижанг деди: “Қатъият билан ахлоқий фазилатни ҳимоя қилолмаса, самимийлик билан адолатга ишон-маса, бундай одамнинг бу ёруғ оламда борлиги ҳам кўп эмас, йўқлиги ҳам оз эмас”.

(3) 子夏之门人，问交于子张。子张曰：“子夏云何？”对曰：“子夏曰：可者与之，其不可者拒之。”子张曰：“异乎吾所闻。君子尊贤而容众，嘉善而矜不能。我之大贤与，于人何所不容；我之不贤与，人将拒我，如之何其拒人也？”

Зисянинг шогирди Зижангдан бир инсон билан қандай дўстлашиш кераклигини сўради. Зижанг деди: “Зися нима деган эди?” Зисянинг шогирди жавоб берди: “Зися: “Дўстлашишга муносиб кишилар билан мулоқотга кириш, муносиб бўлмаган кишилар билан дўстлашишдан воз кеч!” деган эди. Зижанг деди: “Мен эса бошқасини эшитганман: Олижаноб инсон фозил кишиларни ҳурмат қилади ва ҳамма нарсага тоқат қилади. Яхши кишиларни мақтайди ва шу билан бирга қобилиятсизларга ҳамдард бўла олади. Мен буюк фозил бўлганимда қандай қилиб ўзгаларга тоқат қилмаслигим мумкин эди? Мен бир фазилатсиз киши бўлганимда, бошқалар мен билан муносабатда бўлишни рад этсалар, мен қандай қилиб улардан воз кеча олардим?”

(4) 子夏曰：“虽小道，必有可观者焉。致远恐泥，是以君子不为也。”

Зися деди: “Ҳатто кичик йўл ҳам ўзининг афзалликларига эга. Лекин узоқ мақсадни кўзлаб турганда бу йўлда ушланиб қолишдан кўрқаман. Шунинг учун олижаноб инсон ўз ҳаракатларини кичик йўлда зое кетказмайди”.

(5) 子夏曰：“日知其所亡，月无忘其所能，可谓好学也已矣。”

Зися деди: “Ҳар куни янги билимларни ўзлаштира олса, ҳар ой олган билимларини такрорлаб турса, буни билим олишни севмак дейиш мумкин”.

(6) 子夏曰：“博学而笃志，切问而近思，仁在其中矣。”

Зися деди: “Кенг кўламда билим олиб, ўзининг мақсад-интилишларини ҳимоя қила олиш, ўзи ташвишланган саволлар ҳақида кўп сўраб ва булар устида мулоҳаза юритиш, инсонпарварлик мана шунда ўз аксини топган”.

(7) 子夏曰：“百工居肆以成其事，君子学以致其道。”

Зися деди: “Турли соҳа хунармандлари устахоналарида ўз ишларини бажарадилар. Олижаноб инсон билим олиш орқали ҳақ йўлни ўзлаштиради”.

(8) 子夏曰：“小人之过也必文。”

Зися деди: “Ҳақир одам, албатта, ўзи қилган хатони хаспўшлашнинг йўлини топади”.

(9) 子夏曰：“君子有三变：望之俨然，即之也温，听其言也厉。”

Зися деди: “Олижаноб инсон ҳақидаги тасаввур уч хил кўринишга эга. Узоқдан қараганда у жуда жиддий

кўринади. Яқинлашгач, у мулойим туйилади. Унинг гапларини эшитганда чўрткесар бўлиб кўринади”.

(10) 子夏曰：“君子信而后劳其民，未信则以为厉己也。信而后谏，未信则以为谤己也。”

Зися деди: “Олижаноб инсон халқнинг ишончини қозонгачгина уни итоат эттиради. Ишончни қозонмай итоат эттирса, халқ буни ўзига нисбатан зулм ўтказиш деб биледи. Олижаноб инсон ҳукмдорнинг ишончини қозонгачгина унга панд-насихат қилади. Ишончни қозонмай туриб насихат қилса, ҳукмдор буни ўзига нисбатан қоралаш деб ҳисоблайди”.

(11) 子夏曰：“大德不逾闲，小德出入，可也。”

Зися деди: “Инсон йирик маънавий негизларда чегарадан чиқиб кета олмайди. Кичик ахлоқий хатти-ҳаракатларда эса бир озгина четга чиқишлар бўлиб туриши мумкин”.

(12) 子游曰：“子夏之门人小子，当洒扫应对进退，则可矣。抑末也，本之则无，如之何？”子夏闻之曰：“噫，言游过矣！君子之道，孰先传焉，孰后倦焉。譬诸草木，区以别矣。君子之道，焉可诬也。有始有卒者，其惟圣人乎？”

Зийоу деди: “Зисянинг шогирдлари фақат тўкилган шаробни артиб тозалаш ва меҳмонларни кузатиш ишларини эплашлари мумкин. Лекин булар майда ишлар. Улар қандай қилиб инсон бўлиш кераклиги, бунинг асосларини ўрганмаганлар. Бу қандай бўлиши мумкин?” Зися буни эшитиб жавоб берди: “Эҳ, Ян Йоу адашяпти! Олижаноб инсон илмининг қайси қисмини олдин, қайси қисмини кейин эканини билишда буни ўсимлик ва дарахтлар сингари туркумларга ажратиш

керак. Олижаноб инсоннинг илмини қандай қилиб шундай бемалол бузиб талқин қилиш мумкин? Таълим беришда толибларга боши ва ниҳоясини узлуксиз тартиб билан олиб борувчи инсон фақат донишманд бўлса керак!”

(13) 子夏曰：“仕而优则学，学而优则仕。”

Зися деди: “Хизматдан ортган кучинг, вақтинг бўлса, билим ол. Билим олишда ортикча кучинг, вақтинг бўлса, хизмат қил”.

(14) 子游曰：“丧致乎哀而止。”

Зийоу деди: “Мотам тутиш қайғуни ифода этса бўлди”.

(15) 子游曰：“吾友张也，为难能也，然而未仁。”

Зийоу деди: “Менинг дўстим Зижанг жуда нодир одам, шу боис жуда қимматли инсондир. Лекин у хануз инсонпарварликка эришмаган”.

(16) 曾子曰：“堂堂乎张也，难与并为仁矣。”

Зэнгзи деди: “Зижангнинг кўриниши жуда салобатли, лекин у билан инсонпарварликка эришиш жуда мушкул”.

(17) 曾子曰：“吾闻诸夫子：人未有自致者也，必也亲丧乎？”

Зэнгзи деди: “Устозим шундай деган эди: “Киши ўзининг ҳақиқий ҳис-туйғуларини тўла намоён эта олмайди. Агар унда ҳақиқий туйғулар бўлса, албатта, ота-онаси вафот этган чоғида намоён бўлади”.

(18) 曾子曰：“吾闻诸夫子：孟庄子之孝也，其他可能也，其不改父之臣，与父之政，是难能也。”

Зэнгзи деди: “Устозим шундай деган эди: “Мэнг Жуангзининг ота-онасига кўрсатадиган эхтиромини биласиз. Бу бошқаларнинг ҳам кўлидан келади. Лекин у отасининг эски хизматчилари ва унинг бошқарув тадбирларини ўзгартирмаганлигини бошқаларнинг бажара олиши жуда мушкул”.

(19) 孟氏使阳肤为士师，问与曾子，曾子曰：

“上失其道，民散久矣。如得其情，则哀矜而勿喜。”

Мэнг Сун Ши Янг Фу¹⁶⁰ни қози этиб тайинлади. Шунда Янг Фу Зэнгзидан қандай қозилик қилиш кераклигини сўради. Зэнгзи шундай деди: “Юқори мансабдаги кишилар адолатга мувофиқ иш қилмайдилар. Бунга аҳолининг амин бўлганига анча бўлган. Сен жиноятнинг асл моҳиятини очганингда, ўз хизматларинг учун мағрурланиб кетмай, кишиларнинг қайғу-ғамларига ҳамдард бўл”.

(20) 子贡曰：“纣之不善，不如是之甚也。

是以君子恶居下流，天下之恶皆归焉。”

Зигонг деди: “Қирол Ин Жоу ҳозир ривоят қилаётганларидек, унчалик золим бўлмаган, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам олижаноб инсон лойқа сув тўпланадиган қуйи оқим ҳудудларда яшашни ёмон кўради. Чунки Дунёдаги барча ёмон номлар унга ёпишади”.

¹⁶⁰ Янг Фу (阳肤 Yang Fu) – Зэнгзининг шогирди.

(21) 子贡曰：“君子之过也，如日月之食焉。过也，人皆见之；更也，人皆仰之。”

Зигонг деди: “Олижаноб инсоннинг хатоликка йўл кўйиши худди кўёш ёки ойнинг тутилишига ўхшайди. У хато қилганда ҳамма уни кўради. Хатосини тузатар экан, ҳамманинг кўзи унда бўлади”.

(22) 卫公孙朝问于子贡曰：“仲尼焉学？”子贡曰：“文武之道，未墮于地，在人。贤者识其大者，不贤者识其小者，莫不有文武之道焉，夫子焉不学，而亦何常师之有！”

Вэй ҳокимлигидан бўлмиш Гонгсун Чао¹⁶¹ Зигонгдан сўради: “Жонг Ни кимдан сабоқ олган?” Зигонг деди: “Қирол Жоу Вэн ва қирол Жоу ҳақ йўлни танлашган. Ҳануз инсонлар орасида авлоддан – авлодга ўтиб келади. Фозил инсон унинг негизини топа олади. Фазилатсиз киши эса унинг фақат арзимаган бўлагини топа олади. Қирол Жоу Вэн ва қирол Жоуларнинг ҳақ йўли бор. Устозим буни истаса, ўргана олади? Бунинг учун ўқитувчи бўлиш шарт эмас?”

(23) 叔孙武叔语大夫于朝曰：“子贡贤于仲尼。”子服景伯以告子贡，子贡曰：“譬之宫墙。赐之墙也及肩，窥见室家之好。夫子之墙数仞，不得其门而入，不见宗庙之美，百官之富。得其门者或寡矣。夫子之云，不亦宜乎？”

Шусун Ушу¹⁶² саройда амалдорларга: “Зигонг усто-зи Жонг Нидан ҳам фозилроқ”, – деди. Зифу Жингбо

¹⁶¹ Гонгсун Чао (公孙朝 Gongsun Chao) – Вэй ҳокимлигида хизмат қилган амалдор.

¹⁶² Шусун Ушу (叔孙武叔 Shusun Wushu) – Лу ҳокимлигида хизмат қилган амалдор. Исми Жоучоу (州仇 Zhouchou).

буни Зигонга сўзлаб берди. Зигонг деди: “Агар панжара деворни киёс тариқасида олсак, менинг панжара деворим елка баландлигида. Ҳар қандай деворнинг ортидан туриб уйнинг гўзаллигини кўриш мумкин. Устозимнинг панжара девори эса яна бир неча рэн¹⁶³ баланд. Агар кириш эшигини топа олмасангиз, унинг ичидаги ибодатхонанинг гўзаллиги ва хонақоҳларнинг серҳашамлигини кўра олмайсиз. Эшикни топа оладиган киши эса унчалик кўп эмас. Жаноб Шусун Ушуннинг шундай дейиши жуда ҳам табиий.”

(24) 叔孙武叔毁仲尼，子贡曰：“无以为也。仲尼，不可毁也。他人之贤者，丘陵也，犹可逾也。仲尼，日月也，无得而逾焉。人虽欲自绝，其何伤于日月乎？多见其不知量也。”

Шусун Ушу Жонг Нига иғво қилди. Зигонг деди: “Бундай қилишнинг фойдаси йўқ! Жонг Нини ёмон отлик қилиб бўлмайди. Бошқа фозил кишиларнинг фазилатини қир-адирларга киёсласак, уларга етиб олиш мумкин. Жонг Нининг фазилатлари куёш ва ойга киёсланса, унга етишнинг иложи йўқ. Бирор кимса куёш ва ойдан воз кечмоқни истаса, бунинг куёш ва ойга қандай зарари бўлиши мумкин? У фақатгина ўзининг куч ва имкониятларини ҳисобга олмаганини кўрсатади, холос”.

¹⁶³ Рэн (仞 ren) – Қадимги Хитойда узунлик ўлчов бирлиги. 1 рэн тахминан 2,5 метрга тенг.

(25) 陈子禽谓子贡曰：“子为恭也，仲尼岂贤与子乎？”
子贡曰：“君子一言以为知，一言以为不知，言不可不慎也。夫子之不可及也，犹天之不可阶而升也。夫子之得邦家者，所谓立之斯立，道之斯行，绥之斯来，勤之斯和。其生也荣，其死也哀。如之何其可及也？”

Чэн Зичин Зигонга деди: “Сиз жуда камтаринсиз-да. Ахир Жонг Ни сиздан кўра фозилроқ эмас-ку?” Зигонг деди: “Олижаноб инсоннинг айтган бир сўзи унинг донолигини кўрсатиши, сўзлаган бир сўзи унинг аҳмоқлигидан далолат бериши мумкин. Шунинг учун сўзлаганда эҳтиёткор бўлмоқ керак. Устозим мен учун шунчалик юксакки, унга етиш осмонга зинапоя билан чиқишдек гап. Агар менинг устозим ҳоким ёки амалдор бўлганида эди, у халқни ахлоқ қоидаларига амал қилишга чорласа, халқ бунга амал қилади. Халқни ҳақ йўлдан юришга бошласа, халқ унинг ортидан юради. Маҳаллий халққа ғамхўрлик қилса, узоқдаги халқ унга келиб кўшилади. Халқни рағбатлантирса, халқ бир ёқадан бош чиқаради. Устоз ҳаёт чоғида жуда ҳурмат-эҳтиромда эди. Унинг вафотидан кейин эса кишилар ғам чекиб кўз ёш тўкяптилар. Мен унга қандай етишим мумкин?”

尧曰第二十

XX. Яо дедки

(1) 尧曰：“咨，尔舜，天之历数在尔躬，允执其中。四海困穷，天禄永终。”舜亦以命禹，曰：“予小子履，敢用玄牡，敢昭告于皇皇后帝，有罪不敢赦，帝臣不蔽，简在帝心。朕躬有罪，无以万方，万方有罪，罪在朕躬。周有大赉，善人是富。虽有周亲，不如仁人。百姓有过，在予一人。谨权量，审法度，修废官，四方之政行焉。兴灭国，继绝世，举逸民，天下之民归心焉。所重民，食丧祭。宽则得众，信则民任焉，敏则有功，公则说。”

Яо деди: “Бале Шун! Осмон белгилаган тартибга кўра император ўрни сенинг чекингга тушди. Ҳалоллик билан ана шу оқил мўътадилликни сакла. Дунё аҳли агар кашшокликка тушиб қолса, само сенга инъом қилган мансаб бир умрга бекор қилинади”. Шун ҳам Юйга шундай насихат қилган.

Шанг Танг деди: “Камина Люй қора ҳўкизни сўйиб, қурбонлик келтиришга жазм қилиб онгли равишда Яратганга шуни маълум қиламанки, мен айбдорнинг гуноҳидан ўта олмайман. Хизматкорларингнинг ҳам яхшилик ва ёвузлигини яширмайман. Сен буни жуда яхши тушунасан. Менинг ўзим гуноҳкор бўлсам, бунда Дунёдаги барча кишиларга жазо берма. Лекин дунёдаги ҳамма кишилар гуноҳкор бўлсалар, уларнинг гуноҳи бир ўзимнинг бўйнимда бўлсин”.

Жоулар хонадони сахийлик билан инъомлар улашди, яхши кишиларнинг барини бойитди. “Гарчи менинг яқин қондошларим бўлса-да, улардан инсонпарвар кишилар афзалдир. Халқим агар хатоликка йўл қўйса, бу хатоларга бир мен жавобгарман”¹⁶⁴.

¹⁶⁴ Бу сўзлар кирол Жоу Уга тегишли.

(Жоулар хонадони) Узунлик ва оғирлик ўлчов тизимини текшириб чиқди. Олиб ташланган лавозимларни тиклади. Дунёдаги ҳокимият фармойишлари барча ерда кучга кирди. Барбод қилинган ҳокимликларни қайта тиклади. Узилган уруғчиликни давом эттирди. Ишдан четлатилган истеъдодларни хизматга олди. Дунё аҳлининг қалби унга бирлашди.

Аҳолининг озиқ-овқат таъминоти, дафн маросимлари, қурбонлик маросимларига катта эътибор қаратди.

Бағри кенглик билан кишиларнинг таҳсинига сазовор бўлиш мумкин. Эътимод билан ўзгаларнинг ишончини қозониш мумкин. Қобилиятлилиқ билан муваффақиятларга эришиш мумкин. Адолат билан кишиларни бахтли қилиш мумкин.

(2) 子张问于孔子曰：“何如，斯可以从政矣？”子曰：“尊五美，屏四恶，斯可以从政矣。”子张曰：“何谓五美？”曰：“君子惠而不费，劳而不怨，欲而不贪，泰而不骄，威而不猛。”子张曰：“何谓惠而不费？”子曰：“因民之所利而利之，斯不亦惠而不费乎？择可劳而劳之，又谁怨？欲仁得仁，又焉贪？君子无众寡、无小大、无敢慢，斯不亦泰而不骄乎？君子正其衣冠，尊其瞻视，俨然人望而畏之，斯不亦威而不猛乎？”子张曰：“何谓四恶？”子曰：“不教而杀谓之虐，不戒视成谓之暴，慢令致期谓之贼，犹之与人也，出纳之吝，谓之有司。”

Зижанг Устоздан сўради: “Давлатни идора этиш ишлари билан қандай шуғулланса бўлади?” Устоз деди: “Бешта фазилатни хурмат қилиб, тўртга иллат йўкотилса, давлат идораси билан шуғулланса бўлади”. Zijanг сўради: “Бешта фазилат деганингиз қайсилар?” Устоз деди: “Олижаноб инсон халққа меҳр-мурувват

кўрсатиб, ўзини эса беҳуда фидо этмаслиги лозим. Халқни меҳнатга ундаб, унинг ўзига нисбатан нафратини уйғотмаслиги керак. Инсонпарварлик ва бурчга интилиб, бойлик ва манфаатни кўзламаслиги керак. Табиати оғир-вазмин бўлиши, ўзини эса мағрур тутмаслиги, такаббур бўлмаслиги керак. Қатъиятли бўлиб, золим бўлмаслиги керак”.

Зижанг сўради: “Халққа меҳр-мурувват кўрсатиб, ўзини эса беҳуда фидо этмаслиги керак дегани нима?” Устоз деди: “Халқни уларга фойдали бўлган ишларни бажартириб манфаатга етиштириш, бу халққа мурувват кўрсатиб ўзини беҳуда фидо этмаслик эмасми? Халқ бажара оладиган ишларни танлаб уларни меҳнат қилишга чорласа, ким зорланиши мумкин? Инсонпарварлик ва бурчга интилиб унга эришса, яна нимани ҳам кўзларди? Кишилар хоҳ кўп бўлсин, хоҳ оз бўлсин, хоҳ қудратли, хоҳ заиф бўлсин, олижаноб инсон кишиларга нисбатан безътибор ва беҳурмат бўлишга жазм этмаса, бу вазминлик бўлмай, мағрурлик, кибр-ҳавоми? Олижаноб инсон уст кийим ва бош кийимларини саришта сақласа, нигоҳида эҳтиром зоҳир бўлиб турса, жиддий киёфаси кишиларнинг унга нисбатан ҳурмат ва ҳадигини уйғотса, бу қатъиятлик бўлмай нима?”

Зижанг деди: “Тўртта иллат қайсилардир?” Устоз деди: “Аввал йўл-йўриқ кўрсатмай қатл этиш мустабидлик (золимлик), демак. Аввал насиҳат қилмай тезкор муваффақиятни талаб қилиш жафокорлик, демак. Буйрукни аста бажаришни буюриб, кейин чекланган муддатда яқунлашни талаб этиш майиб қилиш, демак. Бериш лозим бўлган мол-мулкни чиқаришга кўзи қиймаслик хасислик, демак”.

(3) 子曰：“不知命，无以为君子；不知礼，无以立也；不知言，无以知人也。”

Устоз деди: “Такдирни билмай туриб олижаноб инсон бўлишнинг иложи йўқ. Маросим тартибларини билмай туриб жамиятда ўз ўрнига эга бўлишнинг имкони йўқ. Ўзгаларнинг мулоҳазаларини яхши тушунмай туриб, кишиларни таниб бўлмайди”.

МУНДАРИЖА

目录

Муҳаммадҷон Обидов “Ўзликни англаш таълимотчиси” 穆罕默德江·阿比多夫 “张领会本人之本质思想的导师”	3
I. Билим олар экан/学而第一	16
II. Мамлакатни бошқариш/为政第二	22
III. Саккиз қаторли мусиқа-рақс гуруҳи/八佾第三	30
IV. Инсонпарварлик муҳитида яшаш/里仁第四	39
V. Гонгйэ Чанг /公冶长第五	45
VI. Мана Ран Йонга/雍也第六	55
VII. Баён қиламан/述而第七	64
VIII. Тай Бо/泰伯第八	74
IX. Устоз камдан-кам/子罕第九	81
X. Устоз она-ерида/乡党第十	90
XI. Аввал ўрганиб/先进第十一	98
XII. Ян Юан/颜渊第十二	108
XIII. Зилу/子路第十三	118
XIV. Сиян сўрамиш/宪问第十四	128
XV. Ҳоким Вэй Линг/卫灵公第十五	143
XVI. Жи Ши/季氏第十六	153
XVII. Янг Хуо/阳货第十七	161
XVIII. Вэйзи/微子第十八	170
XIX. Зижанг/子张第十九	176
XX. Яо дедики/尧曰第二十	185

Адабий-бадиий наир

КОНФУЦИЙ

**СУҲБАТ ВА МУЛОҲАЗАЛАР
(ЛУН ЮЙ)**

Хитой тилидан таржима

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Мусаҳҳиҳ
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 17.10.2014 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 6,0+0,5 вкл. Шартли босма тобоғи 10,08+0,84 вкл.
Гарнитура «Time New Roman». Офсет қоғози.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 232.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
Лицензия рақами: АІ № 198, 2011 йил 28.08 да берилган.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурोजаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278–36–89;
Маркетинг бўлими – 128–78–43. факс – 273–00–14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru